


2  
11 80




# ИСЛОМ МА'РИФАТИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ



# ИСЛОМ МАЪРИФАТИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН



«Тошкент ислом университети»  
нашиёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2017

**УЎК: 28**

**86.38**

**И80**

Ислом маърифати ва ҳозирги замон [Матн] / масъул муҳаррир А. Абдуллаев. - Тошкент : Тошкент ислом университети, 2017. - 160 б.

**КБК 86.38**

**Муаллифлар жамоаси:**

*т.ф.н.доц., А.Абдуллаев, т.ф.н.доц. И.Усмонов, Ж.Шодиев,  
К.Шермухамедов, Н.Тўйчиева, Ш.Жўраев, О.Эрназаров,  
З.Фахриддинов, Ж.Нажмиддинов, Н.Ботирова*

Қўлланмада бугунги кунда дунёда кенг тарқалган ва мусулмон жамиятларини ҳам четлаб ўтмаётган динийлик ва дунёвийлик ўртасидаги мутаносиблик, имон ва куфр тушунчаларининг талқини, ислом ва санъат, «оммавий маданият», тариқатчилик борасидаги мулоҳазалар, ижтимоий одоблар ва ижтимоий тармоқлардан тўғри фойдаланиш йўл-йўриклири, шунингдек, исломда иқтисодий жараёнлар каби масалаларга Куръони карим, ҳадиси шарифлар ва ислом оламида эътироф этилган забардаст олимларнинг ижтиход ва фатволарига таянилган ҳолда тўхталиб ўтилган.

Тошкент ислом университети Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази ходимлари томонидан «Жаҳолатга қарши маърифат» туркумида тайёрланган мазкур қўлланма кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:**

*А. Абдуллаев,  
тарих фанлари номзоди, доцент.*

**Тақризчилар:**

*А.Мансур*

*Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари*

*У. Фофуров*

*Тошкент ислом институти ректори*

*Ш.Зиёдов*

*Ином Бухорий ҳалқаро маркази директори, т.ф.н.*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 754-сонли хуносаси асосида тайёрланди.*

ISBN 978-9943-4827-9-1

© «Тошкент ислом университети»  
нашириёт-матбаа бирлашмаси, 2017.

## Кириш

«Осонлаштиинглар, оғирлаштирманглар,  
хушабар беринглар, нафратлантирманглар».

Ҳадисдан

Ислом инсонлар хулқини камолига етказиш, жамият ҳаётини гўзал ва фаровон қилиш учун Аллоҳ томонидан юборилган. Бу ҳақида Муҳаммад (алайҳис-салом): «Мен гўзал хулқларни камолига етказиш учун юборилдим», деганлар. Тарихга эътибор қаратадиган бўлсак ҳам ислом дини кириб борган ўлкаларда кишилар хулқ-авторида соддалик, мулоийимлик, ватанпарварлик, каттага ҳурмат, кичикка иззат каби инсоний фазилатларнинг юқори чўққига кўтарилигани ва шу асосда илм-фан тараққий этиб, инсонлар ҳаёти фаровон бўлиб, жамиятда осудалик ва барқарорлик устувор бўлганига гувоҳ бўламиз. Чунки, ислом дини кўрсатмаларида инсонлар ҳаётини осонлаштириш, муҳтожларга ёрдам бериш, бироннинг ҳақига хиёнат қилмаслик, ҳалоллик ва покликка тарғиб кучли. Бу ҳақда Қуръони карим оятлари, ҳадиси шарифлар ва динимизнинг мўътабар уламолари ҳаётида ҳам кўплаб мисоллар учрайди.

Муҳаммад (алайҳис-салом) ҳам ўз ҳаётлари давомида икки иш турганида қайси бири енгил бўлса ва шариат кўрсатмаларига хилоф бўлмаса, ўшани ихтиёр қилганлар ва умматга доим шуни таълим берганлар. Бундан ташқари, Пайғамбар (алайҳис-салом) бирор кишини ўзга диёрга

исломдан таълим бериш учун юборар эканлар, хоҳ ибодатда бўлсин, хоҳ инсонлар ўртасидаги муомала масалаларида бўлсин осонлаштиришга, динни қийин ва машаққатли қилиб кўрсатиб қўймасликка тарғиб қиласдилар. Жумладан, Муоз ибн Жабални Яманга юбораётганларида унга насиҳат қилиб, «*Осонлаштиринг, оғирлаштирманг. Хушхабар беринг, нафратлантирманг. Ўзаро ёрдам беринг ва ихтилоф қилманг*», – деганлар (И мом Бухорий ривояти). Бундан кўринадики, ислом динининг мақсадларидан бири инсонлар турмушини енгиллаштириш ва турли машаққатлардан ҳалос этиб, ўзаро тутув ҳаёт кечиришга чорлашдир.

Бу ҳақида Куръони каримнинг кўплаб ўринларида эслатмалар келган. Жумладан, «*Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, оғирликни хоҳламайди*» (Бақара, 185), «*Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани таклиф этмайди*» (Бақара, 286), «*Сизларни (шу дин учун) У танлади ва динда сизларга бирор ҳараж (қийинчилик) қилмади*» (Ҳаж, 78) каби оятларда ҳам Аллоҳ ислом динини инсоният турмуш тарзини осонлаштириш учун юборганига гувоҳ бўламиз.

Афсуски, бугунги кунда айрим шахслар томонидан динни ўзи учун қийин қилиб олиш ва ўзгаларга ҳам машаққатли кўрсатишга ҳаракатлар кузатилмоқда. Жумладан, мусулмонлар ҳаётини оғирлаштиришга сабаб бўлувчи фатволарни бериш, аслида мубоҳ, яъни ҳалол саналган нарсаларни макруҳ ёки ҳаромга чиқариш ҳолатлари учраб турибди. Куръони каримнинг «Моида» сураси 87-оятида бу каби

кимсалар учун алоҳида кўрсатма келган бўлиб, унда айтилишича, «Эй, имон келтирганлар! Сизлар учун Аллоҳ ҳалол қилиб қўйган нарсаларни ҳаромга чиқармангиз ва ҳаддан ошмангиз! Зеро, Аллоҳ ҳаддан ошувчиларни ёқтиргмайди». Яна бир оятда ҳам Аллоҳ таоло: «Айтинг: «Бандалари учун чиқарган Аллоҳнинг зийнатини ва пок ризқларни ким ҳаромга чиқарди?» Айтинг: «У (зийнат ва пок ризқлар) бу дунёда имон келтирганлар (ва бошқалар) учун, қиёмат кунида эса, холис (мўминларнинг ўзлари учун бўлур)». Шундай қилиб, оятларни биладиган қавмларга муфассал баён қилурмиз», деб ҳалолни ҳаром санаш масаласи Куръон орқали қайтарилиган ўта ҳушёрлик талаб этиладиган иш эканини билдирган.

Ҳадиси шарифларда ҳам динни ўзгалар тугул, ўзи учун ҳам мashaққат қилиб олишдан қаттиқ қайтарилиган. Жумладан, Анас (розияллоҳу анху) дан шундай ҳадис ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (алаиҳис-салом)нинг аёллари хонадонларига бир гурӯҳ эркак мусулмонлар келиб, Расулуллоҳ (алаиҳис-салом) нинг (уидаги) ибодатлари ҳақида сўраши. Бу ҳақида сўзлаб берилгач, уларга бу оз кўринди: «Расулуллоҳ (алаиҳис-салом) кимлар-у, биз киммиз? Ахир, Аллоҳ таоло у зотнинг олдинги ва кейинги гуноҳларини кечирган бўлса (шуниг учун у зот оз ибодат қилсалар ҳам бўлаверади)», дейишди. Ораларидан бири: «Мен энди бутун ҳаётим бўйи кечаси билан намоз ўқиб чиқаман!» деди. Иккинчиси: «Мен бир умр рўза тутаман, бирор кун ҳам канда қилмайман!» деди. Учинчилари: «Мен умрбод аёллардан узоқ бўламан,

умуман уйланмайман!» деди. (Бундан хабардор бўлган) Расули акрам (алайҳис-салом) уларни топиб: «Сизлар шундай-шундай дебсиз. Ҳолбуки, Аллоҳга қасам, Аллоҳ таолодан энг қўрқадиганингиз ва тақвадорроғингиз ўзимман. Шунга қарамай, баъзида рўза тутаман, баъзида тутмайман. Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам, аёлларга уйланаман. (Менинг суннатим шудир), ким суннатимдан юз ўғирса, мендан эмас!» дедилар» (Бухорий ва Муслим ривояти). Демак, киши ибодат ва бошқа масалаларда ўртacha йўлдан воз кечиб, қийин ва машаққатли ҳолатларни ўзига юклаб, динни оғир қилиб олиши Пайғамбар (алайҳис-салом) суннатларига ҳам хилоф саналади.

Шунингдек, баъзи мусулмонлар ислом ҳукмлари-ни тушунишда мутаассибона қарапшларни ёқлаб, диний кўрсатмаларни тушуниш ва уларга амал қилишда ихтилоф чиқариб, ўз фикрини диндаги энг тўғри ва ягона исломий қарашибсанаб, ўзгача дунёқаращдаги инсонларга нисбатан кескин муносабатда бўлмоқдалар. Натижада, инсонлар ўртасида ўзаро нифоқ, бир-бирига нисбатан адоват қилиш, майда масалаларни глобал диний муаммо қилиб кўрсатиш, оқибатда, мусулмон жамиятларида ички низоларнинг авж олиши, парокандалик, бўлиниш ва беқарор вазиятнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Аслида, бундай ҳолатлар ислом таълимотида қораланиб, ўзаро бўлинмасликка, динни оғирлаштирмаслик ва ўзаро тотув бўлишга чақирилади. Диний масалаларда ҳаддан ошиш кишини ҳалок этишидан огоҳлантирилади.

Жумладан, Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда шундай дейилади: «*Албатта, дин енгилликдир. Ким динда чуқур кетса, (дин) уни енгади. Бас, тўғри бўлинглар, тўғри бўлишга ҳаракат қилинглар...*»(Имом Муслим ривояти). Демак, исломдаги енгилликларни рад этиб, улардан фойдаланмаслик динни нотўғри тушуниш ва ғулувга кетиш ҳисобланади.

Дин уламоларининг фикрларига кўра, ислом дини ҳамма замон учун мувофиқ келувчи динdir. Бу фикрнинг моҳияти шундаки, ислом илм-фан, тараққиёт ва кишилар ҳаётини енгиллаштиришга сабаб бўлувчи омилларни барча замон ва маконда қўллаб-қувватлаб келган. Шунга қарамай, динни доктриналар шаклга солишга уринувчи, ислом кўрсатмалари кескин ва ҳар қандай ўзгаришдан холи, деб талқин қилувчи тоифалар учраб турди. Тўғри, ислом динининг айrim кўрсатмалари замон ва макон ўзгарса ҳам ҳеч қандай ўзгаришни қабул қилмайди. Масалан, диндаги эътиқодий тушунчалар, асосий қоидалар, ибодатга оид ҳукмлар ўзгармай келмоқда. Лекин инсонлар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, майший масалаларда ислом дини жамиятдаги вазият, зарурат ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, агар динининг асосий қоидаларига хилоф келмайдиган бўлса, муайян ўзгаришларни қабул қиласди.

Илк ислом даврида қабрларни зиёрат қилиш Пайғамбар (алайхис-салом)нинг «*Кимки қабрларни зиёрат қилса, биздан эмас!*», деган ҳадислари асосида ман этилган эди. Чунки, ўша даврда ислом

одамларнинг қалбига тўла ўрнашиб улгурмаган бўлиб, қабрларни тавоғ қилиш ва уларга сифиниш ҳолатлари юз бериши мумкин эди. Кейинчалик вазият ўзгариб, Муҳаммад (алайҳис-салом)нинг ўзлари «Қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим. Энди, уларни зиёрат қиласкеринглар! Чунки, у сизларга охиратни эслатади», деб қабрлар зиёратига рухсат берганлар. Бундан кўринадики, Пайғамбар (алайҳис-салом) ҳар доим инсонларнинг ҳолати ва мавжуд вазиятни ҳисобга олганлар.

Тарих китобларида Расулуллоҳ (алайҳис-салом) издошлиари бўлган саҳобийларнинг ҳам динни тушунишда воқеликни эътиборга олишлари, теран фикрлаб замон ва макон билан ҳисоблашишлари, Пайғамбар (алайҳис-салом) каби кишининг ҳолати ва мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, масалага муносиб ечим топишлари қайд этилган. Жумладан, саҳобий Билол (розияллоҳу анҳу) бомдод намозига аzon айтаётганида «ас-солату хойрун минан-навм» жумласини қўшиб айтдилар. Гарчи бу сўз дастлабки даврда аzon таркибида йўқ бўлса-да, Пайғамбар (алайҳис-салом) Билол (розияллоҳу анҳу)нинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ҳатто доимо айтишни жорий қилдилар. Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) ҳам Муҳаммад (алайҳис-салом) қилмаган иш – Мусҳафни жамлади ва ўзидан кейин Умар (розияллоҳу анҳу)ни халифа бўлишларини тавсия қилдилар. Ҳазрати Умар (розияллоҳу анҳу) эса, Пайғамбар (алайҳис-салом)нинг закот вожиб бўладиган чорва моллар қаторига отларни қўшмаганлари ҳақида очик кўрсатмалар мавжуд

бўлган бир вақтда, отлардан ҳам закот олганлар. Гап шундаки, Умар (розияллоҳу анҳу) даврларига келиб, отлар Пайғамбар (алайҳис-салом) закот бериш вожиб, деб таъкидлаган туялардан ҳам кўра қимматроқ жониворга айланди. Бошқача қилиб айтганда, Умар (розияллоҳу анҳу) закот жорий этилишининг фақат зоҳирига эмас, балки унинг мақсади ва моҳиятига ҳам эътибор қаратганлар. Шунингдек, Умар (розияллоҳу анҳу) Мұҳаммад (алайҳис-салом) даврларида кузатилмаган бўлса-да, жамиятнинг молиявий ишларини тартибга солиш мақсадида бюджет тизими, яъни байтулмолни ташкил қилдилар. Бу даврда илгари кузатилмаган яна бир янгилик – девонлар тизими ташкил қилиниб, уни юритишда форс-рум услуби қабул қилинди.

Бундан ташқари, таровеҳ намози Мұҳаммад (алайҳис-салом) даврларида жамоат билан ўқилмаган. Шундай бўлса-да, ҳазрати Умар (розияллоҳу анҳу) таровеҳ намозини жамоат бўлиб ўқиши жорий қилдилар. Шу билан бирга, мусулмонлар ўртасида турли фитна ва бехуда гап-сўзлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида аёлларнинг масjidга боришларини ман қилдилар. Мұҳаммад (алайҳис-салом) ҳаётликларида аёллар ҳам масjidга борар эдилар. Аммо, Умар (розияллоҳу анҳу) ислом хуқуқи кўрсатмаларининг фақатгина моҳиятига эътибор қаратишни ҳамма вақт ҳам қўлламаганлар. Имом Бухорийдан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: «Умар (розияллоҳу анҳу)дан сўрадилар: «Нима учун биз ислом дини

Маккада жорий бўлганидан кейин ҳам Каъбани елкаларимизни очган ҳолда тавоф қилишимиз керак?» Бу савол берилишининг асосий сабаби шунда эдики, Макка фатхидан аввал ҳижрий 7 йилда мусулмонлар умра зиёратига отланган вақтда маккаликлар орасида Пайғамбар (алайҳис-салом) ва саҳобийларни Мадина безгаги анча ҳолдан тойдирив соғликларини йўқотганлар, деган гап тарқалган эди. Бу гапларнинг асоссиз эканини билдириш учун Пайғамбар (алайҳис-салом) саҳобийларга елкаларини очган ҳолда баданларидағи куч-ғайрат ва соғлиқни Макка мушрикларига кўрсатиш мақсадида Каъбани илдам қадам ташлаб тавоф қилишга амр қиласидилар. Лекин Умар (розияллоҳу анҳу) ўз замонасида тавофни бундай кўринишда бажаришдан кўзда тутилган мақсадга эътибор қаратмай, шундай жавоб бердилар: «Биз Пайғамбар (алайҳис-салом) даврларида бажаришга одатланган ишларни ҳеч бирини бекор қилмаймиз»<sup>1</sup>. Мана шу жавоб билан Умар (розияллоҳу анҳу) шариат мақсадларини амалда қўллашда ўзгармас тамойиллар борлигини ҳам таъкидлаганлар.

Афсуски, ҳозирги кунда айрим мутаассиб шахслар ҳар қандай янги ишни бидъат-хурофот санаб, ўзгаришларга кескинлик билан муносабатда бўлишга одатланиб қолганлар. Улар ўз иддаоларини «Ким бизнинг иши мизда унда бўлмаган янгиликни пайдо қиласа, у рад этилади», «Дарҳақиқат, энг яхши сўз Аллоҳнинг Китоби, энг яхши йўл Мухаммад (алайҳис-салом)нинг йўлидир. Ишларнинг энг ёмони эса

---

<sup>1</sup> Саҳихи Бухорий, 675-ҳадис.

*уларнинг янги пайдо бўлганларидир ва ҳар бир янгилик залолатдир» каби ҳадислар билан изохлайдилар.*

Уламолар юқоридаги ҳадисларда келган «бидъат» фақат дин асосларига оид масалаларда бўлади, деб таъкидлаганлар. Келтирилган ҳадислар ҳам айнан шунга далолат қилмоқда: «*Бизнинг ишимизда янгилик пайдо қиласа...*», яъни ишдан мақсад Расулуллоҳ (алайҳис-салом) ва у зот билан бирга мусулмонлар жамоатининг ишидир. Дунёвий ишларда насс ва муайян диний қоидаларга хилоф келмаса, уларда ёмон бидъат йўқ. Яъни, ҳаромни ҳалол, ҳалолни ҳаромга айлантириш каби бидъатларга йўл қўйилмаса бунга эътиroz йўқдир.

Кундалик турмушимиздаги ҳар бир янгилик ислом динининг руҳи ва Пайғамбар (алайҳис-салом) келтирган таълимот билан ҳамоҳанг сақланган ҳолда жамият ҳаёти билан уйғунлаштирилган бўлса, юқоридаги ҳадисларнинг моҳиятига зид келмайди.

Онги қотиб қолган мутаассиб кимсаларнинг диний масалаларга ҳарфий, зоҳирان ёндашиб, Куръони карим ва ҳадисларни тўғридан-тўғри олиб сўзма-сўз ҳаётга татбиқ этишга уринишлари кишилар турмуш тарзида кўплаб муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Бундан маълум бўладики, ислом дини қотиб қолган ва ҳеч қандай ўзгаришни қабул қилмайдиган дин эмас. Аксинча, у инсонлар эҳтиёжини ҳар доим ҳисобга олган. Дин кўрсатмаларини татбиқ қилишда воқеликни инобатга олмаслик, ҳаддан ошиш катта хатоларга олиб келиши ва жамиятда турли ихтилофлар авж олишига сабаб бўлиши мумкин.

Натижада шариатнинг мақсадига олиб борадиган йўллар беркилиб, халқ мashaққатга дучор бўлади. Шу боис янги муаммоларни ҳал қилишда воқеликни чуқур ўрганиш ҳамда шариат кўрсатмаларини шунга мувофиқ равишда татбиқ этиш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда ушбу китобда Куръони карим оятлари, ҳадиси шарифлар ва ислом оламида эътироф этилган забардаст олимларнинг ижтиход ва фатволарига таянилган ҳолда инсонлар турмушида учрайдиган, айrim ҳолларда турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Айниқса, ислом динининг дастлабки даврида кузатилмаган ва ҳозирги кунда дунёда кенг тарқалган ва мусулмон жамиятларини ҳам чеклаб ўтмаётган ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, китобда динийлик ва дунёвийлик ўртасидаги мутаносиблиқ, имон ва куфр, исломда иқтисодий жараёнлар, тариқатчилик, ислом ва санъат, «оммавий маданият», ижтимоий одоблар ва ижтимоий тармоқлардан тўғри фойдаланиш каби масалаларга тўхталиб ўтилди.

Мұхтарам китобхон, муаллифлар жамоаси ушбу китоб борасида комилликка даъво қилмаган ҳолда рисолада учраши мумкин бўлган хато ва камчиликлар учун Сиздан олдиндан узр сўрайди. Умид қиласизки, ушбу қўлланма юртимиз илм-фани тараққиёти ва жамият фаровонлиги учун хизмат қиласи.

## МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИДА ИМОН МАСАЛАСИ

Имон масаласига тарихда турли оқимлар томонидан турлича ёндашилган. Суннийлик йўналиши олимлари томонидан ушбу оқимлар қарашларининг иллатлари кўрсатиб берилиши билан бирга, ўзаро жузъий масалаларда унга таъриф бериш ва унинг шартларини баён этишда ихтилоф қилганлар. Умуман, ушбу ихтилофлар асосида кишининг мўмин ёки мўмин эмаслиги, унга имон номини мансуб қилиш ёки мансуб қилмаслик масаласи кабилар юзага келган.

Тарихдан маълумки, ilk пайдо бўлган фирмә ва оқимлардан хорижийлар биринчи бўлиб бу масалани бузиб талқин этганлар. Яъни унга кўра, улар ўз томонларида бўлмаган мусулмонларнинг барчасини кофирга чиқариб, ўлдириш ҳалол, деган қарашга асосланганлар. Улар гуноҳ ишларни қилган кишини мушрик ва кофирга чиқарганлар ҳамда имондан чиқишга сабаб бўлувчи амалларга фарзларни бажармасликни ҳам киритиб юборганлар. Мўтазила оқими эса гуноҳ содир этган мўминни икки манзила ўртасидаги манзилада, яъни мўмин ҳам, кофир ҳам эмас, балки оралиқ ҳолатда бўлади ва охиратда эса дўзахийдир, деган ақидани илгари сурганлар. Бунда улар катта гуноҳларни қилганлар оралиқ ҳолатда бўлади, деган қарашни асосиз равишда келтирганлар.

Мана шундай тарзда ислом оламида диндаги асосий масала бўйича баҳс-мунозаралар авж ола бошлади. Мовароуннахр ҳам бу тортишувлардан четда қолмади. Сўнг юртимиз олимлари бу борада юзага келган масалаларга ҳанафийликни асос қилиб, турли оқимларнинг нотӯғри талқинларига муносиб илмий раддиялар бера бошладилар. Жумладан, имом Мотуридий ўз илмий салоҳияти билан ақидавий масалаларга мукаммал ечимларни берганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Айнан унинг қаламига мансуб асарлар кейинги даврларда турли оқим ва фирқаларнинг бузғунчи ғояларига қалқон бўлиб, юртимиз уларнинг ғоявий таъсиридан омонликка эришди. Худди шу даврда яшаган суннийлик йўналиши имоми сифатида танилган иккинчи олим – имом Абул-Ҳасан Ашъарий ҳам ақида борасида фаолият кўрсатган. Бироқ унинг ақида масаласидаги муҳтасар ёндашуви, турли оқимларнинг барча тушунчаларига аниқ раддиялар бермаслигини кузатиш мумкин. Абул-Ҳасан Ашъарийнинг асари кичик ҳажмдаги рисола тарзида юзага келди ҳамда. кейинги давр ашъарийлик олимлари томонидан унинг қарашлари ривожлантирилиб, катта ҳажмли асарлар яратилган.

Имом Мотуридий илмий меросида эса, ўша даврдаги оқимларнинг қарашлари моҳияти, тушунчаларга раддиялар берилиши билан бирга, уларнинг қарашларининг юзага келиш сабаб ва омилларига ҳам тўхталинади. Натижада, ислом оламида суннийлик қарашларининг бошқа оқимларга берган мукаммал раддиялари мажмуаси юзага келди. Олимнинг қарашлари «Китоб

ат-тавҳид» ва «Таъвилот аҳл ас-сунна» асарларида ўз аксини топган.

Айнан имон масаласи бўйича суннийлик йўналиши ишлаб чиқсан ақидавий тушунча ҳам мукаммал тарзда имом Мотуридий ва унинг издошларига тегишлидир.

Энг аввало айтиб ўтиш лозимки, имон шартига амални киритиш сабабидан мўмин кишининг имонини кучли ва заиф ёки зиёда ва ноқис бўлиши мумкин деган қарашлар юзага келган. Ҳамда бу ўз навбатида бирор амални қилмаган, ёки гуноҳкор, ёхуд гуноҳ содир этган кишиларнинг имонларини ноқис, заиф, ҳатто кофирга чиқаришга олиб борадиган йўлдир.

Имом Мотуридий ва мотуридийлик йўналиши уламолари ҳанафийлик анъаналарига мос тарзда, балки ақидавий таълимотни янада ривожлантириб, ҳар томонлама мукаммал тарзда ўз даврларида юзага келган масалаларга жавоб берганлар. Жумладан, улар юқорида зикр этилган имон ва бошқа ақидавий масалаларни Куръон ва суннага мос тарзда ечиб, жумладан, имон шартига амалнинг кирмаслиги, унинг зиёда ва ноқис бўлмаслигини далиллар билан доимо таъкидлаб келдилар. Чунки, қайси бир юртимизда етишиб чиқсан соҳа олимларининг асарларини олсак, айнан ушбу масала бўйича яқдил қараш, яъни имон бу – қалб тасдиғи ва тил иқори эканлиги ҳамда у зиёда ва ноқис бўлмаслиги, ҳар бир қалбида имони бор киши комил имон соҳиби эканлиги, амал эса имондан ташқари нарсалиги таъкидланган.

Аммо бошқа йўналиш ва оқимлар (ҳозирги кунда юзага келган мутаассиб оқимлар ҳам) имон тил билан иқрор, дил билан ишониш ва амалларни бажаришdir деб таъкидлайдилар. Бу қарашнинг асослари етарли даражада эмаслиги ҳанафийлик олимлари асарларида Куръон оятлари ва ҳадисларни тўғри шарҳлаш асосида аниқ исботланган ва шак-шубҳага ўрин қолдирилмаган. Бу борада юртимииздан етишиб чиққан соҳа олимларининг сўzlари алоҳида аҳамият касб этади.

Авваламбор, имом Мотуридий таъкидланганидек, «имон» сўзининг маъноси «тасдиқлаш»дир. Шунинг учун имом Мотуридий энг аввало сўзининг луғавий маъносидан ташқарига чиқмаслик лозимлигини таъкидлаган, сўнг оятларни келтириб, уларни бирма-бир шарҳлаб берган ва ушбу қарашнинг тўғрилигини исботлаган. Жумладан, «Бақара» сураси 3-ояти шарҳида шундай дейди:

الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِالْغَيْبِ (۲۳)

«Улар ғайба имон келтирадилар» ояти барча тоат-ибодатлар имондир дейдиганларга раддиядир. Чунки, оядда намоз, закот каби тоат-ибодатлар зикр этилмасдан, мўминларнинг ғайба имон келтирсанлари учун бу ном уларга мансуб қилинмокда<sup>2</sup>.

وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَقُولُ آمَنَّا بِاللَّهِ وَبِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَمَا هُمْ بِمُؤْمِنِينَ

Шунингдек, «Бақара» сураси 8-оятида кишиларнинг орасида тилда имон келтиридик, дейдиганлар

<sup>2</sup> Мотуридий. Таъвилот аҳл ас-сунна. // Маждий Босаллум таҳрири остида. – Байрут: Дорул кутубил илмийя, 2005. Ж.1.

бор бўлиб, уларнинг имон соҳиби эмасликлари, яъни мўмин эмасликларини зикр этилишига кўра имон бу қалб билан тасдиқлаш эканлигини таъкидлайди. Ҳамда ушбу мазмундаги оятлар карромийларга раддия эканини зикр этади, чунки улар имон бу тил билан икрор бўлиш бўлиб, дил билан тасдиқлаш унга кирмайди, деганлар<sup>3</sup>.

Имом Мотуридий хорижий, мўътазилий, карромий, ҳашавий оқимларининг имон ҳақидаги қарашларини ботил эканлигини зикр этиб, Куръондаги «Эй, имон келтирганлар...» жумласининг ўзи имоннинг тасдиқ эканлиги ва қалбда бўлишига далил қилиб келтирган. Шунингдек, имон бу маълум чегарага эга ном эканлигини айтади<sup>4</sup>.

Мотуридийлик таълимотининг йирик намояндаси бўлмиш Абул-Муъин Насафий ҳам имон масаласига худди шу каби услубда ёндашган. Яъни у «имон» сўзининг маъноси араб тилида «тасдиқлаш» эканини зикр этиб, сўнг унинг маъносида амални киритганларга қаратса шундай дейди: «Агар ҳар бир сўзни луғавий маъносидан бошқа маънога нақл этилаверса, унда Куръон ва суннада кўп сўзларни бошқа маъноларга нақл этиш мумкин бўлиб, маънолар бузилиб кетарди»<sup>5</sup>. Шунингдек, аллома «Баҳрул-калом» номли асарида амалнинг имон шартига кирмаслигига қуйидаги «Иброҳим» сураси 31-оятини далил сифатида келтиради:

<sup>3</sup> Мотуридий. Таъвилот аҳл ас-сунна. // Маждий Босаллум таҳрири остида. – Байрут: Дорул кутубил илмийя, 2005. Ж.6.

<sup>4</sup> Мотуридий. Таъвилот аҳл ас-сунна. // Маждий Босаллум таҳрири остида. – Байрут: Дорул кутубил илмийя, 2005. Ж.9.

<sup>5</sup> Мотуридий. Таъвилот аҳл ас-сунна. // Маждий Босаллум таҳрири остида. – Байрут: Дорул кутубил илмийя, 2005. Ж.10.

## قل لعبادی الذين آمنوا يقيموا الصلاة

«Имон келтирган бандаларимга айтинг, намозни адо этсинлар», яъни оятга кўра Аллоҳ бандаларга имон номини ўрнатгандан сўнг амал қилишни амр этмоқда<sup>6</sup>.

Имоннинг зиёда ва нокис бўлиши мумкинлиги ҳанафийлик-мотуридийлик таълимотида ўрнатилмаган, балки ҳар бир кишининг имони комил имон саналиши, тоат ва ибодат ёки гуноҳ маъсият билан имоннинг айнан ўзи кўпаймаслиги ва камаймаслиги далиллар билан исботланган.

Жумладан, имом Мотуридий бу ҳақда шундай дейди:

«Куръон оятидаги «имонлари зиёда бўлди» жумласи адад ёки айни имоннинг ўзида зиёдаликини билдирамайди, балки унинг шарафи, фазилати ошгани, зиёда бўлганини билдиради. Масалан, «жамоат билан ўқилган намознинг даражаси ёлғиз ўқилган намоздан йигирма беш баробар афзалдур» ҳадисида ҳам айнан намознинг адади зиёда бўлиши назарда тутилмаган, балки шарафи ва фазилати зиёдалиги назарда тутилгандир. Худди шу каби имоннинг амаллар жиҳатидан зиёда бўлиши ҳам унинг шарафи, фазилати, камоли зиёдалашишига далолат қиласи. Амаллар имон жинсидан эмасдир, у тасдиқлашдан иборатдир»<sup>7</sup>.

<sup>6</sup> Мотуридий. Китоб ат-тавҳид. // Бакр Тўбол ўғли ва Мұхаммад Оружи таҳрири остида. – Байрут: Дор Содир, Истамбул: Иршод, 2003.

<sup>7</sup> Абул-Муъин ан-Насафий. Табсират ал-адилла. // Мұхаммад Анвар таҳрири остида. – Қоҳира: Ал-Азҳар университети, 2011. Ж.2.

Бошқа ўринда эса, Абу Ҳанифанинг «умумий тарзда имон келтирганларидан сўнг тафсирий тарзда зиёда бўлди», сўзини ҳамда «аҳли китобларнинг илгари ўтган китобларга ва пайғамбарларга имонлари билан бирга, Муҳаммад (алайҳис-салом) га ва унга нозил бўлган Китобга имон келтиришлари билан имонлари зиёда бўлди», яъни бунда аҳли китобларга тегишли бўлади, шунингдек, «уларнинг (саҳобийларнинг) имонлари янги вақт кирганида ундан олдинги вақтдан кўра зиёда бўлди... чунки, имон доимо янгиланиб туришга ҳақлидир», деб шарҳ берган<sup>8</sup>. Шунингдек, Мотуридий имон зиёдалигини саботли бўлиши, ёки саботи зиёда бўлиши сифатида шарҳ берган<sup>9</sup>.

Шу тарзда Куръонда зикр этилган «имонлари зиёда бўлди» ояти шарҳини имом Мотуридий ва унинг издошлари ва барча ҳанафийлик олимлари тўғри англаш лозимлигини таъкидлашган. Маълумки, бошқа оқим ва тоифалар имон зиёда бўлиши мумкинлиги ҳамда унинг ноқис бўлиши мумкинлигини таъкидлашган. Ҳамда имоннинг зиёда бўлиши Куръонда зикр этилган экан, демак у ноқис ҳам бўлиши мумкин, деган қоидани ишлаб чиқишиган. Аслида бу оят имоннинг ўзи айнан зиёда ва ноқис бўлишига далолат қилмаслиги, зиёдалик, яъни олдинги ҳолатдан кейинги ҳолатга

<sup>8</sup> Абул-Муъин ан-Насафий. Табсират ал-адилла. // Муҳаммад Анвар таҳрири остида. – Қоҳира: Ал-Азҳар университети, 2011. Ж.2.

<sup>9</sup> Абул-Муъин ан-Насафий. Бахр ал-калом // Валиюддин Муҳаммад Солих Фарфур таҳрири остида. – Дамашқ: Дорул-Фарфур, 2000.

ўтишни табиатдаги ўсиш жараёнидаги каби бўлиши мумкинлиги олим томонидан зикр этилган.

Ҳамда Абул-Муъин ан-Насафий ўзининг «Табсират ал-адилла» асарида «Аслида имон шартларига амални киритганлар унинг зиёда бўлиши ҳақидаги сўзни ҳам айтмасликлари лозим бўлади. Чунки, улар амалларни ҳам имон деб санаганларидан сўнг, унда ҳеч кимнинг имони мукаммал, тўлиқ бўлолмайди ҳамда зиёда бўлиб бориши ҳам бу ҳали мукаммал, комил бўлмаганингини англатади ва у нуқсон чегарасида бўлиб қолаверади. Ҳамда бу қарашга кўра бирор ибодат йўқки, имон бўлмаса..(яъни имон шарти бўлмаса)» [6; 1088]. Яъни олим имон соҳиби учун агар унинг имонига амал шарт қилинса, унда меъёрни белгилашнинг имкони йўқлигини айтмоқда.

Шу тарзда Куръон ва суннага кўра имон шартига амалнинг киритилиш имкони йўқдир.

Юқоридаги ақидавий қараш, яъни имоннинг шарти сифатида қалб билан тасдиқлаш, тил билан айтиш ҳамда имоннинг зиёда ва ноқис бўлмаслиги Абу Ҳанифа, Имом Мотуридий, Абу Лайс Самарқандий, Ҳаким Самарқандий, Абу Жаъфар Таховий, Абул Муъин Насафий, Абу Ҳафс Насафий, Абул Баракот Насафий, Алоуддин Самарқандий, Абу Юср Паздавий каби кўплаб машҳур олимлар томонидан далиллар билан исботланган.

Олимлар томонидан гуноҳи кабира қилган кишининг имони масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Яъни унга кўра гуноҳи кабира қилган

кишининг имони гуноҳ қилмаган киши билан бир хил бўлиши, балки у бу билан имони йўқ бўлиб, завол топмаслиги, фақат гуноҳи учун гуноҳкор бўлиши айтилган. Ҳамда бу борада қуидаги хulosалар ўринлидир: Мотуридия таълимотига кўра, куфр имоннинг зиддидир. Куфр имонни ёлғонга чиқариш ва ундан юз буришдир. Бу иккиси қалбда бўлади. Имон билан куфрнинг бир-бирига зидлиги ҳам шундадир<sup>10</sup>.

Абу Лайс Самарқандий ҳам ўз тафсирида бу борада тўхталиб, далиллар асосида шундай дейди: «Аҳли сунна вал жамоа эътиқодида гуноҳи кабира мўмин кишини имондан чиқармайди..»<sup>11</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, ҳанафийлик-мотуридийлик таълимотига кўра имон шартлари сифатида дил билан ишониш, тил билан тасдиқлаш асосли равишда ўрнатилган бўлиб, амаллар унинг шартига киритилмаган. Бу билан кишилар орасида имон-эътиқодда тафовут бўлмаслиги, барча мўмин-мусулмонларнинг бир-бирларига бағрикенглик, тотувлик билан муносабатда бўлишларига ҳамда бир-бирларини куфрда айбламасликлари учун муҳим асос вазифасини ўтаб келмоқда. Ушбу қарааш Куръон ва суннани тўғри англаш асосида ишлаб чиқилган эътиқодий масаладир.

<sup>10</sup> Абу Лайс Самарқандий. Тафсир – Али Муҳаммад Муавваз, Одил Аҳмад, Закариё Нутийлар таҳрири остида. – Байрут: Дорул кутубил илмиййа, 1993. Ж. 2.

<sup>11</sup> Сайдмухтор Оқилов. Мовароуннаҳрда мотуридия таълимотининг шаклланиш тарихи – Т.: «Movarounnahr», 2012. – 185 б.

## ДИН ВА ДУНЁ

Бугунги кунда турли тоифалар томонидан динийлик ва дунёвийлик нисбати бузиб талқин қилиниб, ислом – дин ҳам сиёсатни ўз ичига қамраб олган илохий таълимот (араб. «ал-ислам дин ва давла»), экани ҳақидаги дা�ъволар кўп янграмоқда.

Мусулмонларнинг дунёвий давлатда яшаши мумкинлиги илмий исботлар талаб қилмайди. Нафақат Фарбий Европа, Америка ва Австралиядаги аҳолининг озчилигини ташкил қилувчи мусулмонларнинг тажрибаси, балки аҳолисининг мутлақ кўпчилиги мусулмонлардан иборат Туркия ёки Ўзбекистон тажрибаси ҳам шундан далолат беради<sup>12</sup>.

Бугунги кунда виждон эркинлиги халқаро миқёсда барча демократик тизимларда кафолатланган ва Инсон ҳуқуqlари ҳақидаги халқаро декларацияда белгилаб қўйилган муҳим ҳуқуқ ҳисобланади. Демократик назария бир томондан, динни ундан сиёсий мақсадларда фойдаланишга уринишлардан сақлайди, бошқа томондан эса, уни мутаассиблик ва жаҳолатда айблашлардан ҳимоя қиласди<sup>13</sup>. Бинобарин, ислом

<sup>12</sup> Кремер Г. Ислом – дин ва давлат: исломда дин, ҳуқуқ ва сиёсатнинг ўзаро муносабати // Ислом ва дунёвий-маърифий давлат / масъул мухаррир З.Мунавваров. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2003. – Б. 60.

<sup>13</sup> Қаранг: Мустафо Ҳ. Сиёсий ислом: исломий сиёсий андоза ҳақидаги масала бўйича айрим мулоҳазалар // Ислом ва дунёвий-маърифий давлат / масъул мухаррир З.Мунавваров. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2003. – Б. 104.

уламолари ҳам демократик тизим ўз моҳиятига кўра ислом тамойилларига мувофиқ эканини таъкидламоқдалар. Зеро, сайлов, референдум, кўпчиликнинг ҳал қилувчи овози, кўппартияйилик, ҳурфиклилик, мухолифат, ОАВ эркинлиги, суднинг дахлсизлиги каби демократиянинг асосий ва ажралмас атрибутлари – ислом таълимотларига зид эмас<sup>14</sup>. Айниқса ислом таълимотидаги ҳокимият масаласидаги қўйидаги тамойиллар унинг дунёвий бўлишини тақозо этади: биринчидан, давлат раҳбарини умматнинг ўзи сайлайди; иккинчидан, раҳбар давлатни яккаҳоким бўлиб бошқармайди, балки маслаҳат ва машварат билан иш юритади; учинчидан давлат раҳбарининг фаолияти назорат ва тафтиш қилинади. Бу тамойиллар эса «диний давлат раҳбари» тушунчасига зид ҳисобланади<sup>15</sup>. Кўп такрорланадиган «ал-Ислам дин ва давла» шиори эса тарихан ўз тасдиғини топмаган ҳамда колониал сиёsatдан азият чеккаётган Мисрда XX аср бошларида пайдо бўлиб, ўз даври мухитидаги кайфиятларни акс эттирган.

Дунёвийлик тушунчасини динийлик билан мутлақ қарама-қарши қўйиш тўғри эмас. Улар дунё ва инсон ҳаётининг моҳиятига турлича қарааш усулларидир. Дунёвийлик тушунчасида диний ташкилотларни сиёсий ташкилотлардан ажратиш ва динийликни

<sup>14</sup> Қаранг: Юсуф Қарзовий. Фатави муасира. – Мансура: Дар ал-вафо, 1994. Т.II. – Б. 636-651.

<sup>15</sup> Қаранг: Аваз Муҳаммад Аваз. Араб ва мусулмон давлатлари конституцияларида шариат: унинг дунёвий ҳокимият билан алоқаси / «Оlamни тушуниш фикҳи ва тотув яшаш» ҳалқаро конференцияси материаллари. – Маскат, 2013 йил, 6 – 9 апрель.

барча учун асос қилиб олмаслик тамойили туради. Диндорлик эса қалбга боғлиқ ҳиссиёт. Уни барчага мажбурий сингдириш ҳеч қайси диний тамойилга тўғри келмайди. Дунёвий тараққиёт йўлини тутган давлатларда гарчи дин давлатдан ажратилган бўлсада, жамиятдан ажралмаган. Миллий ва диний қадриятлар халқлар маънавий қиёфасининг муҳим қисмларидан ҳисобланади. Бугунги кунда диний қадриятларни эътиборга олмай иш тутиш билан замонамизнинг оғир ва мураккаб саволларига жавоб топиб бўлмаслигини ҳаёт тажрибаси кўрсатмоқда.

Ислом динида дунёвийликка динга ёт тушунча сифатида қаралмайди. Ислом динининг муқаддас манбалари – Қуръони карим ва Суннада ҳам дунёвийлик тамойиллари асосларини кўриш мумкин. Жумладан, «Бақара» сураси 201-оятда: Яна шундайлари ҳам борки, улар: «Эй, Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато этгин, охиратда ҳам яхшилик (ато этгин) ва бизни дўзах азобидан асраригин», – дейдилар.

Ушбу оятда инсон бу дунёси учун ҳам ҳаракат қилиши кераклигига ишора қилинади. Қуръони каримдаги «Динда (динга) зўрлаш йўқ» (Бақара, 256) оятида дунёвийликнинг энг муҳим асосларидан бири мужассам бўлган. Унга кўра диний ҳаёт тарзини мажбурлаб сингдириш мумкин эмасдир.

Шунингдек: «Аллоҳ сенга ато этган нарса билан охиратни истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин» (Қасас, 77) мазмунидаги ояти каримани Абу Лайс Самарқандий «Бу дунёдаги насибангни тарк қилмагин, токи охиратинг учун

хизмат қилсин», дея тафсир қилган<sup>16</sup>. Мазкур оятда охиратни ёдда тутган ҳолда, бу дунё неъматларини ҳам ёддан чиқарма, дейилмоқда. Чунки сенда тананг, оиласнг, қўни-қўшни, жамият, қўл остингдагиларнинг ҳаққи бор, ҳар бир ҳақдорнинг ҳақини адо этишинг керак.

«Каҳф» сураси 29-оятида: Айтинг: «(Бу Куръон) Раббингиз (томони)дан (келган) Ҳақиқатдир. Бас, хоҳлаган киши имон келтирсин, хоҳлаган кимса коғир бўлсин», деб марҳамат қилинади. Бу оятда ҳам ҳар бир инсон имон келтириш масаласида ихтиёри экани, ўз амали учун ўзи масъул бўлиши таъкидланади.

Шулар билан бирга Куръонда кўплаб оятлар дунёвий масалаларни ҳам қамраб олади. Мисол учун, Куръондаги энг катта оят ҳам айнан дунёвий масала – қарз олди-бердиси ҳақидаги «Бақара» сурасининг 282-ояти бўлиб, унда масаланинг моддий ва маънавий жиҳатларига эътибор қаратилган.

Пайғамбар (алайҳис-салом)нинг ҳаёт йўлини ўрганган уламолар у ердаги дунёвийликка эътибор берилган нуқталарни алоҳида ўрганганлар. Муҳаммад (алайҳис-салом) диний масалаларда барчага муаллим бўлсалар ҳам, баъзи дунёвий масалаларда мутахассисларнинг фикрларига кулоқ тутардилар. У зот Мадинада саҳобийларга қарата: «Менга ўз фикрингизни билдиринг, эй одамлар!» деб маслаҳат сўраб, мурожаат қилганлари тарих

<sup>16</sup> Абу Лайс Самарқандий. Тафсири Самарқандий / Али Муҳаммад Муаввад нашрга тайёрлаган. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1993. Т.2. – Б.527.

китобларида қайд этилган. Расулуллоҳ (алайхис-салом) Бадр куни ўз қўшинлари учун қароргоҳ танлаганларида эса саҳобий Ҳубоб ибн Мунзир ҳарбий мутахассис сифатида у зотга мурожаат қилиб: «Ё Расулуллоҳ, бу ерга тушишни Аллоҳ сизга буюриб, биз бу ердан бошқа жойга тушишга ҳакли эмасмизми ёки бу шахсий фикр, ҳарбий режа ва уруш услубими?» деб сўради. «Йўқ, бу шахсий фикр, ҳарбий режа ва уруш услуби», деб жавоб бердилар. «Ё Расулуллоҳ, ундай бўлса, бу маъқул жой эмас», деб бошқа стратегик қулай жойни кўрсатиб, ўз фикрини асослаб берди. «Тўғри маслаҳат бердинг», деб Расулуллоҳ (алайхис-салом) унинг фикрини қабул қилдилар. Ушбу ҳарбий стратегия жангда катта устунликни таъминлади. Худди шунга ўхшаш «хурмо чанглатиш» ҳақидаги ҳадисда ҳам Пайғамбар (алайхис-салом) дунёвий ишларида соҳа мутахассисларининг фикрига таяниш кераклигига ишора қилганлар. Жумладан, Имом Муслимнинг Анас (розияллоҳу анҳу)дан келтирган ривоятида:

*«Пайғамбар соллаллоҳу алаиҳи васаллам (хурмо) чанглатаётган бир қавмнинг олдидан ўтаётиб, буни қилмасангиз ҳам бўлаверади, дедилар. Ўша иши ҳосил ёмон чиқди. У зот яна ўшаларнинг олдиларидан ўтаётиб, хурмонгизга нима бўлди? деб сўрадилар. Улар, шундоқ, шундоқ, деган эдингиз... деб айтдилар. У зот: «Сизлар дунёнгиз ишини билувчироқсиз» дедилар.*

Яъни, Расулуллоҳнинг баъзи гаплари динийдан кўра тажрибавий асосга ёки шахсий раъйга таянган. Шунинг учун ҳам саҳобийлар Расулуллоҳнинг

баъзи амрлари борасида «шахсий фикрингизми ёки Аллоҳнинг амрими?» деб сўрар эдилар. Шахсий фикрлари бўлса, унда баъзан бошқа афзалроқ йўл таклиф эта олардилар. Расулуллоҳ (алайҳис-салом) бундай таклифни қабул қилиб, ўз раъйларини ўзгартирар эдилар. Яъни шу дунёвий соҳа мутахассисининг фикрини албатта инобатга олар эдилар.

Расулуллоҳ (алайҳис-салом)дан кейин чаҳорёлар ҳам шу йўлни тутдилар. Ҳазрати Умар (розияллоҳу анҳу) «Сизларнинг яхшингиз у дунё ва бу дунё учун ҳаракат қилганингиздир», деб алоҳида таъкидлаганлар. У зот масжиддан чиқмай, эртаю-кеч ибодатга машғул бўлган ёш йигитларни таёқ билан ҳайдаб, дунёвий иш билан шуғулланишга чақирганлари ривоятларда машҳурдир. Али (розияллоҳу анҳу) эса «Бу дунё учун абадий яшайдигандек, охиратинг учун эртага вафот этадигандек ҳаракат қил», деб марҳамат қилганлар.

Динийлик ва дунёвийлик ҳақида сўз борганда, давлатчилик мавзусини ҳам назардан четда қолдириш мумкин эмас. Уламоларнинг қайд этишларича, исломда диний давлат тушунчаси Пайғамбар (алайҳис-салом) даврларида жорий бўлган. Аммо шу билан бирга Пайғамбар (алайҳис-салом) Мадина га кўчиб ўтганларида тузган Мадина сахифаси (замонавий тилда «Мадина конституцияси») да дунёвий давлатчиликнинг муҳим жиҳатларини кўриш мумкин. Набий (алайҳис-салом) 52 моддадан иборат тузган «Мадина

саҳифаси»да муҳожирлар, ансорлар (Авс ва Хазраж қабилалари), аҳли китоб (яхудий қабилалар) ва бошқа тоифаларнинг барчаси учун тенг ҳуқук, мажбурият ва жазо чоралари белгиланган эди. Ушбу «Саҳифа» Мадинада яшовчи турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро тинч-тотув яшашларини таъминлашга қаратилган эди. «Саҳифа»да барча тоифаларнинг дини, келиб чиқишидан қатъи назар тенглиги кўрсатиб ўтилди, ички ва ташки хавфсизлик ҳамда ҳамкорлик масалалари қайд этилди. Шулар билан бирга сиёсий ташкилотнинг тамомила янги кўринишдаги тамойиллари ишлаб чиқилди: ташки душманга қарши бирдамликда ҳаракатланиш ва жамоанинг (шаҳар аҳолисининг) барча вакилларини бирдек ҳимоя қилиш, ҳар қандай жиноятчини яккалаб қўйиш, яъни унинг уруғ ва қабиласи ҳимоясидан ажратилиши туфайли қабилалараро низоларга барҳам берилиши<sup>17</sup>, барча аҳолига ягона халқ (уммат) деб қаралиши ва бошқа.

«Саҳифа»нинг 25-банди Мадина аҳолиси учун диний қарашлар ва эътиқод эркинлигини таъминлашга қаратилган эди. Жумладан, «Саҳифа»нинг 25-бандида: **Бану Авф яхудийлари мўминлар билан бир (жамоат) умматдир. Яхудийларнинг ўз дини, мусулмонларнинг ўз дини бор**<sup>18</sup>, деб қайд этилган эди. «Саҳифа»нинг

<sup>17</sup> Қаранг: Большаков О. История халифата. – М.: Восточная литература, 2002. Т.1. – С. 94.

<sup>18</sup> Қаранг: Большаков О. История халифата. – М.: Восточная литература, 2002. Т.1. – С. 93-94.

кейинги бандларида бошқа яхудий уруғларига Бану Авфга татбиқ этилган ҳуқуқлар жорий этилиши айтилади.

«Сахифа»да фуқаролик – яъни бир давлатнинг тенг ҳуқуқли ва тўлақонли аъзоси бўлиш имконияти ҳам ёритилган эди. Дини, қабиласи, уруғидан қатъи назар бир давлат ҳокимияти остида фуқаролик таъминланиши, уларнинг барчаси ўз динини саклаган ҳолда бир жамиятга бирлашиши «Сахифа»нинг 1, 2, 25-35 ва бошқа бандларида қайд этилди. «Сахифа»да барча тоифалар давлатнинг таркибий қисмини ташкил этувчилик учун сифатида эътиборга олиниб, улар ўзаро ёрдам, олиш-бериш, ватан ҳимоясида ҳамкорлик қилиш каби ҳуқуқлар белгиланди. Кўриниб турибдики, Расулуллоҳ (алайҳис-салом) бу хужжатда мусулмонлар ва бошқа дин вакиллари ўртасидаги муносабатни фуқаролик асосига қурдилар. Мадина ва унинг атрофида яшовчи барча инсонлар учун тенг бўлган ҳуқуқ-мажбуриятлар кўрсатилган «Сахифа» тарафлар томонидан тенг-адолатли деб топилди, уларнинг қониқтириди ва тез орада имзо билан тасдиқланди. Натижада, турли диний, сиёсий қарашларга эга бўлган инсонларнинг бир давлат ҳокимияти остида тенг ҳуқуқли бўлиб яшашлари «Мадина сахифаси»да кафолатланди<sup>19</sup>. Пайғамбар (алайҳис-салом) фақатгина низоли масалаларни ҳал қилиш масъулиятини ўз зиммаларига олдилар.

<sup>19</sup> Қаранг: Мухаммад Имора. Ал-ислам вал ақаллият // Фикр ал-муслим ал-муасир. – Коҳира: Марказ ал-Аҳром, 1992. – Б. 76-80.

саҳифаси»да муҳожирлар, ансорлар (Авс ва Ҳазраж қабилалари), аҳли китоб (яҳудий қабилалар) ва бошқа тоифаларнинг барчаси учун тенг ҳуқуқ, мажбурият ва жазо чоралари белгиланган эди. Ушбу «Саҳифа» Мадинада яшовчи турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро тинч-тотув яшашларини таъминлашга қаратилган эди. «Саҳифа»да барча тоифаларнинг дини, келиб чиқишидан қатъи назар тенглиги кўрсатиб ўтилди, ички ва ташқи хавфсизлик ҳамда ҳамкорлик масалалари қайд этилди. Шулар билан бирга сиёсий ташкилотнинг тамомила янги кўринишдаги тамойиллари ишлаб чиқилди: ташқи душманга қарши бирдамликда ҳаракатланиш ва жамоанинг (шаҳар аҳолисининг) барча вакилларини бирдек ҳимоя қилиш, ҳар қандай жиноятчини яккалаб қўйиш, яъни унинг уруғ ва қабиласи ҳимоясидан ажратилиши туфайли қабилалараро низоларга барҳам берилиши<sup>17</sup>, барча аҳолига ягона ҳалқ (уммат) деб қаралиши ва бошқа.

«Саҳифа»нинг 25-банди Мадина аҳолиси учун диний қарашлар ва эътиқод эркинлигини таъминлашга қаратилган эди. Жумладан, «Саҳифа»нинг 25-бандида: **Бану Авф яҳудийлари мўминлар билан бир (жамоат) умматdir. Яҳудийларнинг ўз дини, мусулмонларнинг ўз дини бор**<sup>18</sup>, деб қайд этилган эди. «Саҳифа»нинг

<sup>17</sup> Қаранг: Большаков О. История халифата. – М.: Восточная литература, 2002. Т.1. – С. 94.

<sup>18</sup> Қаранг: Большаков О. История халифата. – М.: Восточная литература, 2002. Т.1. – С. 93-94.

кейинги бандларида бошқа яхудий уруғларига Бану Авфга татбиқ этилган ҳуқуқлар жорий этилиши айтилади.

«Сахифа»да фуқаролик – яъни бир давлатнинг teng ҳуқуқли ва тўлақонли аъзоси бўлиш имконияти ҳам ёритилган эди. Дини, қабиласи, уруғидан қатъи назар бир давлат ҳокимияти остида фуқаролик таъминланиши, уларнинг барчаси ўз динини саклаган ҳолда бир жамиятга бирлашиши «Сахифа»нинг 1, 2, 25-35 ва бошқа бандларида қайд этилди. «Сахифа»да барча тоифалар давлатнинг таркибий қисмини ташкил этувчилик учун сифатида эътиборга олиниб, улар ўзаро ёрдам, олиш-бериш, ватан ҳимоясида ҳамкорлик қилиш каби ҳуқуқлар белгиланди. Кўриниб турибдики, Расулуллоҳ (алайҳис-салом) бу хужжатда мусулмонлар ва бошқа дин вакиллари ўртасидаги муносабатни фуқаролик асосига қурдилар. Мадина ва унинг атрофида яшовчи барча инсонлар учун teng бўлган ҳуқуқ-мажбуриятлар қўрсатилган «Сахифа» тарафлар томонидан teng-адолатли деб топилди, уларнинг қониктирди ва тез орада имзо билан тасдиқланди. Натижада, турли диний, сиёсий қарашларга эга бўлган инсонларнинг бир давлат ҳокимияти остида teng ҳуқуқли бўлиб яшашлари «Мадина сахифаси»да кафолатланди<sup>19</sup>. Пайғамбар (алайҳис-салом) фақатгина низоли масалаларни ҳал қилиш масъулиятини ўз зиммаларига олдилар.

<sup>19</sup> Қаранг: Муҳаммад Имора. Ал-ислам вал ақаллият // Фикр ал-муслим ал-муасир. – Қоҳира: Марказ ал-Аҳром, 1992. – Б. 76-80.

Ҳозирги замонавий давлатлар ҳам ўз пойдеворини эътиқодий тамойиллар эмас, балки фуқаролик негизига қурадилар. Юқорида келганидек, «Мадина саҳифаси»да ҳам деярли шундай тамойиллар назарда тутилган эди. Пайғамбар (алайҳис-салом)нинг жамият қурилиши ва давлат бошқарувига оид тузган илк ҳужжат – «Саҳифа»да, кўриб турганимиздек, дунёвийлик тамойили етакчилик қиласи. Ушбу ҳужжатга биноан Мадина ахолисининг ҳеч бир вакилига диний ақидаларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаган, фуқаролик ҳақ-хукуқлари диний мансублик нуқтаи назаридан белгиланмаган. Ҳаттоқи, турли эътиқодий қарашларга эга Мадина ахолисига ҳам бир халқ деб қаралган.

Пайғамбар (алайҳис-салом) вафот этаётганларида ҳам ўринларига бошқарувни амалга оширадиган халифани тайинлаб кетмадилар, балки мусулмонлар ихтиёрига қолдирдилар. Яъни, давлатнинг кейинги раҳбарларини сайлаш жараёнлари диний шаклда амалга ошмаслиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам Абу Бакр Сиддик (розияллоҳу анҳу) раҳбар этиб сайланганларида бошқарув ишида хатога йўл қўйишлари мумкинлигини эътиборга олиб, саҳобийлардан уларни тўғрилаб туришни, тўғри иш қилсалар уларни қўллаб-қувватлашни сўраганлари ривоятларда машҳур. Ислом дини таълимотида давлат сиёсий тузилмасининг муайян шакли кўрсатилмаган. Фақатгина умумий тамойиллар белгиланган. Уламолар бу тамойиллар 4та эканини айтадилар: тенглик, эркинлик, адолат ва машварат<sup>20</sup>. Ушбу тамойиллар ўрнатилса, давлат

<sup>20</sup> Абдулмуъти Байюмий. Ал-ислам ва-д-давла ал-маданийя. – Қохира: Дор ал-Хилол (электрон нашр).

қандай шаклга эга эканидан қатъи назар, у ислом динига мувофиқ келади.

Шу ўринда аксарият замонавий давлатлардаги дунёвийликнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланган парламент тизими ислом дини кўрсатмаларига мувофиқ келиши уламолар томонидан эътироф этилганини эслаб ўтиш лозим. Зеро, Аллоҳ таоло инсоният тарихидаги энг комил ва маъсум зот бўлган Муҳаммад (алайҳис-салом)га ҳам «Оли Имрон» сураси 159-оятда машварат ва маслаҳат билан иш тутишга буюрган. «Шўро» сураси 36-39 оятларда эса, Аллоҳ таоло «яхшироқ ва боқийроқ неъматлар»га эриштирадиган тўқиз амални санаб ўтиб, улар орасида **«ишлари ўзаро маслаҳат (билин) бўлур»** деб, кенгашиб иш тутишнинг аҳамиятини ажратиб кўрсатган. Аммо шу билан бирга мусулмонлар учун вожиб бўлган машваратнинг муайян шакли тайин қилинмаган. Шундай экан, ҳозирги кунда замон талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда турли шаклларда ташкил этилган машварат кенгашлари айни муддао ҳисобланади. Парламентни ҳам машварат ва кенгашнинг бир тури деб қараш мумкин.

Давлат бошқарув тизими ўз диний қиёфасини йўқотиб, дунёвий тус олиши Пайғамбар (алайҳис-салом)дан сўнг бошқарган 4 халифа (хулафо' рошидун) даврида яққол намоён бўла бошланган эди. Шуни таъкидлаш жоизки, халифа Умар (634-644) давридан бошлаб, давлат бошлиғи *амир ал-*

му’минин – мўминлар амири деб атала бошлади<sup>21</sup>. Ана шу даврнинг ўзидаёқ давлат ахлоқий-диний рамкали дунёвийлик касб эта бошлади. Ўша пайтда илғор ҳисобланган Рум ва Форс империяларида жорий қилинган девон тизими ўзлаштирилди, натижада давлатда вазифалар тақсимоти амалга оширилди. Тузилган девонлар асосан дунёвий мақсадлар юзасидан барпо этилган эди: почта, кўшин, муҳрдорлик, ишчилар девонлари ва бошقا. Пайғамбар (алайҳис-салом)дан кейинги даврда диний масалалар бўйича жамоатчилик фикрини халифалар эмас, балки айнан мусулмон уламолар ва фақиҳлар шакллантирганлар, халифаларга мутлақ диний раҳнамо сифатида қаралмаган. Чунончи, Ғарбда ўрта асарларда шаклланган соғи диний теократик давлатчилик ислом таълимотига зид ҳисобланади. Аллома Тафтазонийнинг «Шарҳ ал-Ақоид ан-Насафийя» асарида, «Саҳиҳ ҳадисда халифалик Пайғамбар (алайҳис-салом)дан кейин ўттиз йил, ундан кейин подшолик ва амирликлар бўлиши башорат қилинган. Али вафоти билан ушбу ўттиз йил тугал бўлди. Муовия ва ундан кейингилар халифа эмас, балки подшо ва амирлар бўлдилар»<sup>22</sup>, деб таъкидлади. Шуни алоҳида қайд

<sup>21</sup> Қаранг: Ҳасанов А. Илк ислом жамияти: динийликдан дунёвийликка ўтиш // Ислом ва дунёвий-маърифий давлат / масъул муҳаррир З.Мунавваров. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2003. – Б. 28-29.

<sup>22</sup> Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-Ақоид ан-Насафийя / Аҳмад Ҳижозий нашрга тайёрлаган. – Кохира: Мактаба Азҳарийя, 1988. – Б. 66.

этиш лозимки, айрим халифалар даврида сиёсий ва диний бошқарувни бир қўл остида жамлашга бўлган ҳаракатлар турли муаммоларни келтириб чиқарди. Масалан, аббосий халифа Маъмуннинг (813-833 й. бошқарган) мўътазилия таълимотини давлат мафкурасига айлантириб, жамиятга мажбурлаб сингдиришга қаратилган ҳаракатлари тезда муваффакиятсизликка учраб, ҳозирга қадар ислом уламолари томонидан қораланиб келади.

Бугунги кунда айрим бузғунчи кучлар томонидан бугунги кундаги дунёвий қонунчилик асосида ҳаёт кечириш мусулмонлар учун мақбул эмаслиги ҳақида сохта даъволар тарқатилмоқда. Ваҳоланки, дунёвий қонунлар ҳақида ислом уламоларининг фикрларини қўйидагича умумлаштириш мумкин: замонавий жамият талабларига мувофиқ чиқарилган қонунлар шариатга зид келмаса, ундан қонунлар шариатдандир. Зеро, ҳар бир шариат инсон манфаати учун юборилган, жамиятларининг ўз манфаатларини кўзлаб чиқарган қоидалари гарчи шариатдан олинмаган бўлсада, лекин шариатга зид келмаса, улар ҳам шариатга мувофиқ (шаръий) ҳисобланаверади.

«Башарий қонунлар доимий характерга эга эмас, улар нокис, шунинг учун замон ва маконга мослашиб ўзгарувчан», деб, даъво қилувчиларга шундай раддия бериш мумкин: одамларнинг фитратига хос бўлган айрим тамойиллар борки, улар фақат бир ҳолатдагина ўзгариши мумкин, қачонки фитрат бузилса. Эркинлик, адолат, тенглик, раҳмдиллик,

зўравонликни ёмон кўриш, зулмни рад этиш замон ва макон ўзгариши билан ҳам ўзгармайдиган тамойиллардир. Мана шу тамойиллар асосида жамиятларнинг ҳолатларига кўра бир-биридан фарқланувчи қонунлар ишлаб чиқилган. Ҳар бир жамият муайян бир даврда ўзининг шароити ва имконига қараб юқоридаги тамойилларга зид келмайдиган қонунларни ишлаб чиқиши мумкин. Аммо ҳозирги кунда диний давлат қуришни даъво қилаётганлар диндаги ўзгармас тушунчалар ва ўзгарувчан тушунчаларни фарқламай аралаштириб юборишлари оқибатида баъзи одамлар нигоҳида ислом дини тараққиётни ортга тортувчи, ўтган асрларга қайтарувчи қолоқлик дини сифатида гавдаланмоқда. Бу эса исломнинг тараққийпарвар моҳиятини тушуниб етмаслиқдандир<sup>23</sup>.

Шу билан бирга дунёвий тараққиёт йўлини инкор этувчи оқимлар «Моида» сурасидаги 44, 45, 47-оятларни («Аллоҳ нозил қилган нарса (оятлар) билан ҳукм қилмаганлар – ана ўшалар кофирилардир», «... золимлардир», «... фосиқлардир») нохолис талқин қилиб, дунёвий давлатчиликнинг асосини ташкил этувчи қонунчиликни шубҳа остига қўймоқчи бўладилар. Ваҳоланки, мўътабар тафсир асарларида бу оятларнинг сабаби нузулига кўра «кофирилар,

<sup>23</sup> Аваз Мұхаммад Аваз. Араб ва мусулмон давлатлари конституцияларида шариат: унинг дунёвий ҳокимият билан алоқаси / «Оламни тушуниш фикҳи ва тотув яшаш» халқаро конференцияси материаллари. – Масқат, 2013 йил, 9 – 6 апрель.

золимлар ва фосиқлар»дан мурод Бани Исроил экани аён бўлади. «Тафсир ат-Табарий»да бу борада шундай дейилади:

«Ушбу оят яҳудий бўлмиш Бану Қурайза ва Бану Назир қабилалари орасида кечган воқеадан сўнг нозил қилинган, бир тоифа иккинчисини тобе қилган, унга кўра, «обрўли тоифа» «тобе тоифа»дан бир кишини ўлдирса эллик васақ дия бериши, «тобе тоифа» «обрўли тоифа»дан бир кишини ўлдирса юз васақ дия бериши керак эди. Кунларнинг бирида «тобе тоифа»дан бир киши «обрўли тоифа»дан бир кишини ўлдириб қўяди. Шунда «обрўли тоифа» юз васақ дия беришни талаб қиласди. «Тобе тоифа»дагилар ҳозир Муҳаммад Мадинага келган бу вақтда икки бир миллатли, бир динли кишилар дияси бошқасининг ярмича бўлиши мумкин эмас, дейдилар. Шундан сўнг уруш бошланиб кетишига оз қолади. Сўнг улар Муҳаммад (алайҳис-салом)нинг олдиларига бу масала бўйича ечим олишга келадилар, улар агар Муҳаммад бизнинг фойдамизга ечим берадиган бўлса, уни бу ишимизда ҳакам қиласиз, бўлмаса уни чиқариб ҳакам қилмаймиз, дейдилар. Бу воқеа Муҳаммад (алайҳис-салом)га билдирилади. Сўнг Ибн Аббос «Аллоҳга қасамки, ушбу оятлар шу икки қавм ўртасидаги ихтилофдан сўнг нозил қилинган, Аллоҳ, ушбу икки қавмни назарда тутган», деди»<sup>24</sup>. Яъни бу оят мазкур икки қавмнинг ўртасида вужудга келган

<sup>24</sup> Табарий. Тафсир. Ж.10, 12037-ҳадис, 352-бет. Имом Аҳмад. Муснад. Ж.1, 2212-ҳадис, 246-бет.

жараёнга тегишли бўлиб, саҳобийлар томонидан ҳам оятнинг ҳукми шу икки тоифа билан чекланиши ва хосланиши ижтиҳод қилинган.

Ушбу масалада замонамиз ислом оламиниң таниқли уламоси Абдуллоҳ ибн Байя шундай дейди: «Агар Баро ибн Озиб ривоятига кўра ушбу оятлар фақат яҳудийларга тегишли бўлса, айтамизки, у бизга ҳужжат бўлмайди. Агар умумий бўлиб, мусулмонларни ҳам қамраб олса, саҳобийлар, тобеийлар, улардан кейинги олимлар бу оятларни таъвил қилиб, оядаги куфр диндан чиқарувчи куфр эмаслигини таъкидлашган. Чунки куфр сўзи катта куфр билан бирга гуноҳ, ношукурлик маъноларига ҳам далолат қиласи. Оядаги куфрнинг гуноҳ, деб таъвил қилинишига далил гуноҳ сабабли кофир, деб бўлмаслиги, луғатда куфр сўзи фосиқлик ва ёмон ишларга ҳам ишлатилишидир»<sup>25</sup>.

Ибн Ошур «Ат-тахрир ва-т-танвир» номли тафсирида шу оятлар тафсирида айтади:

«Мусулмонлар жумҳури – саҳобийлар ва улардан кейинги суннат аҳли наздида бу ижмолий (умумий) масала. Чунки Аллоҳ туширган нарса билан ҳукм қилишни тарк қилиш турли ҳолатларда бўлади. Унинг умумийлигини гуноҳлар билан кофирга чиқариб бўлмасликни таъкидловчи кўплаб далиллар билан баён қилинади»<sup>26</sup>.

<sup>25</sup> Ибн Байянинг «Аллоҳ туширган нарса билан ҳукм қилмаганларни кофир дейиш» номли мақоласи. [binbayya.com](http://binbayya.com)

<sup>26</sup> Ибн Ошур. Ат-тахрир ват танвир. 4/ 207.

Турли оқимларнинг дунёвий қонунчилик жорий бўлган юртдан чиқиб кетиш ҳақидаги сохта даъволари пуч экани эса қўйидаги ҳадис билан аён бўлади:

Ибн Ҳиббон «Саҳих»ида Фудайк (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилишича, у Мадинага ҳижрат қилмоқчи бўлди. Мусулмон бўлмаган қавми эса, ундан ўзлари билан қолишни сўрадилар ва унинг динига қарши чиқмасликка ваъда беришди. Фудайк эса, шундан сўнг қочиб, Набий (алайҳис-салом) нинг ҳузурларига келди ва: «Одамлар ким ҳижрат қилмаса, ҳалок бўлибди (катта гуноҳ қилибди), дейишияпти», деди. Расулуллоҳ (алайҳис-салом): «Эй Фудайк, намозни қоим қил, гуноҳни тарқ қил ва қавмингнинг истаган ерида яшайвер», дедилар. Шу каби ҳадислар мусулмон киши ўз динига эътиқод қилишга монеълик бўлмаса, ўзини ёмонликдан, гуноҳлардан сақлай олса, истаган ерида яшаши мумкинлигига далолат қиласи. Ҳанафий, шофейй ва ҳанбалий мазҳаби олимлари ҳам мусулмон ўз динига амал қила олса, мусулмон бўлмаган юртда ҳам яшаши жоизлигини айтганлар<sup>27</sup>.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, ислом динида дунёвийликка динсизлик сифатида баҳо берилмаган. Дунёвий ишлар шахс ва жамият манфаатини кўзлар экан улар дин таълимотларида доим қўллаб-қувватлаган. Дин дунёвий ишларнинг маънавий жиҳатларини тартибга солиб турган.

<sup>27</sup> Ал-мавсуа ал-фиқхийя ал-Кувайтийя (электрон манба). «Дор ал-ҳарб», «Ҳижрат» мавзулари.

Масалан, бу ишнинг савобли ёки савобсизлиги, маънавий жиҳатдан мумкин ёки мумкин эмаслиги каби. Тасаввуфдаги «дил ба Ёр, даст ба кор» тамоили ҳам айнан шу масалани муолажа қиласиди. Умуман олганда демократик тизимларнинг конституцион нормаларида давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар масаласидаги икки жиҳат яққол ажралиб туради:

– дин жамиятда инсонпарварлик рухиятининг шакланишида юксак маънавият булоғи, бекиёс ахлоқий тарбия манбаи, инсонларни ҳалоллик, поклик каби фазилатларга ундовчи қадрият сифатида эътироф этилади;

– диндан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, диний омилдан фойдаланиб сиёсатга аралашиш, ҳокимиятга интилиш каби ҳолатлар ман этилади<sup>28</sup>.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш босқичида динийлик билан дунёвийлик ўртасидаги янги нисбатни шакллантириш ҳар доим ҳам силлиқ кечмади. Бу йўлда мусулмон аҳоли диний онгини радикаллаштириш ва сиёсийлаштиришга қаратилган уринишлар ҳамон давом этмоқда. Бундай ҳаракатларнинг аниқ кўринишлари сифатида ислом ниқоби остида ҳаракат қилаётгандар турли оқимларнинг фаолиятида кўриш мумкин<sup>29</sup>.

<sup>28</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси конституциясига шарх / А.А.Азизхўжаев ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – Б. 242.

<sup>29</sup> Қаранг: Мунавваров З. Ўзбекистон Республикасида дунёвийлик билан динийлик ўртасида янги нисбатнинг шакланиши // Ислом ва дунёвий-маърифий давлат / масъуль мұхаррир З.Мунавваров. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2003. – Б. 140-141.

Дунёвийлик тамойили мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни билан хукуқий кафолатланган. Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли – дунёвий демократик йўл. Дин ахлоқий тарбия соҳасида муҳим вазифани бажаради. Бироқ динни сиёсий мақсадлар учун ниқоб қилиб олиш, диний давлат барпо этиш дунёвий қадриятларга асосланган конституциямиз ва амалдаги қонунларимизга зиддир. Халқимиз диний эътиқодни чуқур ҳўрмат қилган ҳолда дунёвий тараққиёт йўлидан бормоқда. Минг йиллар давомида ислом дини тамойилларига содик ҳолда яшаб келаётган халқимиз гўзал фазилатларни тўлалигича ҳаёти, урф-одат ва анъаналарига сингдириб олган. Халқимизнинг урф-одат ва асрий анъаналарини ўзида акс эттирган мамлакатимиз қонунчилигига кимнинг қандай эътиқодга эга бўлиш-бўлмаслиги унинг виждонига ҳавола этилади. Лекин ҳавола этилаётган эътиқод қонунга хилоф бўлмаслиги шарт қилинади.

## ИСЛОМ ФИҚҲИДА АСОСИЙ ВА ИККИЛАМЧИ ДАРАЖАДАГИ МАСАЛАЛАРГА ЁНДАШУВ (ФИҚҲУЛ АВЛАВИЁТ)

Фиқҳ – шаръий илмлардан бири бўлиб, у шариат манбаларидан чиқариб олинган ҳукмларни ўрганади. Ибодатлар фиқҳи, муомалот фиқҳи каби соҳалари бор. Унинг ана шундай соҳаларидан яна бири фиқҳул авлавиёт. Унинг алоҳида илм соҳаси сифатида шаклланганига кўп бўлмади. Фиқҳнинг бу тармоғи «фиқҳул авлавиёт», «илмул авлавиёт», «фиқҳ маротибул аъмол» номлари билан ҳам аталади.

Фиқҳул авлавиётга таъриф беришдан олдин «фиқҳ» ва «авлавиёт» атамаларига таъриф бериб олиш лозим. Фиқҳ – бу бир нарсани билиш ва тушунишdir. «Авла» сўзи луғатда энг ҳақли, энг муносиб ёки энг яқин маъноларини англатади. Фиқҳул авлавиётга биринчи бўлиб таникли олим Юсуф Қарзовий: «Биз фиқҳул авлавиёт деб ҳар нарсани ўз ўрнига қўйиши назарда тутамиз. Олдинга қўйилиши керак бўлган нарса ортга сурilmайди. Ортга суриладиган нарса олдинга қўйилмайди. Катта иш кичик саналмайди. Кичик иш катта саналмайди», деб таъриф берган. Тадқиқотчи Муҳаммад Вакилий эса «Фиқҳул авлавиёт бу – даражаси ва воқелик талабига кўра олдинга қўйилиши керак бўлган шаръий ҳукмларни билишdir», деб таъриф берган.

Олдинги олимлар бу атамани «авло» ибораси билан ифодалаганлар. Ислом фиқҳида ушбу мавзуга алоқадор баъзи иборалар бор:

Хилофул авло – бу макрухдан қўйида, мубоҳдан бироз юқори турадиган шаръий ҳукм.

Гоҳида фақиҳлар «бундай қилиш бошқасидан кўра авло» ёки «бу ишни қилмаслик авло» деган ибора ишлатадилар. Демак, бу атама олдиндан кенг истеъмолда бўлган.

Баъзи тадқиқотчилар «Фикҳул авлавиёт» атамасини дастлаб Муҳаммад Фаззолий ва Қарзовийлар ишлатганлар, дейди. Қарзовий шу мавзуда Коҳирада маъруза қилиб, бу катта шов-шув бўлган эди. Унинг «Фикҳул авлавиёт», «Авлавиётул ҳаракатил исламия фил марҳалатил қодима» асарлари шу мавзуда. Шунингдек, ал-Азҳар шайхи Абдулҳалим Маҳмуд ҳам мавзуга алоқадор «Фикҳуд даъва илаллоҳ» китобини ёзган.

Қадимда ҳам илмлар, воқеа ва ҳодисалардаги авлавиётларни тўплаб асар ёзган олимлар бўлган. Масалан, Абу Осим Набил (ваф. 287 ҳ. й.) «Авоил» китобини ёзган. Унда биринчи содир бўлган ёки бўладиган ишлар жамланган. Масалан, Аллоҳ биринчи нимани яратган, Жаннатга биринчи ким киради каби масалалар. Имом Суютийнинг «ал-Васоил ила маърифатил авоил», Абу Ҳилол Аскарийнинг «ал-Авоил» асарлари ҳам шу жумладан.

Бу соҳа бўйича бир китоб ёзилмаган бўлсада, унинг учун баъзи боблар ажратган китоблар ҳам мавжуд. Буларга Шотибийнинг «Мувофақот», Қарофийнинг «ал-Фурук», Суютий ва Ибн Нужайм Ҳанафийнинг «ал-Ашбоҳ ван назоир» асарларини мисол қилиш мумкин.

Фикҳул авлавиётнинг келиб чиқишини икки асосий сабабга боғлаш мумкин:

– шаръий амаллар даражаларига боғлиқ кўпдан кўп чалкашликлар;

— тадрижийлик ва ишларни ўз ўрнига қўйиш зарурати.

Мусулмонларнинг илмий ва амалий ишларида шаръий амалларнинг даражалари бўйича юзага келган кўплаб чалкашликлар бу илмга заруратни пайдо қилди. Илмий, саноат ва бошқа соҳаларда илғор бўлиш, фикҳда ижтиҳод қилиш, ҳукмлар истинбот қилиш каби фарзи кифояларнинг тарқ қилиниши, баъзи фарзи айнларга эътиборсиз бўлиб, керакли аҳамият берилмагани ҳам бу илмнинг пайдо бўлиш сабабларидандир.

Фикҳул авлавиётда бир ҳукмни бошқасидан олдинга қўйиш, биринчи даражага қўйиш қўйидагиларга асосланади:

а) шаръий ҳукмлар, уларнинг даражаларини билиш, уларнинг муҳимроғини муҳимидан, қатъийини зоннийидан, аслини иккиласмчисидан, каттасини кичигидан ажратта олиш;

б) бир ҳукмни бошқасидан олдинга қўйишга имкон берувчи қоидаларни билиш;

в) воқелик ва вазиятларни яхши англаш.

Ушбу нарсаларни билиш мусулмонга бошқаларидан олдин қўйилиши керак бўлган ҳукмни билишга имкон беради. Мана шуларнинг бари фикҳул авлавиётни ташкил этади. Шунга биноан, унга қўйидагича таъриф бериш мумкин: "Фикҳул авлавиёт бу – ҳукмларнинг даражалари ва уларни талаб қилиб турган воқеликни билишга асосланиб, олдинга қўйиш керак бўлган шаръий ҳукмларни билишдир".

Кўйидаги оятлар ва ҳадислар фикҳул авлавиётнинг шаръий асослари сифатида келтирилади:

«Мўминлар ёппасига (жангга) чиқишилари шарт эмас. Уларнинг ҳар бир гуруҳидан бир

**тоифа чиқмайдими?! (Қолганлари Пайғамбардан) динни ўрганиб, қавмлари уларга (жангдан) қайтиб келгач, (гунохдан) сақланишлари учун уларни огоҳлантирмайдиларми?!**» (Тавба, 122);

«Бандаларимга айтинг (ширк аҳлига) гўзал (сўзлардан) сўзласинлар» (Исро, 53);

«(Эй, Муҳаммад!) Раббингизнинг йўли (дини)га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват этинг! Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг! Албатта, Парвардигорингизнинг ўзи Унинг йўлидан чалғиган кимсаларни яхши билувчи ва ҳидоят топғанларни ҳам У билувчироқдир» (Наҳл, 125);

«Бас, (эй, Муҳаммад!) Менинг шундай бандаларимга хушхабар берингки, улар гапни тинглаб, сўнг унинг энг гўзалига (фойдалисига) эргашадилар» (Зумар, 17-18);

«(У) сизларнинг қайси бирингиз чиройлироқ (савоблироқ) амал қилувчи эканингизни синаш учун ўлим ва ҳаётни яраттан зотдир» (Мулк, 2).

Абу Мусо (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «*Ё Rasулulloҳ, исломнинг нимаси афзал?*» деб сўраши. У зот: «*Мусулмонлар тили ва қўлидан саломат бўлган киши*», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «*Бир киши Rasулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан: Исломнинг нимаси яхшироқ?*» деб сўради. У зот: «*Таом берасан, таниган, танимаганга салом берасан*», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтади: «*Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: Аллоҳга қайси амал суюклироқ?*» деб сўрадим. У зот: «*Ўз вақтида ўқилган намоз*», дедилар. «*Кейин-чи?*» деб

сўрадим. «Ота-онага яхшилик қилиш», дедилар-«Кейин-чи?» деб сўрадим. «Аллоҳ йўлида жидду-жаҳд қилиш», дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Фикхул авлавиёт қоидаларига мисоллар:

Манфаатлар (фойдали нарсалар) ўртасида тартибга риоя қилиш.

Усул олимлари фойдали нарсаларни учга: заруриёт – зарурий нарсалар, ҳожиёт – эҳтиёж тушадиган нарсалар ва камолиёт – тўлатувчи нарсаларга бўлишган. Заруриёт – уларсиз ҳаёт давом этмайдиган нарсалар. Ҳожиёт – уларсиз яшаса бўладиган, лекин машаққат чекиладиган нарсалар. Камолиёт – ҳаётни безайдиган, чиройли қиласидиган нарсалардир.

Фикхул авлавиёт заруриётни ҳожиётдан олдинга, ҳожиётни камолиётдан олдин қўйишни тақозо этади. Заруриёт бўлган дин, жон, ақл, мол ва шаън ўртасида ҳам тартибга риоя этилиши керак.

Олимлар фойдали ишлардаги тартибни қўйидагича қоидалаштирганлар: фойдали экани аниқ бўлган иш фойдалилиги эҳтимолли бўлган ишдан олдинга қўйилади; катта манфаат кичик манфаатдан устун; жамоа манфаати шахс манфаатидан устун; кўпчилик манфаати камчилик манфаатидан устун; доимий манфаат вақтинчалик манфаатдан афзал; асосий, туб манфаат иккиламчи манфаатдан афзал; келажакдаги кучли манфаат ҳозирги заиф манфаатдан устун қўйилади. Буни Худайбия сулҳи мисолида очиқ кўриш мумкин. Ўшанда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келажакдаги асосий манфаатлар учун чекинишни маъқулладилар.

Авлавиёт икки йўл билан билинади:

1. Насс (Куръони карим, суннат) билан;

Куръони карим ва суннатда кўпинча муайян ишлардаги авлавиётлар баён қилинади;

2. Ижтиход билан.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, фиқхул авлавиёт янги пайдо бўлган илм соҳаси бўлиб, унинг юзага келишига шаръий амалларнинг муҳимлилик даражаларини белгилашдаги оқсанлар сабаб бўлган. Шу билан бирга, баъзи олдинги олимлар ҳам бу илмга алоқадор айрим атамаларни ишлатганлар ва китобларида шу масалага ҳам тўхталиб ўтганлар. Ҳозир бу мавзу янада долзарблашди. Айни кунларда глобал муаммога айланган терроризм, экстремизмнинг юзага келиши, ривожланиши бир жиҳатдан айнан авлавиётни билмасликка боғлиқ. Бу эса, ўз-ўзидан фиқҳнинг ушбу йўналиши бўйича янги тадқиқотлар, изланишлар қилиш заруратини пайдо қиласди.

Бугунги кунда авлавиёт (биринчи ўринда турган ишлар), ишларни олдинга қўйиш ёки орқага суриш, ишларнинг шаръий даражаларига риоя қилиш, тадрижийлик ҳакида гап кўпайган. Лекин бу тўғрида мукаммал илмий, изчил бир тадқиқот қилинмаган.

Фойдалар ва заарлар бир-бирига кўп аралашгани боис мусулмон киши кўпинча қайси ишни олдинга қўйишни билмай қолади. Шу сабабли бу жараённи енгиллаштирадиган, осонлаштирадиган қоидалар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланмоқда.

## ИСЛОМ ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОНДА ЖИҲОД ТУШУНЧАСИ: АСЛИЯТ ВА ТАЛҚИНЛАР

Ҳозирги кундаги турли экстремистик ва террористик ҳаракатлар томонидан "жиҳод" тушунчаси ислом дини таълимотларига зид равишда тушунилиб, талқин этилади. Унга кўра, Куръон оятлари ва ҳадисларнинг асл моҳиятини бузиб ифода этиш, уларнинг ҳар қандай фикр ва қарашларига мос келмаган кишига қарши уруш эълон қилиш лозим деб қаралади. Улар томонидан нафақат бошқа дин вакиллари, балки мусулмонларга қарши зўравонлик, қўпорувчилик ҳамда босқинчилик хатти-ҳаракатларини асослаш ва оқлаш учун «жиҳод» тушунчасидан фойдаланиб, «ҳозирда жиҳод қилиш ҳар бир мусулмон учун фарзи айнdir» деган ғоя илгари сурилади. Ваҳоланки, тинчликка раҳна солиш, жамият равнақи ва халқ фаровонлигига зиён етказиш, фитна қўзғатиш, тоифаларга бўлиниб ўзаро низолашиш умуман ислом динига ёт ҳолат ҳисобланади.

Аслида, жиҳод тушунчаси илк ислом давридан бошлаб, кенг мавзу сифатида тадқиқ этилган. Дастребки давр олимлари орасида жиҳод масаласига турлича ёндашувларни кузатиш мумкин. Шомлик Абдураҳмон Авзорий «Пайғамбар билан бирга жанг қилишга имкони бор барча саҳобийларга фарз айн эди. У кишининг вафотларидан сўнг фарзи кифоя бўлган», дейди. Шунингдек, Имом Шофеий жиҳодни фарз кифоя деб қараган. Шофеий бошқа

фақиҳлардан, жумладан, Ҳижоз фақиҳларидан фарқли равища «жиходнинг омили ширкдир, (Арабистон ярим оролида юзага келган ширк тури) яни, мусулмонларга адоват қилиш эмас», дейди.

Минг афсуски, ислом ниқоби остида пайдо бўлган экстремистик ҳаракатлар тарихига эътибор берадиган бўлсак, уларнинг илдизлари узоқ мозийга бориб тақалишини кўриш мумкин. Айнан Али (розияллоҳу анҳу) ҳукмронлиги даврида пайдо бўлган хорижийлар уларнинг қарашлари ва фаолиятига қўшилмаганларни коғирга чиқариш, уларга қарши «жиход» олиб бориш ҳақидаги ғояларни ишлаб чиқиб, террор ўслубини қўллаш орқали ҳукмдорларни жисмонан йўқ қилиш амалиётини бошлаб берган эди.

Мутаассиблик ғоялари ва амалиёти ривожида Нофиъ ибн ал-Азрақ (ваф.685й.) томонидан асос солинган, энг муросасиз ва шафқатсиз жамоа номини олган – Азракийлар (АЗОРИҚА) оқими алоҳида ўрин әгаллайди. Азракийлар гуноҳи кабира (катта гуноҳ) қилган барча мусулмонларни «коғир» деб, уларнинг таълимотига қўшилмаган кишиларга қарши жиход эълон қилиш, ҳатто, қария, аёл ва болаларнинг қонини тўкишни ҳалол, деб билганлар. Бундай ғоялар ҳокимият учун курашнинг зўравонликка асосланган усувлари келиб чиқишига ва минглаб мусулмонларнинг ҳалок бўлишига олиб келди.

Жиход тушунчасининг ҳозирги қундаги ҳолатга келиши ва шаклланиши Ибн Таймия (1263-1328) ғояларига бориб тақалади. Чунки, унинг фикр ва

қарашларига XX асрда жиҳодий, сиёсий ҳаракатлар томонидан эътибор қаратилиб, унинг қарашлари ушбу ҳаракатлар замирига чуқур таъсир этди. Ибн Таймия Пайғамбар фаолиятининг Макка даврини «илм ва баён жиҳоди», Мадина даврини «қўл билан, темир билан урушиш даври» деб баҳо берган ва жиҳодни ислом динидаги энг муҳим фарзлардан деб қараган. Бунда ҳаж, умра, намоз, рўзсадан ҳам афзал ва ислом даъвати йўлида барчага қарши урушиш вожиб деган ғояни илгари сурган.

Исломда «инқилобий кураш» таълимотини яратган Ибн Таймия «агар ҳукмдор бошқараётган давлатида исломдаги барча мажбуриятларни бажармаса, унинг ўзи ҳам кофир саналади. Кофир киши эса умматни бошқаришга ҳақли эмас. Шунинг учун унга қарши жиҳод эълон қилиш, шариат асосида бошқарилмаётган ҳокимият ҳукмдорини ағдариш даркор», деган қарашларни илгари сурган. Бу Куръон ва суннага ҳамда уламоларнинг тафаккурига кескин зид қарашдир. Динларнинг турли-туманлиги «Агар Раббингиз хоҳласа эди, Ер (юзи)даги барча кишилар ёшпасига имон келтирган бўлур эдилар. Бас, Сиз одамларни мўмин бўлишларига мажбур қиласизми?!»<sup>30</sup> (Юнус, 99), дейилган ояти карима асосида Яратган томонидан ўрнатилган экан, уни бекор қилиш ёки ҳаммани бир дин байроғи остида зўрлаб бирлаштириш мумкин эмас. Ислом манбаларига кўра, дин ва эътиқод учун

<sup>30</sup> Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири (Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаса бирлашмаси, 2012. «Юнус» сураси: 99-оят. – Б. 220.

эркинлик яратилган юртда душманлик, боғийлик қилинмайди.

Ибн Таймиянинг мутаассибликка асосланган ғоялари кейинчалик XVIII аср ўрталарида Марказий Арабистонда ислом динини «асл ҳолатига қайтариш» байроғи остида содир этилган, тарихнинг қора саҳифаларидан ўрин эгаллаган, бузғунчилик ва бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкиш каби террорчилик амалиётлари учун асос бўлди.

Мусулмон ислоҳотчилари сифатида танилган Жамолиддин Афғоний (1839-1897) ва унинг шогирдлари яшаган XIX асрнинг иккинчи ярмида "жиход" мавзуси очиб берилмаган бўлсада, унга кенгроқ тушунча беришга ҳаракат қилинди. Бунда Афғоний «мусулмон ерларини ҳимоя этиш фарз айн» деган қарашни илгари сурган. Айтиб ўтиш жоизки, Пайғамбаримиз Мұҳаммад (алайҳис-салом) фаолиятлари давомида яккахудоликка даъват этганлар ва у кишига қарши уруш бошланганидан кейингина урушга чиққанлар. Мұҳаммад Абдуҳ (1849-1905) ҳам устози Афғоний каби "жиход" мавзусига доир алоҳида асар яратмаган, балки умумий тарзда жиҳод тушунчасини очиб беришни асос қилиб олган.

XX асрда замонавий кўринишдаги диний-сиёсий ҳаракатлар юзага чиққандан сўнг, мисрлик Ҳасан ал-Банно (1906-1949), Сайид Кутб (1906-1966), покистонлик Абу Аъло Мавдудий (1903-1979)лар даврига келиб, исломда "жиход"ни икки турга, яъни «жиходут-талаб» ва «жиходуд-дифоъ»га бўлиш унугилди. Ислоҳотчилик тарафдорлари илм,

озодлик, адолат каби Ғарбдаги ижобий жиҳатларни кўра олган бўлсалар, 1928 йилда Мисрда ташкил этилган «Мусулмон биродарлар» ташкилотининг асосчиси Ҳасан ал-Банно унда фақат худосизлик, Худога шак келтириш каби салбий жиҳатларни кўрди. Банно қарашича жиҳод икки турга ажратилади: биринчиси, ислом динига даъват этилгандан сўнг куфрга нисбатан жиҳод қилиш фарз кифоя сифатида бўлиши; иккинчиси, ислом ўлкаларидан бирортасида душман ғолиб бўлган бўлса, ўша ерга қарши жиҳоднинг фарз бўлиши. Шу билан бирга у даъват етиб боргандан сўнг исломни қабул қилмаганларга урушишни шарт деб ҳисоблаган.

Абу Аъло Мавдудий эса, диний-сиёсий оқимлар ичидағи радикал жиҳодий ҳаракатларнинг ғоявий раҳбари сифатида танилган бўлиб, у Покистонда «Ислом жамоаси» ҳаракатини ташкил этган, унинг жамоаси «Аллоҳга бандалик қилишдан ажralган ҳар қандай тузумларни таг-томири билан қўпориб ташлаш»ни ғоя қилиб олганини таъкидлаган. Аслида, Куръон ва суннага кўра кишини охиратдаги нажоти учун имон келтириши кифоя қиласи. Унинг эса Куръон ҳукмлари, Пайғамбар сийратлари ва назарий асосларга таянган тўлиқ ҳаракат бўлмагунча исломий инқилоб бўлмаслигини ва ушбу ҳаракат доимий тарзда зўравонлик билан жоҳилиятча фикрлаш, хулқий, маданий каби асосларни ижтимоий ҳаётда ўзгартириш орқали амалга оширишини айтган. У «ислом инқилобий фикр, инқилобий йўл бўлиб, оламдаги ижтимоий тузумни

бузиб, ўрнига янги тузумни таъсис этувчи диндир», деб қараши бу борадаги фикрини билдиради.

Мавдудий ҳам классик тарзда жиҳодни «жиҳодут-талаб» ва «жиҳодуд-дифоъ» турларига бўлишга қарши бўлиб, уни бир вақтнинг ўзида ҳам «жиҳодут-талаб» ҳам «жиҳодуд-дифоъ» деб қарайди. Ислом ниқобидаги экстремизмнинг ғоявий асосчиси Сайид Кутб эса ҳозирги даврдаги радикал диниёсиёсий ҳаракатларга катта таъсир ўтказган шахс бўлиб, у Куръонни қандай бўлса шундайлигича олиш кераклигини таъкидлайди. Мұхаммад Абдуҳнинг Куръонни ақлга мос равишда шарҳлаш керак, деган гапини танқид остига олади. У «Аллоҳнинг ҳокимияти»ни ушлаган қавм, жамоа бўлиши лозимлиги, фақат у имонни ушлагани, жамияти эса куфрда бўлгани учун жоҳил қавмидан ажralган бўлиши кераклиги ҳамда ислом дини фақатгина "дорул ислом" ва "дорул ҳарб"дан бошқа нарсани билмаслигини таъкидлаган. Шунингдек, Сайид Кутб ўзининг «Йўлдаги белгилар» китобида мақсадга эришишнинг энг самарали воситаси сифатида «жоҳилия тизими асосчиларини жиҳод ва жисмоний куч ишлатиш йўли билан йўқ қилиш орқали исломни қайта тиклаш лозим», деб хисоблаган эди. Бунда у «жиҳод» тушунчасини динсизларга ва ҳатто, унинг талқинига қўшилмаган барча мусулмонларга қарши кураш маъносида қўллаган. Ҳозирги кунда мазкур ғоялардан «илҳомланган» кўпгина замонавий террорчи гуруҳлар ҳам жиҳодни ўзларининг бош мақсадларига айлантириб олган. Шу ўринда айрим экстремистик оқимлар «Жиҳод – бизнинг йўлимиз»

ёки «Жиҳод – исломнинг олтинчи аркони», деб эълон қилиб, бундан террорчилик амалиётлари учун ғоявий-ақидавий асос сифатида фойдаланаётганини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз.

Бу билан Саййид Кутб ва Мавдудий ҳозирги кунда асли Қуръон ва ҳадисларда бўлмаган «такфир» – «кофирга чиқариш» қоидасига асос солишган. Ушбу қоида ислом дини тарихидаги энг фожиали бидъат ва хурофот бўлиб қолмоқда. Чунки, бу билан мусулмонларни куфрга нисбат берилишига кенг йўл очилган. Қуръон ва ҳадисларда бирор кишини куфрга нисбат бериш қаттиқ қораланади ҳамда барча инсонларнинг имони Аллоҳга ҳавола қилинади. Такфир ҳозирда диний-сиёсий ҳаракатлар томонидан кенг ишлатиладиган эътиқодий қоидага айлантирилиб, жиҳодий ҳаракатлар учун асосий воситалардан бири сифатида фойдаланилмоқда.

Аслида, ислом дини таълимотига кўра, Аллоҳнинг ягоналиги, Пайғамбар Муҳаммад (алайхис-салом) Унинг элчиси эканига имон келтирган, ислом динига эътиқод қиласидиган ҳар қандай киши мўмин ҳисобланади. Инсоннинг имонини ўлчаш, унинг мусулмон ёки кофирлигини аниқлаш хуқуқи ҳеч кимга берилмаган. Чунки имон инсон қалбида бўлади. Қалб эса, фақатгина Аллоҳнинг ҳукмидадир.

Юқорида қайд этилган, Ибн Таймия, Ҳасан ал-Банно, Саййид Кутб, Мавдудийларнинг «жиҳод», «такфир» тушунчасига берган талқинлари эса ҳозирги кундаги жиҳодий, диний-сиёсий

ҳаракатларга озуқа бўлмоқда. Бунинг натижасида, мусулмонлар ўртасига зиддият уруғини сепадиган, ислом йўлида сиёсий ҳокимиятни зўрлик билан эгаллашга асосланган бу ғоялар XX асрнинг иккінчи ярми XXI асрнинг бошларида кўплаб радикал оқимларнинг шаклланишига замин яратмоқда.

Замонамизнинг таниқли уламолари жиҳод борасида мўътадил фикр ва қарашларни ишлаб чиққанлар. Жумладан, Муҳаммад Саид Рамазон Бутий жиҳоддан мақсад ҳимоя, деган қарашни қабул қилган ва диний бағрикенгликка аҳамият қаратган. (1932-2015) Ваҳба Зухайлий (ваф. 2015й.) сулҳ бу мусулмонларнинг бошқа дин вакиллари билан алоқа ва муносабатларидағи бош асосдир, деб, кенг миқёсли биродарлик, дўстлик бўлмоғи кераклиги бунда бутпарастлик динидагилар билан ҳам шундай қараш бўлиши кераклигини илгари сурган. Юсуф Қарзовий эса, исломий давлат бу маданий давлатлиги, уни дин аҳли бошқармаслиги, у маданий, тарбиявий вазифаларни бажаришини зикр этган. Шу билан бирга, коғирларга қарши курашиш, бу уларнинг куфр келтирғанлари учун эмас, фақат душманлик қилғанлари учун бўлишини айтиб ўтган. Шунингдек, Саудия Арабистони муфтийиси Шайх Абдулазиз ибн Абдуллоҳ Ол-Шайх мазкур мавзуга тўхталар экан, шундай дейди: «Жиҳод қилишга буюриш фақатгина валиюл амр (давлат раҳбари) ваколатига хосдир. Бу нарса аҳли сунна ва жамоа уламолари наздида тўғри деб топилган. Валиюл амр (давлат раҳбари) изнисиз жиҳодга чиқиш шариат

қоидаларига зид бўлиб, гуноҳи кабиралардан бири хисобланади».

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Куръон оятлари ва ҳадислар мазмунини бузиб талқин қилиш ҳоллари ҳам кенг тарқалганини таъкидлаш лозим. Бунга мисол тариқасида уруш тўғрисида нозил бўлган айрим оятларни келтириб ўтиш мумкин. Аслида Куръонда «жиход» сўзидан ташқари кўпроқ «қитол» (уруш) сўзи ҳарбий юришларни қилиш, мудофаа қилиш мақсадида қўлланилган. Лекин ушбу давр фақиҳлари «уруш» сўзи ўрнига «жиход» сўзини, унинг кенгроқ маънода бўлгани учун ишлатишни афзал деб билганлар. Ҳамда ушбу ибора «қитол» сўзи ўрнига ишлатилиб, кейинги даврларда яратилган асарларга ҳам таъсир кўрсатди.

Расулуллоҳ (алайҳис-салом) Маккадан Мадинаға ҳижрат қилганларидан сўнг, Мадинада мусулмонлар учун олдин бўлмаган нарса, яъни давлат юзага келди. Пайғамбар Муҳаммад (алайҳис-салом) исломнинг илк – Макка даврида юқорида келтирилган, жанг маъноси бўлмаган "жиход" ни олиб бордилар. Чунки у киши мушриклар етказган азоб ва уқубатларга сабр қилиш ҳамда улар билан фақат Куръон асосида мужодала – баҳс юритиш, тўғри йўлга даъват қилишга буюрилган эдилар.

Қуйидаги "жиход" мазмунидаги оятларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу оятлар Муҳаммад (алайҳис-салом) ва саҳобийларга араб мушрикларининг якка худолик динига мутлак қарши бўлган ҳамда ислом динини ер юзидан таг-

тамири билан қўпориб ташлашга ҳаракат қилинган даврда ўзларини ҳимоя қилишлари учун нозил қилинган.

Маълумки, мусулмонлар Мадинага кўчиб ўтганларидан сўнг, Аллоҳ таоло уларга мушрикларга қарши курашиш, яъни қурол билан ўзларини мудофаа қилишга рухсат берди. Бу борада Куръони каримда: «(Мушриклар томонидан) ҳужумга учраётган (мусулмон)ларга, мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилишга) изн берилди. Албатта, Аллоҳ уларга ёрдам беришга қодирдир»<sup>31</sup>, деб таъкидланади. Шу аснода, ҳижратнинг иккинчи йилида уруш маъносидаги жиҳодга изн берилди.

Тафсир китобларида ушбу оятнинг шарҳи юзасидан шундай дейилади: «Маккалик мушриклар Расулуллоҳ (алайҳис-салом) ва у кишининг саҳобийларига азият етказардилар. Саҳобийлар Расулуллоҳ (алайҳис-салом)га шикоят қилиб келганларида У зот: «Сабр қилинглар! Менга урушиш буюрилмаган», деб жавоб берадилар. Маккадан Мадинага ҳижрат қилинганида «сўнг, Аллоҳ таоло юқоридаги оятни нозил қилди»<sup>32</sup>.

Ушбу оят тафсирида айтилишича, «Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳис-салом) Маккада турган йиллари мусулмонлар мушрик ва кофиirlардан ҳар қанча азият чеккан, турли тазиيқ ва зулму истибдолларга учраган бўлсалар ҳам, Аллоҳ куфр ва

<sup>31</sup> Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири, 2012. «Ҳаж» сураси: 39-оят. – Б. 337.

<sup>32</sup> Муҳаммад ибн Али Вожидий. Асбоб ан-нузул. "Ҳаж" сураси.

ширк аҳлига қарши жанг қилишга рухсат бермаган, балки улар билан муроса қилишга, сабр-қаноатли бўлишга буюрилганлар»<sup>33</sup>.

Мазкур оят юзасидан уламоларда икки хил фикр мавжуд. Бир тоифа уламолар фикрига кўра, оятдаги амр Расулуллоҳ (алайҳис-салом) ҳамда у кишининг саҳобийларига қаратилгандир. Жумладан, Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу): «Яъни, Муҳаммад (алайҳис-салом) ва у кишининг саҳобийлариридир. Улар Маккадан Мадинага ҳижрат қилганлар», дейдилар. Иккинчи тоифа уламолар наздида эса, оятдаги амр «дору-л-ҳарб»дан ҳижрат қилмоқчи бўлган, лекин қаршиликка учраган муайян бир қавмга қаратилгандир. Мужоҳид айтади: «Имон келтирган кишилар Маккадан Мадинага ҳижрат қилишга чиққанларида, улар қаршиликка учрашади. Шундан сўнг Аллоҳ таоло уларга урушишга изн беради».

Имом Шаъровий ушбу оят тафсирида бундай дейди: «Урушга рухсат берилишининг сабаби мусулмонлар зулм кўрганликлариридир. Шунинг учун Аллоҳ таоло уларга урушга изн берди. Шу билан бир қаторда уларга ҳаддидан ошмасликни ҳам буюрди. Бу борада Куръони каримда: «Сизларга қарши жанг қилувчилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз, (лекин жанг асносида ҳам) ҳаддан ошмангиз! Зоро, Аллоҳ ҳаддан ошувчиларни ёқтиргмагай»<sup>34</sup>. Демак, Аллоҳ таоло дастлаб, мусулмонларни сабрли

<sup>33</sup> Қаранг: Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. 2012. – Б. 337.

<sup>34</sup> Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. 2012. «Бақара» сураси, 190-оят. – Б. 190.

бўлишга чақирди, ундан сўнг ўзларини ҳимоя қилиш учун урушга изн бериш билан бир қаторда ҳаддидан ошмасликни амр қилди»<sup>35</sup>.

Шунинг билан бирга, диний мутаассиб оқимлар Куръони каримдаги «Сизларга (ёв билан) жанг қилиш фарз қилинди, ваҳоланки, у сизлар учун ёқимсиздир. Балким, сизлар ёқтиргмаган нарса (аслида) ўзларингиз учун яхши, ёқтирган нарсангиз эса (аслида) сизлар учун ёмон бўлиб чиқар. Аллоҳ билур, сизлар эса билмайсизлар»<sup>36</sup> оятини ҳам ҳужжат қилиб келтирадилар. Дарҳақиқат, мазкур оят уруш фарз қилинган илк оят ҳисобланади. Бу ҳижрий иккинчи санага тўғри келади. Ҳижратдан олдин уруш қилиш таъқиқланган эди. Сўнг «Ҳаж» сураси 39-оятига мувофиқ зулм кўрганларга уруш қилишга рухсат берилди ҳамда ўша йилнинг ўзидаёқ «Бақара» сураси 216-ояти билан фарз қилинди. Ибн Умар ва Атолар нақл қиласи: «Ўша вақтда уруш қилиш фақатгина саҳобийларга вожиб бўлган. Демак, оятдан олинадиган мурод шудир. Лекин, баъзи салафи солиҳлар эса, жиҳод қилишни мандуб амаллардан ҳисоблаб, бунга "Нисо" сурасини, яъни: «Аллоҳ моллари ва жонлари билан жиҳод қилувчиларни (уйида) ўтирувчилардан (кўра) ортиқ даражали қилди»<sup>37</sup> оятини далил қилиб

<sup>35</sup> Имом Шаъровий. Тафсир ал-Куръон ал-карим. Ж: 16. – Б. 9836.

<sup>36</sup> Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. 2012. «Бақара» сураси, 216-оят. – Б. 34.

<sup>37</sup> Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. 2012. «Нисо» сураси, 95-оят. – Б. 94.

келтирадилар. Бироқ, жумхур уламолар бу фикрни рад қиласидилар.

Жумхур уламолар юқорида қайд этилган мазкур икки хил қарашдан холоса қилиб, хижрий иккинчи асрда жиҳод фарзи кифоя бўлгани, фақатгина мусулмонларнинг юртларига ёв бостириб келганда жиҳод фарзи айнга айланиши ҳақидаги фикрларни билдирганлар. Ибн Журайж ушбу оят хусусида Атодан: «Мазкур оятта кўра инсонларга жиҳод қилиш фарз бўладими», деб сўраганда Ибн Ато «Йўқ, бу оят уларга, яъни саҳобийларга тегишилидир», деганлар<sup>38</sup>. Имом Табарийнинг тафсир китобларида ҳам айнан шу маълумотлар келтирилганини учратиш мумкин<sup>39</sup>.

«Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири»да эса ушбу оят қуйидагича тафсир қилинади: «Ҳаж» сурасининг 39, 40-оятларига мувофиқ, Макка мушрикларидан қаттиқ азият чеккан мусулмонларга, Мадинага келиб қарор топганларидан кейин улардан қасос олишга Аллоҳ томонидан рухсат этилади. «Жиҳод» сўзи ҳамма вақт ҳам жанг ва уруш мазмунида эмас, балки жидду жаҳд, саъй-ҳаракат, ижтиҳод, кураш маъноларида ҳам келади. Бу ерда у қасос мақсадидаги жанг маъносида келган<sup>40</sup>. Шунингдек, «Тафсир мавзуй» китобида мазкур оят юзасидан шундай дейилади: "Уруш (жиҳод) қилиш фарзи кифоядир, бироқ у ёв билан тўқнаш келганда ёки душман бирор ҳудуд

<sup>38</sup> Тафсир Куртубий. Ж.3.

<sup>39</sup> Қаранг: Тафсир Табарий. Ж.4.

<sup>40</sup> Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири (Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012. – Б. 94.

(мамлакат)га бостириб келса, унда яшовчи кишилар учун фарз айнга айланади<sup>41</sup>.

Шундай экан, Расулуллоҳ (алайҳис-салом) ислом динини ҳеч қачон қилич билан ёймаганлар. Қолаверса, душман кайфиятида бўлган ҳудудларни босиб олгач, у ерлик аҳолига ўзининг динида қолишига изн берганлар, уларни ислом динини қабул қилишга мажбур қилмаганлар, балки чиройли йўл билан даъват қилганлар. Куръони каримда: «(Эй, Муҳаммад!) Раббингизнинг йўли (дини)га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват этинг! Улар билан энг гўзал услугуда мунозара қилинг!»<sup>42</sup>

Иbn Касир ушбу оятни шарҳлаб шундай дейди: «Аллоҳ таоло ўзининг расули Муҳаммад (алайҳис-салом)га инсонларни Аллоҳ таолонинг йўлига ҳикмат билан чақиришга буюрмоқда. Иbn Жарир: «оятда келган «ҳикмат»дан мурод, Аллоҳ таоло нозил қилган Куръон ҳамда Расулуллоҳ (алайҳис-салом) суннатларидир», дейди. Агар уларнинг орасидан бирор киши тортишмоқчи бўлса улар билан фақатгина чиройли муомалада мунозара қилгин»<sup>43</sup>, дейилган.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, уруш маъносида келган "жиход" ҳақидаги оятларнинг аксари «Тавба» сурасида учрайди. Жумладан, «Мушрикларни топган жойингизда ўлдирингиз, тутингиз (асир олингиз), қамал қилингиз ва ҳар қандай

<sup>41</sup> Тафсири мавзуий. – Б. 272.

<sup>42</sup> Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. 2012. «Наҳд» сураси, 125-оят. – Б. 281.

<sup>43</sup> Иbn Касир. Тафсири ал-Куръон ал-азийм. – Қоҳира: Дор ибн Ҳайсам, 2005. Ж: 2. – Б. 1658.

пистирмаларда уларни кузатиб турингиз! Агар тавба қилиб, намозни баркамол адо этсалар ва закот берсалар, уларни қўйиб юборингиз! Албатта, Аллоҳ кечиримли ва раҳмли зотдир»<sup>44</sup>.

Мазкур оятда мушрикларга қарши жанг қилиш уларни Масжидул ҳаром ҳудудидан чиқариш ва у ерда исломдан бошқа дин бўлмаслиги ҳақида сўз боради. Имом Шаъровий мазкур оятнинг тафсирида, Аллоҳ таоло мушрикларни Маккаи мукаррама ҳудудидан чиқариш, уларнинг бирортасини ҳам Макка ҳудудида қолдирмаслик ва Макка ҳудудида икки дин қолмаслиги учун уларга қарши курашишга амр қилган. Шунингдек, бунга Расулуллоҳ (алайхис-салом)дан ривоят қилинган: «Арабистон ярим оролида икки дин бирлашмайди» ҳадиси ҳам далил бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, бугунги кунда мутаассиб оқим вакиллари Куръони каримда уруш маъносида келган жиҳод оятларини ўз ғояларини оқлаш мақсадида фойдаланаётганларини кўриш мумкин. Умуман, Куръони карим оятларига шарҳ бериш, улардан хукм олиш ниҳоятда масъулиятли иш экани фикҳий манбаларда батафсил баён қилинган. Агар араб тилини билган ҳар қандай киши Куръондан ўзича хукм чиқарса, Куръоннинг хурматини оёқ ости қилган бўлади ва Пайғамбаримиз (алайхис-салом) нинг: «Ким Куръонни ўзича тафсир қилса, дўзахдан ўзига жой тайёрласин», деган таҳдидларига дохил бўлиб қолади.

---

<sup>44</sup> Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. 2012. «Тавба» сураси, 5-оят. – Б. 187.

Аслида «жиход» – (араб. «ғайрат қилиш», «кучни ишга солиш») сўзи «жидду-жаҳд», яъни инсон ўз мақсадига эришиш йўлида бор имкониятларини ишга солиб, ҳаракат қилишини англатади. Истилоҳда эса, ушбу сўз бир қанча маъноларда ишлатилади. Жумладан, «жиход»нинг Аллоҳнинг йўлига даъват қилиш, яхшиликка чақириш ва ёмонликдан қайтариш, Аллоҳ йўлида инсоннинг ўз ҳавоий-нафсига қарши кураши, ота-онага хизмат қилиш, ёвга қарши курашишдек турлари мавжуд. Бунга далил сифатида Имом Термизийдан ривоят қилинган ҳадиси шарифда «Жиҳоднинг афзали Аллоҳ таолонинг зотида инсон ўз ҳавои нафсига қарши жиҳод қилишидир», дейилган. Шунингдек, Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда: «Бир киши Расулуллоҳ (алайҳис-салом)га: «Мен жиҳодда қатнашмоқчиман», деди. У зот: «Ота-онанг борми?» деб сўрадилар. «Ҳа», деб жавоб қилди у киши. Шунда Пайғамбар (алайҳис-салом): «Уларнинг ҳузурига бориб, ёрдам бер, хизматини қил! Шу сенинг жиҳодингдир», дедилар». Шундан келиб чиқсан ҳолда, мусулмон уламолар фарзанднинг ота-онага қилган хизмати ҳам жиҳод бўлиши мумкин, деган холосани берганлар.

Ислом тарихини чуқур ўрганган мутахассис олимлар, тарихда юз берган ҳар қандай жиҳод, фақатгина мудофаа мақсадида олиб борилганини таъкидлайдилар. Хусусан, сурялийк машҳур уламо Рамазон Бутийнинг «ал-Жиҳод фи-л-ислам» китобида бундай дейилади: «Расулуллоҳ (алайҳис-салом) Маккадан Мадинага ҳижрат қилганларидан

сўнг, илк ислом давлати юзага келди. Унинг раҳбари Расулуллоҳ эдилар. Бунда мусулмонлар томонидан олиб борилган жиҳодлар ёв бостириб келганда ҳимоя мақсадида ёки душман тарафдан ҳужум хавфи пайдо бўлганда унга қарши бориш учунгина юз берганини кўриш мумкин»<sup>45</sup>.

Бу борада Шайх Абдулазиз Мансур бундай дейдилар: «Агар «жиҳод» ислом давлатини қуриш учун ёки инсонларни динга киришга мажбурлаш учун жорий этилганида эди, Расулуллоҳ (алайхис-салом)нинг ўзлари бу борада намуна кўрсатган бўлур эдилар. Яъни, у зот биринчи бўлиб Маккадаги мушрикларнинг катталари билан урушган, ислом давлатини барпо этиш учун жиҳод эълон қилган бўлардилар. Бироқ Пайғамбаримиз (алайхис-салом) бундай йўл тутмадилар. Аксинча, мусулмон жамияти тинч йўл билан, табиий равишда юзага келгач, унинг ҳимояси учун жиҳодга чиққанлар»<sup>46</sup>.

Ислом таълимотларига кўра, мусулмон бўлмаганлар билан ўзаро мулоқот ўрнатишнинг асл воситаси тинчликдир. Жиҳоднинг жорий қилинишининг сабаби ҳам «доимий тинчлик»ка эришиш учундир. Шундай экан, тинчликни бир учқуни сезилган заҳотиёқ уни қабул қилиш ҳар бир мусулмондан талаб қилинади. «Агар улар сулҳга мойил бўлсалар, Сиз ҳам унга мойил

<sup>45</sup> Қаранг: Рамазон Бутий. Ал-Жиҳод фи-л-ислам: кайфа нафҳамуҳу ва кайфа нумарисуҳу. – Дамашқ: Дор ал-Фикр, 1993. – Б. 19-27.

<sup>46</sup> Абдулазиз Мансур. Бузғунчи оқимларнинг сохта даъволарига раддиялар // Тинчлик ва осойишталик – олий неъмат. – Тошкент: Мовароуннахр, 2013. – Б.16.

бўлинг ва Аллоҳга таваккул қилинг!»<sup>47</sup>. Бу борада ислом тарихида юз берган Ҳудайбия сулхида Пайғамбаримиз (алайҳис-салом)нинг тинчлик учун кўрсатган марҳаматлари маълум ва машҳурдир. Үнда Расули Акрам рақиб томоннинг жуда ноўрин талабларига ҳам кўниб, сулҳ, тинчлик ўрнатишга қанчалик интилиш кераклигини мусулмонларга таълим бериб кетдилар.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мудофаа маъносидаги "жиход" халқаро шартномалар ва давлатлар ўртасида ўзаро келишувлар бўлмаган бир ҳолатда юз берган. Бугун эса буларнинг барчаси ўзгарди. Деярли барча давлатлар халқаро ташкилотлар аъзолари бўлиб, турли ҳамкорлик шартномалари, битим ва протоколларга имзо қўйганлар. Шундай экан, бутун дунё давлатлари ислом таълимотига кўра «муоҳад» яъни «аҳд қилинган» тоифага киради. Расулуллоҳ алайҳис-салом шундай дедилар: «Ким муоҳадни ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳидламайди. Жаннатнинг ҳиди қирқ йиллик масофадан таралиб туради» (Имом Бухорий ривояти).

Шариатга оид матнларни ўрганиш шуни кўрсатадики, Аллоҳ таолога яқинлаштирувчи ҳар қандай эзгу иш жиход ҳисобланади. Масалан, отонага яхшилик қилиш, нафсига қарши курашиш ва бошка. Ҳадисларда «Уиккиси (яъни ота-она) борасида (хизматларини қилиб) жиҳод қилгин» (Имом Бухорий ривояти), «Мужоҳид – Аллоҳ таоло итоатида ўз

<sup>47</sup> Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. 2012. «Анфол» сураси, 61-оят. – Б. 184.

*нафсига қарши курашган кишидир»* (Имом Аҳмад ривояти) дейилади. Шундай экан, ислом жаннатга киришга ҳамда дўзахдан узоқлашишга сабаб бўлувчи Аллоҳ таолонинг зикри, инсонларга яхшилик қилиш, ер-юзида осуда ҳаёт кечириш борасидаги жиҳод, яъни саъй-ҳаракат қилишга чақиради. Зеро, асл жиҳод ислом таълимотига кўра, Аллоҳ таолога яқинлаштирувчи солиҳ амалларни ўз ичига олади. Бинобарин, ҳалол тижорат, ишлаб чиқариш ёки қудуқ қазиб сув чиқариш каби ишлар ҳам шулар жумласидандир.

Тинчлик бебаҳо неъмат экани ислом манбаларида ҳам ўз ифодасини топган. Қуръони каримнинг элликдан ортиқ сурасидаги юзлаб оятларда мусулмонлар мўмин-қобиллик, тинчликпарварлик ва бошқа эътиқод вакилларига нисбатан бағрикенгликка даъват этилганлар. Хусусан, Қуръони каримда: «Эй, имон келтирганлар! Ёппасига итоатта киришингиз!...»<sup>48</sup> – дейилади. Ушбу оятдаги «ёппасига итоатта киришингиз» дегани тафсир китобларда сулҳга, ўзаро тинчликка киришинг, урушни тарк этинг маъносини беради. Шунингдек, «У (ер)га соғ-саломат, тинч-омон киришингиз!»<sup>49</sup>, деган Аллоҳ таолонинг оятида ҳам жаннат аҳлининг абадий ҳаёти тинчлик, осудалик ва саломатликда кечиши айтилган. Мазкур оят бизга тинчлик ва хотиржамлик нафақат бу дунёда қадрли, балки жаннатда ҳам жуда улуғ неъмат эканини

<sup>48</sup> Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. 2012. «Бақара» сураси, 208-оят. – Б. 32.

<sup>49</sup> Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. «Хижр» сураси, 46-оят. – Б. 264.

ҳамда у Ер юзи инсониятнинг фаровон, ўзаро тутув ва ҳамжиҳат яشاши учун яратилганини билдиради.

Ҳадиси шарифларда эса, «Тинчлик ва хотиржамлик икки улуғ неъматдирки, бундан кўп одамлар маҳрумдирлар», «Ким бизларга қарши тиғ кўтарса, у аҳли исломдан эмас»<sup>50</sup>, дея инсонларни тинчликнинг қадрига етишга, ўзаро аҳил-иноқ яшашга чақирилган. Шунингдек, Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда: «Икки энг азиз неъмат бор, кўплар бунинг қадрига етишмайди, булар саломатлик ва тинчлик-хотиржамликдир» (Имом Бухорий ва Имом Термизий)<sup>51</sup>, деб таъкидланган.

Дарҳақиқат, тинчлик уруш ва низоларга барҳам бериш орқалигина таъминланади. Афсуски, турли қарама-қаршилик ва зиддиятларни келтириб чиқариш йўли билан ўз мақсадларига эришишни кўзлайдиган кучлар бор экан, сунъий равишда низоли вазиятларни вужудга келтиришга қаратилган ҳаракатлар ҳам тўхтамайди. Бунга 2011–2015 йилларда баъзи араб мамлакатларида рўй берган ва ҳамон давом этаётган сиёсий инқирозлар оқибатида юзага келган қонли тўқнашувлар мисол бўла олади. Мазкур оммавий тартибсизликлар туфайли минглаб одамлар ҳалок бўлмоқда. Яқин Шарқ давлатларида бўлиб ўтган хунрезликлар, гўёки «Араб баҳори» номи билан бегуноҳ одамларнинг ёстиғини қуритаётганлар ҳам асосан динни ниқоб

<sup>50</sup> Маърифат – тинчлик асоси. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – Б. 176.

<sup>51</sup> Имом Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. Китаб ар-Риқоқ. 6049-ҳадис.

қилиб олган кучлар экани, улар экстремистик оқим ва террористик гурухлардан фойдаланаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Демак, Яратганинг энг буюк неъмати, биз яшаб турган оламнинг энг ажойиб мўъжизаси бўлмиш инсон ҳаётига тажовуз қилишга қаратилган ҳар қандай кўринишдаги таҳдидлар катта гуноҳ экан, ҳар бир киши бу неъматни асраб-авайлаши, унга хиёнат қиласлиги лозим бўлади.

Шундай экан, бугунги кунда экстремизм ва терроризм пешволарининг бутун оламни мажбурлаб исломга киритиш ғоялари Куръон ва суннага матнларига зид ҳисобланади.

## МУМТОЗ ТАСАВВУФ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРИҚАТЧИЛИК

Тасаввуф таълимоти узоқ даврлар мобайнида жамиятнинг турли табақалари ўртасида дўстлик, биродарлик ришталари илдиз отишига замин яратган. Ҳозирги пайтда дунёнинг кўп мамлакатларида Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия тариқати катта нуфузга эга. Чунки мазкур тариқатда ислом шариати мезонлари бузилишига йўл қўйилмай, чин инсоний фазилатлар илгари сурилган.

Аммо барча даврларда ҳам тасаввуфни ўзларининг тор доирадаги мақсадлари йўлида талқин этувчилар ҳам бўлганини унутмаслик керак. Абдулқодир Гийлоний ўзларининг «Сиррул-асрор» китобларининг 23 фасли, «Тасаввуф аҳли хусусининг баёни» бобида тасаввуф аҳлини иккига бўлади: аввалги гурӯҳ – «суннийлар», иккинчиси эса «бидъат аҳли» деб тилга олинади. Биринчи тоифа сўзда, амалда, шариат ва унинг маъноси бўлган тариқатда тамоман қоимдир. Уларни «аҳли сунна вал жамоа» номи билан атайди. Бидъатчилар тоифасига эса шариат ва тариқатга мос тушмаган ишларни қилишга одатланганларни киритади.

Ҳозирги кунда тасаввуф деганда тор маънодаги турли маросимбозлик, тариқатга ружу қўйиш, «пирпарастлик», худойима-худойи ва эҳсонма-эҳсон юриш, бошқалардан ажратиб турадиган либослар кийиш, бошқалардан ажралиб тура-

диган турфа расм-русумларга берилиб яшаш тушуниладиган бўлиб, одамларга тариқатни шундай тушунтирадиган айрим тоифалар ҳам кўпайиб бормоқда. Шунингдек, бу тоифалар ҳақиқий мумтоз тасаввуф вакилларининг тасаввуфни комил мусулмон етиширишдаги бир восита экани ҳақидаги ўгитларини унтиб, мусулмон кишиларнинг асосий мақсади тариқатга кириш, пирга қўл бериб, унинг хизматини қилиш экани ҳақидаги нотўғри талқин ва даъволарни илгари сурмоқдалар. Шу сабабли, соҳа мутахассислари томонидан бундай тоифаларни мумтоз тасаввуф намояндалари ва вакилларидан фарқлай билиш ҳамда уларни бошқа турли оқимлардан ажратиб кўрсатиш мақсадида уларга нисбатан «тариқатчилар» атамаси истеъмолга кирди.

Тариқатчилар деганда тасаввуфнинг фақат ташки жиҳатларига, маросимчилик, турли зикр мажлисларига асосий эътиборни қаратиб, унинг фалсафий-ирфоний хусусиятларидан бехабар фаолият юритаётган, муайян бир кишини пир деб санаб, унинг этагидан тутувчи, жамиятнинг бошқа аъзоларидан четлашиб, пир хизматини ҳаётдаги энг асосий мақсад деб билувчи кишилар ёки жамоалар, гурухлар тушунилади. Мазкур гуруҳ ва жамоалар орасида қабрларга сифиниш, пирларни ҳаддан зиёд улуғлаш, пирларнинг таҳоратидан ортган сувларни ичиш, дунёвий илмлардан, тараққиёт ютуқларидан четланиш каби турли зарарли ҳамда исломий нуқтаи назардан бидъат-хуроффот деб баҳоланувчи ҳолатлар кенг тарқалган.

Мустақиллик йилларида юзага келган қулай диний мухитдан маҳаллий тариқатчилик вакиллари ҳам фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Мутахассисларнинг фикрича, уларнинг кескин фаоллашуви 2000 йиллардан бошлаб кўзга ташлана бошлади. Тариқатчиликнинг уйғонган шакли анъанавий тарзда «фазилатли» деб топилган турли етакчилар (пирлар) атрофига бирлашган муридлар жамоаларидан иборат эди. Бундай етакчилар «эшон», «шайх», «ҳазрат» каби унвонлар билан атала бошланди. Уларнинг орасида Иброҳим эшон (1937-2009, Фарғона вилояти) Дўстмуҳаммад эшон (1935-2013, Сурхондарё вилояти), каби шахслар номи анча машҳур бўлган. Айни пайтда мазкур санаб ўтилган эшонлар ва уларнинг издошлари ҳамда муридлари орасида кескин рақобат мухити мавжуд бўлиб, ҳар бир груҳ айнан ўзи энг тўғри тариқатда эканини даъво қиласди.

Тариқатчилик ҳаракатларида экстремистик унсурлар йўқ. Бироқ тариқатчилик тарафдорлари томонидан илгари сурилаётган илмнинг инсон ҳаётида шарт эмаслиги, пирни ҳаддан зиёд улуғланиши каби фикрлар, қиз болаларнинг таълим олишларига тўсқинлик қилиш, ижтимоий ҳаёт тарзида ўз замондошларидан катта фарқланиш, шаръий асосга эга бўлмаган фатволарга амал қилиш каби ҳаракатлар ҳар жиҳатдан ислоҳ қилиниши керак бўлган масалалар ҳисобланади.

Шу билан бирга тариқатчиларнинг ажралиб турувчи жиҳатлари ҳақида сўз борганда, уларни бирма-бир санаб чиқиш ҳам мумкин. Фарғона

диган турфа расм-русумларга берилиб яшаш тушуниладиган бўлиб, одамларга тариқатни шундай тушунтирадиган айрим тоифалар ҳам кўпайиб бормоқда. Шунингдек, бу тоифалар ҳақиқий мумтоз тасаввуф вакилларининг тасаввуфни комил мусулмон етиштиришдаги бир восита экани ҳақидаги ўгитларини унугиб, мусулмон кишиларнинг асосий мақсади тариқатга кириш, пирга қўл бериб, унинг хизматини қилиш экани ҳақидаги нотўғри талқин ва дъяворларни илгари сурмоқдалар. Шу сабабли, соҳа мутахассислари томонидан бундай тоифаларни мумтоз тасаввуф намояндалари ва вакилларидан фарқлай билиш ҳамда уларни бошқа турли оқимлардан ажратиб кўрсатиш мақсадида уларга нисбатан «тариқатчилар» атамаси истеъмолга кирди.

Тариқатчилар деганда тасаввуфнинг фақат ташки жиҳатларига, маросимчилик, турли зикр мажлисларига асосий эътиборни қаратиб, унинг фалсафий-ирфоний хусусиятларидан бехабар фаолият юритаётган, муайян бир кишини пир деб санаб, унинг этагидан тутувчи, жамиятнинг бошқа аъзоларидан четлашиб, пир хизматини ҳаётдаги энг асосий мақсад деб билувчи кишилар ёки жамоалар, гуруҳлар тушунилади. Мазкур гуруҳ ва жамоалар орасида қабрларга сифиниш, пирларни ҳаддан зиёд улуғлаш, пирларнинг таҳоратидан ортган сувларни ичиш, дунёвий илмлардан, тараққиёт ютуқларидан четланиш каби турли заарли ҳамда исломий нуқтаи назардан бидъат-хурофот деб баҳоланувчи ҳолатлар кенг тарқалган.

Мустақиллик йилларида юзага келган қулай диний муҳитдан маҳаллий тариқатчилик вакиллари ҳам фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Мутахассисларнинг фикрича, уларнинг кескин фаоллашуви 2000 йиллардан бошлаб кўзга ташлана бошлади. Тариқатчиликнинг уйғонган шакли анъанавий тарзда «фазилатли» деб топилган турли етакчилар (пирлар) атрофига бирлашган муридлар жамоаларидан иборат эди. Бундай етакчилар «эшон», «шайх», «ҳазрат» каби унвонлар билан атала бошланди. Уларнинг орасида Иброҳим эшон (1937-2009, Фарғона вилояти) Дўстмуҳаммад эшон (1935-2013, Сурхондарё вилояти), каби шахслар номи анча машҳур бўлган. Айни пайтда мазкур санаб ўтилган эшонлар ва уларнинг издошлари ҳамда муридлари орасида кескин рақобат муҳити мавжуд бўлиб, ҳар бир гуруҳ айнан ўзи энг тўғри тариқатда эканини даъво қиласди.

Тариқатчилик ҳаракатларида экстремистик унсурлар йўқ. Бироқ тариқатчилик тарафдорлари томонидан илгари сурилаётган илмнинг инсон ҳаётида шарт эмаслиги, пирни ҳаддан зиёд улуғланиши каби фикрлар, қиз болаларнинг таълим олишларига тўсқинлик қилиш, ижтимоий ҳаёт тарзида ўз замондошларидан катта фарқланиш, шаръий асосга эга бўлмаган фатволарга амал қилиш каби ҳаракатлар ҳар жиҳатдан ислоҳ қилиниши керак бўлган масалалар ҳисобланади.

Шу билан бирга тариқатчиларнинг ажралиб турувчи жиҳатлари ҳақида сўз боргандা, уларни бирма-бир санаб чиқиш ҳам мумкин. Фарғона

водийси, айниқса, Кўқон ва унинг ён-атрофларида фаолият юритувчи тариқатчилар орасида бир қатор ноанъанавий амаллар кузатилган:

- таҳажҷуд намозини ўқиши фарз (ёки вожиб), деб билиш;
- шукри вузу (таҳорат олгандан сўнг шукр намози) намозини қайси вактда бўлса ҳам ўқиб олиш зарур, дейиш;
- пирга қўл берганинг олдинги гуноҳлари кечирилади, қазо бўлган (ўқилмаган) намозлари зиммасидан соқит бўлади, деб билиш;
- тариқатчилардан бошқа кишиларнинг тўй-маракаларига бормаслик;
- расмий имомларнинг маъruzаларини менсимаслик.

Бундан ташқари айrim муридлар томонидан ҳам мутаассибона хатти-ҳаракатлар намоён бўлаётгани маълум:

- пирнинг таҳоратидан ортган сувни табаррук деб билиб ичиш;
- пирнинг уйи томонга оёқ узатиш қиблага оёқ узатишдек гуноҳ бўлади, деб билиш;
- доимий катта салла, узун оқ, кўйлак ва махсиковушда гуруҳ-гуруҳ бўлиб юриш.

Юртимиизда фаолият юритаётган тариқатларчилардан айримлари масжидларда соқолсиз ва сунъий (тилла ва сарик) тишлилар кўйган имом-хатиб ва ноиб имомлар фаолият кўрсатаётганини, бу ҳолат эса ислом динига зидлиги, аксинча улар ўрнига барча масжидларда соқол кўйган диндорлардан имом сайлаш лозимлигини тарғиб қилиб, ўзлари

ҳам соқолсиз, сунъий тиш қўйган имом хатиблар фаолият олиб бораётган масжидларга бормайдилар. Жиззах ва Самарқанд вилоятларидағи айрим тариқатчилар орасида қуидаги ноўрин ҳолатлар қўзга ташланади:

- жамоат жойларида узун беўхшов соқоллар қўйиб олиб, гурӯҳ-гурӯҳ бўлиб юриш;
- барча оила аъзоларини ҳам ўз пирларига хизмат қилишга мажбур қилиш;
- телевизор, радио каби ахборот воситаларидан фойдаланишни ман қилиш;
- ўз вояга етмаган фарзандларини амалдаги қонун ҳужжатларини қўпол равишда бузган ҳолда, давлат мажбурий таълимидан ажратиб олиб, пирлар қўлида диний таълим олишга бериш;
- яшаш жойларида оддий халқ билан умуман мулоқот қиласлик;
- тилла тиш қўйган ёки соқолини қирдирган имомга иқтидо қилиш ножоиз дейиш.

Тариқатчилик вакилларида кузатилаётган ноўрин ҳолатларни қуидагича умумлаштириш мумкин:

- таркидунёчилик кайфияти;
- пирларни ҳаддан зиёд улуғлаш;
- ибодат маросимларида ихтилофли масалаларга берилиб кетиш;
- эътиборни жалб қиласиган кийимда юриш (ёзда ҳам салла-чопон, махси-кавуш, узун қўйлак-нимча, беўхшов соқол қўйиш) орқали бошқалардан ажралиб туришга уриниш;
- ёш, меҳнатга лаёқатли йигитларнинг пирлар этагидан тутиб ижтимоий сустлашиб кетиши,

оилаларини тарк этиб, эртаю кеч пир хизматида – аслида эса худойи ва эҳсонларга қатнаб бекор юришлари ва ҳ.к.

Тасаввуф деганда, оила, тирикчилик, масъулиятни унутиб, таркидунё қилиш тушунилмайди. Пайғамбаримиз (алайҳис-салом): «Сизларнинг яхшиларингиз дунё ишини деб охиратни, охиратни деб дунёни тарк қилмайдиган ва одамларга малоллигини туширмайдиганларингиздир» деган ҳадисларидан ҳам шуни англаш мумкинки, мусулмон одам бошқаларга нафи тегадиган, оғирлиги тушмайдиган, оиласига ғамхўрлик қиласиган бўлиши керак.

Баъзи кишилар тариқатга кирганларини пеш қилиб, ташқи қиёфа ва маросимларга катта аҳамият берадилар, аммо оилалари, фарзандлари олдидаги мажбуриятларини унутиб қўядилар. Улар оиласини ўзларича «Аллоҳга тавакkal қилиб» мажбурий таъминотини тарк этиб, пир хизматини оила олдидаги вожиб масъулиятдан устун қўймоқдалар. Шу йўл билан, тасаввуфнинг асл моҳиятини англамаган ва ҳақиқатидан бехабар жоҳиллик отига мингандар тариқат ахлига ҳам, тасаввуф номига ҳам доғ туширмоқдалар. Тариқатчилар фаолияти туфайли ижтимоий низоларга сабаб бўлаётган ҳолатлар ҳақида фикр юритар эканмиз, қўйидаги ҳолатларни ҳам назардан четда қолдирмаслик керак бўлади. Тариқатчилар орасида:

– тариқатда бўлмаганларга нисбатан паст назар билан қараш кузатилади;

- илм олишга бўлган рағбатнинг сусайиши – гўёки «кўпгина авлиёлар ўқимасалар ҳам катта мақомларга етишганлар» қабилида иш тутиш;
- оиласи тариқатчилар оиласарининг таъминотини «Аллоҳга таваккал» қилиб, пирдан вазифа олғанлик баҳонасида оила моддий таъминотидан бош тортиш ҳолатлари;
- замонавий тараққиёт ютуқларига салбий муносабатда бўлиш, замонавий кийим кийиб юрганларга нисбатан яхши фикрда бўлмаслик ва ҳ.к.

«Эҳтиёти пешин» масаласи ҳам тариқатчилар томонидан илгари сурилаётган масалалардан бири бўлиб, бир қанча муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Юртимизнинг баъзи ҳудудларида жума намозидан кейин эҳтиёти пешин деб тўрт ракаатли намоз ўқиш одати мавжуд. Уламоларимиз фикрларига кўра бу иш бидъат ҳисобланади. Эҳтиётан пешин ўқилишининг Куръон ва суннатда далили йўқ. Уламоларнинг фикрича ибодатнинг моҳияти Расулулоҳ (алайҳис-салом)нинг суннатларига мувофиқ бўлишdir. Жума намозидан кейин эҳтиётан пешин ўқиш ҳақида эса Муҳаммад (алайҳис-салом) ҳеч нарса демаганлар.

Бугунги кунда юртимиз ҳудудида фаолият олиб бораётган тариқатчилар умумий хавфсизликка таҳдид солмаяптилар, дейиш мумкиндир. Бироқ, бу масалага доир бир неча муаммолар мавжуд. Шунингдек, тариқатчилар тарафдорларининг кўпайиши, моддий базасининг мустаҳкамланиши, тариқатлар ўртасидаги келишмовчиликларнинг чуқурлашуви жиддий ижтимоий муаммоларни

келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас. Тариқатчилар томонидан шариат талабларининг нотўғри талқин қилиниши, анъанавий ислом тамойилларига зид бўлган қоидалар ишлаб чиқилиши тариқат тарафдори бўлмаганлар ва расмий дин ходимлари ўртасида норозиликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари айрим тариқатчилар халқона табобат усуллари орқали даволаш, турли ўт дамламалар тайёрлаб сотиш, суфий табобати, суфий гимнастикаси, суфий жангсанъати каби марказларни очиб, шу орқали одамларнинг эътиборини жалб қилиш усулларидан ҳам фойдаланишмоқда. Бундай тариқатчилар ислом асосларини бузиб талқин қилиш, турли бошқа динларнинг таълимотларини ва амалиётларини тасаввуфга оид, деб тарғиб этиш, ислом динига алоқаси бўлмаган турли буддавийлик ғояларининг мусулмонлар орасида тарқалишига, уларнинг эътиқодлари бузилиши, соғлом ақидага путур этишига сабаб бўлмоқдалар. Ўзларининг ноқонуний фаолиятларини халқ табобати билан хаспӯшлашга уринмоқдалар.

Тариқатчилар орасида учраб турадиган ўз гурух аъзоларини пирига қўл бермаган бошқа оддий мусулмонлардан устун қўйиш, «пири йўқнинг – дини йўқ» қабилидаги гапларни гапириб, ўзларича ибодат деб билаётган маросимбозликлар туфайли кибрга берилиб кетишларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Тасаввуф одамларни турли табақаларга бўлиш, бирорни бошқасидан устун қўйиш, одобахлоқни қўйиб маросимбозликка берилиш,

кимнингдир хизматига зўр бериб ўз ташвишларини ҳал этишдан четлашиб кетиш, ўзига ўхшаш бир инсонни бандага хос бўлмаган сифатлар билан улуғлаб, уни муқаддаслаштириб олишга чақирмаган. Тасаввуф кишилар орасида тенглик, биродарлик, ижтимоий адолат, жамиятга манфаатли меҳнат фаолияти билан машғул бўлишни тарғиб этган. Баҳоуддин Нақшбанднинг «дил ба Ёру даст ба кор» шиори бунинг ёрқин исботидир.

Мовароуннаҳр тасаввуфи мусулмон мамлакатлари ижтимоий-маънавий ҳаётига чуқур кириб борган, фан, маданият ва адабиёт ривожига катта ижобий таъсир кўрсатганини мутахассислар ҳам қайд этганлар. Тасаввуфий қарашларнинг яхлит таълимотга айланиб, ислом ўлкаларига кенг ёйилиши ва кишилар ҳаётида муҳим воқеликка айланишида мовароуннаҳрлик Ҳаким Термизий, Абу Бакр Калободий, Абдухолик Гиждувоний, Хожа Муҳаммад Порсо, Яъқуб Чархий, Сўфи Оллоҳёр ва бошқа тасаввуф олимларининг араб, форс ва туркий тилларда битган асарлари ислом оламида ҳозирга қадар эъзозланади. Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, ўрта асрларда энг кенг тарқалган уч тил – араб, форс ва туркийда асарлар бита олиш малакаси асосан Мовароуннаҳр уламоларида шаклланган. Зоро, минтақа аҳолисининг талаб ва эҳтиёжи ҳам айнан шуни тақозо қилган эди.

Алломаларимиз меросида фарзандни жисмонан бақувват, ақлан заковатли, одоб-ахлоқли қилиб тарбиялашнинг йўллари илмий асослар, ҳаётий тажриба, муайян қарашлар тизимида чуқур

тахлил қилинган. Мана шу каби хусусиятлар билан бир қаторда фарзанд тарбиясида бағрикенглик, динийлик ва дунёвийлик масалаларида мувозанат ҳиссини шакллантириш масаласига ҳам алоҳида урғу берилган. Марказий Осиё тасаввуфи ва тариқатчилик ўртасидаги номутаносиблик айнан ўша улкан илмий мерос ва анъанавийликдан узоқлашишнинг натижасидир. Мумтоз тасаввуфга хос гўзал ахлоқ, юксак маънавий фазилатларни шакллантириш, комил инсон, нафс тарбияси, ватанпарварлик каби ғоялар халқимизнинг асрлар давомида такомилига етиб борган маънавий бойлигини ташкил этади. Ҳозирги шароитда ҳам тасаввуфнинг ана шундай хусусиятларини кўрсатиб бериш кишиларни турли асоссиз ғоялар ва маслакларга адашиб кириб қолишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

## ИЖТИМОЙ ОДОБЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР

Бугунги кунда дунё турли соҳаларда ўзгариб, шиддат билан ривожланиб бормоқда. Илм олиш, қасб-кор билан шуғулланиш, инсонларнинг ўзаро мулоқот ва фикр алмашинувига ҳам янгидан янги ўзгаришлар бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Интернет, уяли телефон, ижтимоий тармоқ орқали мулоқот ва ахборот алмашинувига хизмат қилувчи фейсбуқ, твиттер, вайбер, телеграм каби дастурлар шулар жумласидандир. Илм-фанинг ютуғи бўлмиш бу янгиликлар инсонларнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилаётгани, олис масофадан туриб илм олиш, дунё янгиликларидан бир зумда воқиф бўлиш ва маълумотларни осон тарқатиш имконини берадигани шубҳасиз.

Бироқ, кейинги йилларда мазкур тармоқларнинг ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган жихатлари ҳам кўзга ташланаётгани кўпчиликни ташвишга солиши табиий. Чунки келажагимиз пойдевори бўлган ёшларнинг соатлаб бу тармоқларда мақсадсиз ўтиришлари илм олиш, қасб-хунар эгаллаш ва бошқа хайрли ишларга сарфланиши керак бўлган гулдек умрининг бехуда ва бесамар кетишига сабаб бўлади.

Қолаверса, бугунги кунда ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган маълумотларнинг катта қисмини ёшлар маънавиятининг тубанлашувига туртки бўлувчи, миллий ва диний қадриятларимизга зид бўлган хабарлар, урф-одатлар ташкил этади. Бу эса, Интернет, ижтимоий тармоқлар ва бошқа

замонавий телекоммуникация ютуқларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш, уларнинг имкониятларидан оқилона истифода этиш, муайян одоб-ахлоқ қоидаларга амал қилиш заруратини келтириб чиқармокда.

Шу билан бирга, кўпни кўрган ота-боболаримиз ўгитларида, шунингдек, муқаддас ислом дини кўрсатмаларида ҳам инсонларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати одоб-ахлоқ тамойилларига асосланмоғи зарур экани таъкидланган. Ҳатто, илм олиш ҳам одоб-ахлоқ асосида бўлмас экан, олинган илмнинг жамиятга фойдасидан кўра зарари кўпроқ тегади. Интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда эса, миллий ва диний қадриятларимиз асосида шаклланган одоб-ахлоққа амал қилиш сув ва ҳаводек зарур эканини бугун ҳар бир соғлом фикрли инсон тушуниб етди.

Хўш, Интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда нималарга эътибор қаратмоқ зарур?

Энг аввало, Интернет ва ижтимоий тармоқларга киришдан олдин аниқ мақсадни белгилаб олиш керак. Чунки, бу тармоқларга мақсадсиз кириш олтинга teng вақтни турли сайтлар доирасида беҳуда сарфланишига сабаб бўлади. Вақтни беҳуда сарфлаш эса, фурсатни бекорчи ва манфаатсиз ишлар билан ўтказиш демакдир. Ҳар бир инсон умрини қандай ўтказгани ва нималарга сарфлагани ҳақида бир кун сўралишини унутмаслик лозим. Бу ҳақида ҳадисларда ҳам муҳим кўрсатмалар келган бўлиб, унда айтилишича «Банда қиёмат куни тўрт хислатидан сўралмагунча, бир қадам ҳам олдинга силжий олмайди; биринчиси – умрини нима билан

ўтказгани; иккинчиси – ёшлик даврида нима билан машғул бўлгани; учинчиси – мол-дунёни қай йўсинда (қайси касб орқали) топгани ва нималарга сарфлагани; тўртинчиси – ўргангандан илмига қандай амал қилгани сўралади» (Баззор ва Табароний ривояти). Яна бир ҳадисда пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳис-салом) «Беш нарсадан олдин беш нарсани ғанимат бил: кексаликдан олдин ёшликни, бетобликдан олдин саломатликни, фақирликдан олдин бойликни, бандликдан олдин бўш вақтингни, ўлимингдан олдин тирикликни ғанимат бил!», деганлар.

Инсоннинг вақтни идрок қилиш тизими виртуал оламда бузилади, ижтимоий фаоллиги камаяди. Компьютер қархисида вақт ўтганини сезмай қолишнинг боиси ҳам шунда. Виртуал воситаларнинг салбий таъсири маънавий-ахлоқий таназзул билан чегараланиб қолмай, инсоннинг иммун тизимининг сусайишига, умуртқа поғонаси ва кўз касалликларига сабаб бўлишини замонавий тиб илми ҳам тасдиқламоқда. Демак, виртуал олам, яъни Интернет ва ижтимоий тармоқларга муқкасидан берилиб кетиш, тунни кунга улаб вақт ўтказиш, нафақат вақтнинг бехуда исроф бўлишига, балки тана аъзоларининг нормал фаолиятига ҳам кескин салбий таъсир кўрсатишини ҳисобга олиш даркор.

Бугун Интернет хабар ва маълумотларни тарқатишнинг энг қулай воситасига айланиб улгурди. Лекин тарқатилаётган хабарларнинг ҳаммасини ҳам ишончли деб бўлмайди. Шунинг учун Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали олинаётган хабарларга мутлақ ҳақиқат деб

қарамаслик улардан фойдаланишнинг муҳим шартларидан бириди. Чунки бегона ва нотайин одам у ёқда турсин, ҳатто таниқли ва ишончли инсоннинг сўзларини ҳам текширмасдан, мулоҳаза қилмасдан кўр-кўронада қабул қилиш оқил кишининг иши эмас.

Бу ҳақида Куръони каримнинг «Хужурот» сурасида шундай дейилади: «Эй, мўминлар! Агар сизларга бирор фосик кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб, (кейин) қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингиз!» (6-оят). Бундан кўринадики, мазкур тармоқлардан олинаётган хабарларга текшириб кўрмай ишониш ва уларни бошқаларга тарқатиш ислом дини кўрсатмаларига ҳам хилоф саналади.

Бу борада Куръони каримнинг яна бир оятида инсонлар учун муҳим кўрсатма келган бўлиб, унда тури воситалар орқали олинаётган хабар ва маълумотларга кўр-кўrona эргашишдан қайтарилади: (Эй, инсон!) Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дилнинг ҳар бири тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур) (Исро, 36). Демак, инсон Интернет ва ижтимоий тармоқларда кўрган, эшитган ҳар бир маълумотига ишониши, унга эргашиши оқибатида Аллоҳ олдида ҳам сўралади.

Шу билан бирга, ижтимоий тармоқларда ўртага ташланадиган фикр-мулоҳазаларни билдиришдан олдин чуқур ўйлаб, «етти ўлчаб бир кесмоқ» керак бўлади. Чунки ижтимоий тармоқнинг иккинчи

томонида туриб мулоқот қилаётган шахс ҳам инсон, компьютер эмас, унинг ҳам қалби бор. Ижтимоий тармоқ орқали билдирилаётган фикримиз ўзгаларга озор етказиб қўйиши ёки иззат-нафсиға тегиши мумкинлигини эътибордан қочирмаслик зарур.

Шунингдек, тарқатилаётган хабарлар ишончли бўлишидан ташқари ўша маълумотни бошқалар билан «баҳам кўриш»дан олдин ўзгаларга тарқатишдан бирор манфаат ва фойда бор ёки йўқ эканини мулоҳаза қилмоқ керак. Бу ўринда ғазал мулкининг султони Алишер Навоий бобомизнинг «Оқил чин сўздан ўзгани демас, аммо барча чинни ҳам демак оқил иши эмас» ҳикматини унутмаслик лозим. Акс ҳолда, кимгадир яхшилик қиласман деб инсонлар орасида тури фитна ва ёмонликларнинг тарқалишига туртки бўлиш эҳтимолдан холи эмас.

Бундан ташқари, одамлар ўртасида бехуда ва лағв гапларни тарқатиш, ўзгаларни обрўсизлантириш учун ҳаракат қилиш динимизда қаттиқ қораланган амаллардан саналади. Бу ҳақида Пайғамбар (алайҳис-салом)дан ҳам кўплаб ҳадислар етиб келган. Жумладан, Расулуллоҳ (алайҳис-салом): «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга хиёнат қилмайди, ёлғон сўзламайди ва уни хўрламайди. Ҳар бир мусулмон бошқа мусулмоннинг обрўси, моли ва қонига (тажовуз қилмоғи) ҳаромдир. Тақво бу ерда (яъни, қалбда)дир. Киши мусулмон биродарини паст санамоғи унинг ёмонлигига кифоя қиласди», дедилар. (Имом Термизий ривояти).

Яна бир ҳадисда эса, Муҳаммад (алайҳис-салом): «Кишининг эшиштган ҳар гапини гапиравериши ёлғончилигига кифоя қиласди», деганлар (Имом

Муслим ривояти). Демак, инсон ижтимоий тармоқлар ёки Интернетда ўқиган ҳар қандай ҳодиса ҳақидаги хабарни ўрганмай-текширмай, ўзгалар учун фойда-зарари борлигини ҳисобга олмай гапириб юриши ёки бошқаларга тарқатиши ислом дини кўрсатмаларида қораланганд амаллар сирасига кирап экан.

Шу билан бирга, ижтимоий тармоқ орқали етиб келган хабар кимнингдир айби ёки камчилигини очишга қаратилган бўлса, у хабарни маълумот учун сақлаб қўйиш ёки ўзгаларга ҳам камчиликни ошкор қилиш ўрнига ўша маълумотни ўчириб ташлаш мақсадга мувофиқ ва бу ислом динининг ҳам кўрсатмаси саналади. Афсуски, ҳозирда бирор кимсанинг озгина айби, камчилиги зохир бўлиб қолса, уни яшириш ўрнига бошқа камчиликларини ҳам қидириш баъзилар орасида одатга айланиб боряпти.

Бундай ҳолатнинг ислом таълимотига зид эканини Аллоҳ таоло Куръони каримда шундай эслатади: «Эй, мўминлар! Кўп гумон(лар)дан четланингиз! Чунки баъзи гумон(лар) гуноҳдир. (Ўзгалар айбини қидириб) жосуслик қилмангиз ва бирингиз бирингизни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирор киши ўлган биродарининг гўштини ейишни хоҳлайдими?! Уни ёмон кўрасиз-ку, ахир! Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи ва раҳмли зотдир» (Хужурот, 12).

Ўзганинг айбини қидириш ўрнига, уни ёпиб, кенг оммага ошкор бўлишини олдини олганлик учун оят ва ҳадисларда улкан мукофотлар ваъда қилинади.

Жумладан, Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда шундай келтирилади: Расулуллоҳ (алайҳис-салом): «*Ким бир мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ таоло охиратда унинг айбини беркитади*», деганлар (Имом Ибн Можа ривояти).

Ижтимоий тармоқдан фойдаланиш одобларининг яна бир муҳим қоидаси киши виртуал тармоқларда ҳам ўзини реал ҳаётдагидек ёки унданда яхшироқ тутмоғи, сұхбатдошлари билан гўзал муомалада бўлишидир. Чунки, ҳар бир ишда муомалани чиройли қилиш, виртуал оламдаги дўстларга ҳам мулойимлик билан муносабатда бўлиш мусулмончилик одобларидан саналади. Бу ҳақида Мухаммад (алайҳис-салом)дан шундай ҳадис ривоят қилинади: «*Албатта, Аллоҳ таоло мулойимdir. Ва ҳар бир ишда мулойимликни яхши кўради*» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчи ўзига-ўзи назоратчи бўлмоғи лозим. Чунки Интернет шундай муроқот мухитики, унда ижтимоий назорат ҳам, ён-атрофдагиларнинг назорати ҳам йўқ. Бунинг устига ҳозирда Интернет тармоғидаги кўплаб саҳифаларга фойдаланувчини асл мақсадидан чалғитишга мўлжалланган спам шаклидаги турли беҳаё суратлар, реклама видеороликларининг жойлаштирилиши одатий ҳолга айланиб қолди. Бундай шароитда ўзини-ўзи назорат қила олмайдиган, иродаси суст ёшларнинг виртуал тармоқдаги беҳуда ва бешарм саҳифаларга чалғиб кетиш эҳтимоли катта.

Шунингдек, Интернет орқали нотаниш сұхбатдош билан муроқотда бўлаётган ёшлар учун тақиқланган мавзулардан гап очиш, ҳиссий, эҳтиросли сұхбатга

берилиб кетиш хавфи бор. Бу эса, беҳаёлик, бузуқчилик каби турли кўнгилсиз ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун Интернет ва бошқа ижтимоий тармоқларда инсон ҳеч ким уни назорат қиласа ҳам доимо Аллоҳ уни кузатиб турганини хис қилмоғи лозим. Бу ҳақида Куръони каримда «Албатта, Раббингиз (барча нарсани) кузатиб турувчиидир» (Фажр, 14) деб марҳамат қилинади.

Бундай вазиятда ёши улуғ, кўпни кўрган мўйсафидлар, устоз ва мураббийлар ҳамда отоналардан улкан матонат ва фарзандлар тарбияси учун жонкуярлик талаб этилади. Чунки ёшларни ҳеч қачон Интернет, ижтимоий тармоқлар ва бошқа замонавий телекоммуникация воситаларидан бутунлай чеклаб бўлмайди. Ўз навбатида бундай қилиш салбий оқибатларга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бунинг ўрнига ёшларни замонавий телекоммуникация воситаларидан тўғри фойдаланишга ўргатиш, одоб-ахлоқ ва хавфсизлик қоидаларига амал қилишга ундаш лозим. Чунки қадимдан ўзбек халқи илм-фан ва одоб-ахлоқда бутун оламга ўрнак ва намуна бўлиб келган.

Шу билан бирга, аждодларимиз одоб-ахлоқ, илм-фан билан боғлиқ ютуқларни юксак қадрлаб, уларнинг авлоддан авлодга етиб боришига ҳам алоҳида эътибор қаратганлар. Шундай экан, Интернет ва ижтимоий тармоқдан фойдаланишда аждодлар ўғитлари ва динимиз кўрсатмаларига амал қилсак, албатта, замонавий илм-фан ютуқларини тараққиёт, юрт ободлиги ва фаровонлиги учун йўналтира олган бўламиз.

## ИСЛОМ ВА «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ»

«Оммавий маданият» Farб дунёсида ўтган асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Мазкур тушунча турли ғоя, дунёқараш, мем, имиж ва бошқа ижтимоий феноменлар тўпламига нисбатан қўлланилади. Бу масалани тадқиқ этган мутахассислар фикрига кўра, «оммавий маданият» феномени вужудга келишида реклама, мода, масс-медиа муҳандислиги, дизайн, хуллас, онгга таъсир этувчи воситаларнинг аҳамияти катта<sup>52</sup>. «Оммавий маданият» кўпинча кенг аҳоли қатламига хуш келиши учун содда ва аҳамиятсиз мавзуларга эътибор қаратгани учун диндор ва маданиятшунослар томонидан юзаки, истеъмолпараст, сенсуалист<sup>53</sup> ва бузук, деб танқид қилинади<sup>54</sup>.

Бу мавзу доирасида изланишлар олиб борган россиялик тадқиқотчи А.В.Костина мазкур «ғайримаданий» йўналишнинг юзага келиш тарихи хусусида куйидагиларни айтади: «Оммавий равища бемаъно хатти-ҳаракатга узлуксиз йўналгани, унинг асосий функцияси эса кўнгилхушлик ҳисобланади»<sup>55</sup>.

Шунингдек, мазкур ижтимоий-маданий ҳодисанинг вужудга келиши тўғрисида «Омма-

<sup>52</sup> Қаранг: Махсумов С. Оккульт дастурлар, ёки ўлимга олиб бормайдиган уруш // Маърифат. – Тошкент. – 2008. – №58. – Б. 12.

<sup>53</sup> Сенсуализм – билиш назариясида сезгиларни билишнинг асосий манбай деб тан олувчи йўналиш.

<sup>54</sup> Wikipedia.org

<sup>55</sup> Костина А. В. Массовая культура: аспекты понимания // Знание. Понимание. Умение. – 2006. - № 1. - С. 28.

вий маданият» таҳдиidi» асарида қуйидаги маълумотларни учратиш мумкин: «...АҚШ социологи Д.Уайт фикрича эса, оммавий маданиятнинг дастлабки унсурлари сифатида минглаб томошабинларни ўзига жалб этган Рим гладиаторлари ўртасидаги жангларни келтириш мумкин»<sup>56</sup>. Россиялик тадқиқотчи А.В.Костина фикрига кўра, «Оммавий маданият»нинг ривожланиши қадимги шаҳар-давлатлар номи билан боғлиқ бўлиб, жумладан, Бобилда томошалар, кўзбойлогичлар, кўча қўшиқчилари ва ракқослари мисолида кўнгилхушлик қилиш тури кенг ёйилган эди. «Оммавий маданият»нинг гуллаган даври ўтган икки асрда чаласавод кичик буржуазия вакилларининг «ҳомийлиги»да амалга ошди»<sup>57</sup>.

Баъзи маълумотларга биноан, «оммавий маданият» XIX асрнинг 50-йилларида бева аёлларнинг фарзанд кўриши ҳолатини табиий бир ҳодиса деб қараган Европада бошланган. Кейинчалик бу каби ҳолат АҚШга кўчади. XX аср ўрталарига келиб бутун Европа ва АҚШ оламида «оммавий маданият» тушунчасига яна эркин мухаббат ғояси қўшилади<sup>58</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, «оммавий маданият»ни ижтимоий-маданий воқелик сифатида таҳлил қилиш натижасида унинг асосий жиҳатлари дея қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

<sup>56</sup> Одилхонова Ш. «Оммавий маданият» таҳдиidi. – Т.: «Муҳаррир», 2010. – Б. 5.

<sup>57</sup> Костина А. В. Массовая культура: аспекты понимания // Знание. Понимание. Умение. – 2006. - № 1. – С. 29.

<sup>58</sup> Ўша манба. – Б. 11-12.

- гомоген аудиторияга йўналганлиги;
- ҳис-туйғулар, иррационаллик, онгсизликка таяниши;
- эскейпизм (ижтимоий қадрият ва нормалардан қочиш);
  - тезлик билан жалб этиш;
  - тезда унугиши;
  - анъанавий қадриятларга ноодатий муносабатлар «чексиз эркинлик тимсоли» сифатида тақдим қилиниб, ҳатто, бир қатор давлат ҳукуматлари томонидан дастакланиши;
  - ўрта даражадаги тил семиотик меъёрларини ишлатилиши;
  - саёз даражадаги қизиқарлилик.

Президентимиз И.А.Каримов эса «оммавий маданият» иллатининг мамлакатга кириб келишидан огоҳ қиласр экан, унинг қуидаги кўринишларини ажратиб кўрсатади:

- ахлоқий бузуклик ва зўравонлик;
- индивидуализм;
- эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш;
- бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган ҳаракат<sup>59</sup>.

Юқоридаги сингари вазиятларни ҳисобга олган ҳолда, халқимиз, айниқса, ёш авлодни маънавий таҳдидлардан саклаш, уларда соғлом дунёқарашни

<sup>59</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б. 117.

шакллантириш ва шу асосда оламда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга тўғри муносабатни билдира олиш кўникмасини ривожлантириш учун «комил инсон ҳақидаги ахлоқий мезонлар мажмуи, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодекси»<sup>60</sup> юксак аҳамиятга эга саналади. Зотан, замирида мустаҳкам зътиқод, меҳр-муҳаббат, орномус, шарму ҳаё, ибо ва иффат каби ахлоқий туйғу ва тушунчаларни жамлаган бу «кодекс» «оммавий маданият» унсурлари – ахлоқий бузуқлик ва енгилтаклик каби «маънавий касаллик»нинг олдини олиш учун қўлланма бўлиб хизмат қилиши табиий. Зотан, Қуръони каримда ўз вақтининг «оммавий маданияти»га мубтало бўлган Нуҳ, Лут қавми, Од ва Самуд каби қабилаларнинг оқибати қандай аянчили ва даҳшатли бўлгани баён этилган. Ҳадиси шарифларда эса бу каби қавмлардан қолган вайроналарнинг зарари етмаслик учун улар ёнидан узокроқ ўтиш лозимлиги қатъий таъкидланган. Шундай экан, бундай «маданият» таъсирига тушган тоифаларнинг касофати бутун жамиятга уриб кетмаслиги учун барча биргаликда ҳаракат қилиши лозим.

**Ахлоқий бузуқлик ҳолатларининг олдини олиш.** Ахлоқий бузуқлик энг тубан фаолият бўлиб, у «эркин муҳаббат»дан аста-секин «бир жинслилар ўртасида никоҳ тузиш»гача бўлган босқичларга кўтарилади ва ёшларни маънавий жихатдан айнитиб, минглаб йиллардан буён ардоқланиб келинаётган муқаддас муҳаббат анъанаси ўрнига

<sup>60</sup> Ўша манба. – Б. 122 .

зинокорликни уларга тақдим қиласи. Масалан, «буғунги кунда АҚШнинг 30 фоиз аёллари никоҳга киргунга қадар камидаги икки марта бола олдирадилар, шунингдек, қизлар ҳам ана шу руҳда тарбия топмоқда. Аксарият сайловчилар бу каби турмуш тарзига халақит берувчи ҳар қандай сиёсатга қарши овоз берадилар»<sup>61</sup>.

Ваҳоланки, зино барча халқлар тушунчасида бегона эркак ва аёлнинг никоҳсиз жинсий алоқада бўлишидир. Бу иш жамики динлар, халқлар, тузумлар, фалсафаларда ор-номуссизлик, уят, нопоклик ва разолат ҳисобланган. Чунки инсоннинг соғ қалби ўз-ўзидан бу қабих ишни табиатан қоралайди, ёқтирамайди. Ҳозиргача инсоният зинони разолатларнинг каттаси деб ҳисоблаб келмоқда. Бу фикрга инсонийлик доирасидан чиқсан, ҳавои нафсини ақлидан устун қўядиганларгина қарши чиқишилари мумкин. Улар одатда яширин тарзда ҳаракат қиласидар, жамоатчилик нафратидан қўрқиб юрадилар.

Бу ҳакида ислом дини ўзига хос ёндашувни илгари сурган. Шунга биноан, мусулмонлар зинони улкан гуноҳ, кечирилмас айб деб биладилар. Чунончи, Куръони карим оятларидан бирида Аллоҳ томонидан мусулмонлар: «Зинога яқинлашманглар, албатта у фоҳиша иш ва ёмон йўлдир» (Исро, 32) дея огоҳлантирилади. Бу илоҳий кўрсатманинг боиси Муҳаммад пайғамбар (алайҳис-салом) ҳадисларида зино наслу насабнинг бузилиши, оилаларнинг

<sup>61</sup> Одилхонова Ш. «Оммавий маданият» таҳдиidi. – Т.: «Муҳаррир», 2010. – Б. 14.

парчаланиши, инсоний муносабатларнинг ёмонлашуви, турли касалликларнинг тарқалиши, ахлоқнинг қулаши, фақирлик ва муҳтожлик келтириши ҳамда бошқа бало-офатларга сабаб эканлиги билан тушунтирилган. Масалан, ҳадислардан бирида Пайғамбар (алайҳис-салом) айтади: «Қайси қавмда зино тарқалса, Аллоҳ таоло уларни ота-боболари билмаган касалликка мубтало қиласди». Бошқа бир ҳадисда эса «Зинокор зино қилганда мўминлиги қолмайди», дейилган.

Шу билан бирга, барча зинокорларга нисбатан жорий қилинган жазо чоралари ҳам қатъий бўлиб, жамиятда зинонинг тарқалишини чеклаган. Ислом дини зинога қарши фақат қаттиқ жазо қўллаш билангина чекланиб қолмайди, балки унинг олдини олиш учун барча чораларни кўради:

- 1) ҳалол йўл билан жинсий эҳтиёжини қондиришга барча шароитни яратиш;
- 2) бегона эркак-аёлларнинг бир-бирларига зарур ҳолатдан ташқари аралашувини ман қилиш;

3) ўзга жинсга шаҳват билан қарашни ман қилиш. Ислом дини таълимоти талқинига кўра, зино қўйидаги кўринишларда намоён бўлади: Қалбнинг зиноси – зинони орзу қилиш; кўзнинг зиноси – шаҳват билан қараш; қулоқнинг зиноси – шаҳват билан тинглаш; тилнинг зиноси – бегона эркак-аёл ўртасидаги шаҳвоний сухбат; қўлнинг зиноси – ушлаш; оёқнинг зиноси – зино тараф бориш. Аллоҳ таоло «Нур» сурасида марҳамат қиласди: «Мўминларга айт, кўзларини тийсинлар ва фаржларини сақласинлар. Ана шу улар

учун покдир...» (30-оят). Имом Аҳмад Абу Умома (розияллоху анху)дан ривоят қилган ҳадисда Набий (алайхис-салом) айтадилар: «Қайси бир мусулмон бирор аёлнинг гўзалликларига назари тушиб қолса-ю, сўнгра кўзини олиб қочса, албатта, Аллоҳ унга шундай ибодат берадики, ундан ҳаловат топади»;

4) аёлларнинг иффатли кийинишлари ва ўзларини тутишларини жорий қилиш;

5) жамиятда фоҳиша хабарлар ва унга оид ишларни тарқатувчиларга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш.

**Миллий-маънавий мероснинг асосларидан бири ҳаёни энг олий ахлоқий фазилат сифатида ардоқлаш.** Шу нуқтаи назардан, отабоболаримизнинг маънавий мероси асосини ташкил қилган ҳадиси шарифларда «ҳаё» мавзусига алоҳида тўхталиб, у «имоннинг шахобчаларидан бири» сифатида таъкидланган. Ҳаё ҳар қандай олий хулқнинг негизи бўлиб, инсонни яхшиликка ундаиди, ёмонликдан узок юришга чақиради, Расулуллоҳ (алайхис-салом) айтганларидек, «ҳаё фақат эзгулик келтиради». Шу боис, ҳадислардан бирида ҳаё аввалги пайғамбарлардан ўтиб келаётган «маънавий мерос» сифатида таърифланади: «Одамлар орасида аввалги пайғамбарлардан сақланиб қолган гап шуки: *агар уялмасанг, хоҳлаган ишингни қилавер!*» Бу ҳадисдан маълум бўладики, уятли ишларни қилишдан нафсни тийиш, атрофдагиларнинг таънамаломатига сабаб бўладиган айбли ишларни тарк этиш ҳаёning қисқача мазмунини ифодалайди.

Ҳаёning зидди бўлган беандишилик эса бандани тубан ҳолатларга туширади. Ҳаёдан бебахра кимсалар атрофдан ёғилаётган танқидларни писанд қилмай қўядилар ва бориб-бориб ножўя ишларни намойишкорона бажарадиган бўлиб қоладилар. Бундай кимсаларнинг қисмати Пайғамбаримиз (алайҳис-салом) ҳадисларидан бирида қуидагича тавсифланади: «Умматим орасида гуноҳни ошкора бажарувчилардан бошқалари саломат қолувчилардир»<sup>62</sup>. Бу борада ҳалқ оғзаки ижоди намунаси саналувчи мақоллар орасида – «Ори йўқнинг оҳори йўқ», «Ҳаё кетди – бало етди» каби ҳикматли сўзларнинг мавжудлиги беҳаёлик, андишасизликнинг касофати нафақат кишининг ўзига, балки чор атрофга уришини англаб етган аждодларимиз бу иллатга қарши жиддий муносабатда бўлганларини билдиради.

**Кийиниш маданиятига риоя қилиш.** Ислом динида инсон ҳаётидаги энг муҳим ишлардан бири бўлган кийиниш одоблари ва либосларга доир алоҳида ҳукмлар жорий қилинган. Айниқса, ҳадис, тасаввуф ва фикҳий китобларда бу мавзуга алоҳида эътибор берилган. Зотан, кийим инсоннинг ички маънавий дунёсини акс эттирувчи восита саналади.

Шу билан бирга, ислом динининг муқаддас манбаси Қуръони карим таърифиға биноан либос инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган аломатлардан бири ҳамдир. **«Эй Одам болалари! Батаҳқиқ, сизларга авратингизни тўсадиган**

---

<sup>62</sup> Муҳаммад ибн Салиҳ Усаймин. Шарҳ ал-Арбаин ан-Нававий. – Байрут: Муассасат ар-Рисалат, 2007. – Б. 231.

либос ва зийнат либосини туширдик. Такво либоси – ана ўша яхшидир. Ана ўшалар Аллоҳнинг оят (белги)ларидандир. Шоядки, эслатма олсалар» (Аъроф, 26).

Бирок, ҳар соҳада тараққиёт бўлганидек, кийиниш маданияти «ривожланиб» кетиши натижасида «оммавий маданият» феномени орқали тарғиб этилаётган «кийим эркинлиги» номли ғаразли иллатга мусулмон ёшлардан муайян тоифалар чалинаётганлиги оқибатида улар миллий ва диний қадриятларни ифода этадиган либослардан юз ўтиromoқдалар.

Ваҳоланки, ислом динида кийиниш борасида ҳам ўрта ва мўътадил йўл тарғиб қилиниб, бу жабҳада ҳаддан ошиб кетиш ёки тақво ва парҳезкорликни даъво қилиб ўта хароба ҳолатда кийиниш қораланади. Мазкур мавзу тўғрисида ўтган машойихлардан Шайх Шаъбий айтади: «Аҳмоқлар устингдан кулмайдиган ва фақиҳлар (шариат билимдонлари) айбламайдиган кийимни кий». Мұҳаммад ибн Сирин: «Шухрат олдин кийимни узун кийишда эди, сўнг уни янгилашга ўтди», деган. Алишер Навоий «Махбубул-қулуб» асарида эса бундай ёзган: «Эркакларнинг ўзини кўз-кўз қилиш учун ясаниши хотинларнинг оройиш учун безанишлари кабидир. Аммо бу каби безанмоқ ҳар иккаласи учун ҳам номуносиб, хусусан, эркаклар учун кўпроқ шармандалиқдир».

Шунга кўра, юқорида зикр қилинганидек, ислом дини таълимоти инсонларга кийиниш тарзи бўйича махсус кўрсатмаларни тақдим қиласи. Аввало,

тиббий тарафдан инсон саломатлигига заарлиги ҳамда мънавий жиҳатдан киши руҳиятида риё, мақтанчоқлик, ўз-ўзини кўз-кўз қилиш каби иллатларни келтириб чиқариши эътиборидан эркакларга тор, юпқа, ҳарир, гулли, ялтироқ, аёллар учун эса эътиборни тортадиган либослар кийиш тавсия этилмайди.

**Муомала маданиятини шакллантириш.** Ислом дини таълимотида инсонлар ўзаро ҳамиша ширинсуханлик ва самимилик асосида муомала қилишлари лозимлиги таъкидланади. Бу борада асосий вазифа ота-онанинг зиммасига юкланиб, улар ўз фарзандларини ақлли-хушли, жисмонан соғлом, эътиқоди мустаҳкам, жамият ва Ватанга фойдаси тегадиган инсонлар қилиб тарбиялаш ҳақида қайғуришлари кераклиги уқтирилади. Бунда ислом динида белгилаб қўйилган муҳим қоидалардан бири болани ёшлигидан жамият орасида ўзини чиройли тутиш, тенглик, самимилик, камтарлик каби фазилатларни қамраб олган ҳамда жамиятда инсонни ҳурматга сазовор қиласиган ижтимоий одобларга (овқатланиш, саломлашиш, рухсат сўраш, мажлисда ўтириш, сўзлашиш, ҳазил-мутойиба, касал кўриш, таъзия билдириш, акса уриш ва эснаш, меҳмондорчилик ва бошқа шу сингари) хатти-ҳаракат қоидаларига ўргатиш ҳисобланади.

Фарзандга ижтимоий одоблардан таълим беришда муомала маданиятини шакллантиришга катта эътибор қаратиш зарур. Чунки муомала маданияти инсонларнинг ўзаро тенглик асосида муносабатларини шакллантирганликларини

ифодалайди. Ўз навбатида, саломлашиш ислом динидаги муомала маданиятининг бош мезони, қолаверса, кишилар ўртасида ижтимоий алоқалар ўрнатишга хизмат қиласиган асосий омил саналади. Мисол учун, Пайғамбар (алайҳис-салом) ҳадисларидан бирида саломлашиш орқали жамият аъзолари ўртасида меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эҳтиром ва бирдамлик пайдо бўлишига ишора қилинади: «...Сизларни орангизда меҳр-муҳаббат уйғотадиган нарсани ўргатайми?... Ораларингизда саломни кенг жорий қилинглар» (Имом Муслим ривояти). Бундан ташқари, ислом дини талқинида муомала маданияти комиллиги белгиси фарзанднинг ота-она ҳурматини ўрнига қўйиши ҳисобланади. Бинобарин, Куръон оятларининг бир нечтасида Аллоҳ таоло Ўзигагина ибодат қилишни зикр қилганидан сўнг, ота-онага яхшилик қилишга буюради: **«Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди»** (Исро, 23).

Ўз навбатида, мусулмон уламолар фикрича, жамият ҳаётида ҳусни хулқ шаклланиши ва одатга айланиши учун ёш авлодни ортиқча тергаш ёки худа-бехудага бирор нарсадан ман этиш кифоя қилмайди, чунки бу иш нафснинг ўз одати ва кўниумасидан воз кечиб, узоқ муддат риёзат чекишини тақозо этади. Гўзал хулқ ва тарбияга эга бўлмаган киши ҳеч қачон муваффакиятли натижага эриша олмайди. Шу боисдан ҳам, тарбия берувчи-мураббий аввало ўз одоби билан ўрнак бўлиши лозим. Ана шундагина тарбия таъсир кучига эга бўлади ва аста-секин кутилган натижага эришилади<sup>63</sup>.

<sup>63</sup> <http://qadriyat.uz/suhbatlar/392-islomda-muomala-madaniyati>

Хулоса қилиб айтганда, «оммавий маданият» инсониятнинг душмани сифатида бир қанча хусусиятларга эга. Бу энг аввало, унинг кўпинча ўртамиёналийка айланниб кетадиган соддалиги, «кўча одами»га мўлжалланганлиги, кучли стресслардан ҳалос қилувчи кўнгилочар воситага айлангани, муҳаббат, оила, шаҳвоният, амалга интилиш, саргузашт, даҳшат, зўравонлик сингари барча учун қизиқ бўлган мавзуларни ишга солиши орқали катта даромад олишга йўналтирилганлигида намоён бўлади. Янада аниқроқ хулосага кўра, ҳозирда «оммавий маданият» – бузғунчи ғояларни, янги ноанъанавий қадриятларни ҳамда ҳаётнинг тайриахлоқий нормаларини тарғиб қилувчи муҳим ва ғоят самарали воситаларидан бирига айланди. Ваҳоланки, аслида «оммавий маданият» соясида кириб келаётган ахлоқсизлик, беҳаёлик, зўравонлик ва бузуқлик каби иллатлар дунёдаги ҳеч бир ҳалқнинг миллий маданиятига ҳам, умумбашарий қадриятларга ҳам тўғри келмайди. Шунга мувофиқ, ҳалқимизнинг гўзал маънавий қадриятларга йўғрилган ор-номус, уят ва андиша, шарм-у ҳаё каби тушунчаларини ҳаётимиз мазмунига айлантиришимиз, айниқса, ота-онага ҳурмат, аёлга эҳтиром, мардлик ва жасурлик сингари хислатлар билан қалбимизни сайқаллашимиз асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

## ИСЛОМДА САНЬЯТ ВА МАДАНИЯТГА МУНОСАБАТ

Арабистон яриморолида вужудга келган ислом дини ўзининг юксак маданий-маърифий тараққий эттириш салоҳиятини ўрта аср Мусулмон Шарқининг Мовароуннахр, Ироқ, Миср, Шом, кейинроқ Шимолий Ҳиндистон ва Кичик Осиё каби кўхна маданият ўчоқларида тўла намоён этди. Шу билан бирга мазкур ўлкаларда аввалдан маълум бўлган маданий қатламларга ҳам янгича маъно, ўзгача жило бахш этди. Ислом дини тарқалган ўлкаларда муайян яхлитликка эга ва шу билан бирга маҳаллий хусусиятларда алоҳида фарқланиб турувчи ўзига хос ислом тамаддуни юзага келди. Мусулмонлар орасида бошқа жабҳалар қатори санъат ва маданиятнинг турли соҳалари ҳам барқ уриб ривожлана бошлади. Бу тараққиёт исломдаги маданий бағрикенглик омилиниңг муҳим ўрнисиз амалга ошмас эди. Турли ўлкаларниң турли миллат ва динларга мансуб, турфа ижтимоий қатламларга тегишли вакиллари ўша даврдаги бошқа ўлкаларга қараганда мусулмонлар орасида ўзларини ҳар жиҳатдан қулай ҳис этар, илмий-маърифий, маданий соҳаларда эркин ижод қилиш имкониятлари муҳайё эди. Бунга тарихий манбаларда ҳам етарлича далиллар топилади.

*Архитектура.* Дастраси давр ислом архитектураси Арабистон яримороли иқлими талабларидан келиб чиқсан ҳолда анча содда ва энг асосий қулайликлар билан чекланган эди. Асосий қурилиш ашёси тош ва тупроқ бўлиб, нисбатан каттароқ

Хулоса қилиб айтганда, «оммавий маданият» инсониятнинг душмани сифатида бир қанча хусусиятларга эга. Бу энг аввало, унинг кўпинча ўртамиёналийка айланиб кетадиган соддалиги, «кўча одами»га мўлжалланганлиги, кучли стресслардан халос қилувчи кўнгилочар воситага айлангани, муҳаббат, оила, шаҳвоният, амалга интилиш, саргузашт, даҳшат, зўравонлик сингари барча учун қизик бўлган мавзуларни ишга солиши орқали катта даромад олишга йўналтирилганлигига намоён бўлади. Янада аниқроқ хулосага кўра, ҳозирда «оммавий маданият» – бузғунчи ғояларни, янги ноанъанавий қадриятларни ҳамда ҳаётнинг ғайриахлоқий нормаларини тарғиб қилувчи муҳим ва ғоят самарали воситаларидан бирига айланди. Ваҳоланки, аслида «оммавий маданият» соясида кириб келаётган ахлоқсизлик, беҳаёлик, зўравонлик ва бузуқлик каби иллатлар дунёдаги ҳеч бир ҳалқнинг миллий маданиятига ҳам, умумбашарий қадриятларга ҳам тўғри келмайди. Шунга мувофиқ, ҳалқимизнинг гўзал маънавий қадриятларга йўғрилган ор-номус, уят ва андиша, шарм-у ҳаё каби тушунчаларини ҳаётимиз мазмунига айлантиришимиз, айниқса, ота-онага ҳурмат, аёлга эҳтиром, мардлик ва жасурлик сингари хислатлар билан қалбимизни сайқаллашимиз асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

## ИСЛОМДА САНЬАТ ВА МАДАНИЯТТА МУНОСАБАТ

Арабистон яриморолида вужудга келган ислом дини ўзининг юксак маданий-маърифий тараққий эттириш салоҳиятини ўрта аср Мусулмон Шарқининг Мовароуннахр, Ироқ, Миср, Шом, кейинроқ Шимолий Ҳиндистон ва Кичик Осиё каби кўхна маданият ўчоқларида тўла намоён этди. Шу билан бирга мазкур ўлкаларда аввалдан маълум бўлган маданий қатламларга ҳам янгича маъно, ўзгача жило бахш этди. Ислом дини тарқалган ўлкаларда муайян яхлитликка эга ва шу билан бирга маҳаллий хусусиятларда алоҳида фарқланиб турувчи ўзига хос ислом тамаддуни юзага келди. Мусулмонлар орасида бошқа жабҳалар қатори санъат ва маданиятнинг турли соҳалари ҳам барқ уриб ривожлана бошлади. Бу тараққиёт исломдаги маданий бағрикенглик омилиниң мухим ўрнисиз амалга ошмас эди. Турли ўлкаларнинг турли миллат ва динларга мансуб, турфа ижтимоий қатламларга тегишли вакиллари ўша даврдаги бошқа ўлкаларга қараганда мусулмонлар орасида ўзларини ҳар жиҳатдан қулай ҳис этар, илмий-маърифий, маданий соҳаларда эркин ижод қилиш имкониятлари муҳайё эди. Бунга тарихий манбаларда ҳам етарлича далиллар топилади.

*Архитектура.* Дастраси давр ислом архитектураси Арабистон яримороли иқлими талабларидан келиб чиқсан ҳолда анча содда ва энг асосий қулайликлар билан чекланган эди. Асосий қурилиш ашёси тош ва тупроқ бўлиб, нисбатан каттароқ

бинолар, масжидлар ҳам ана шу қум-тошлардан қурилар эди. Янги пайдо бўлган жамиятнинг ўзига яраша иқтисодий муаммолари ҳам кўп эди. Аммо вакт ўтиши билан мусулмонларнинг молиявий ҳолати яхшиланиб, моддий-маданий жиҳатдан ҳам тез суръатда ўсишга эришилди. Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) даврида Куфа ва Басра каби янги шаҳарларга асос солинди. Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) янги шаҳарларнинг архитектурасига ўзига хос талаблар қўйди – уйлар камроқ жой эгаллаши учун икки қаватдан қурилди, масжид олдида қўшимча қулайликлар учун катта майдон қолдирилди. Ҳазрат Усмон (розияллоҳу анҳу) давридаёқ Макка ва Мадинадаги икки муқаддас масжидлар маҳсус таклиф қилинган усталар томонидан тарошланган тошлардан муҳташам қилиб қайта қурилди. Бунинг учун одатда тошга ишлов беришни яхши эгаллаган юонон усталари меҳнатидан фойдаланилар эди. Нисбатан кейинги даврга оид Дамашқдаги «Умавийлар жомеси» ҳам аслида грек-визант архитектураси намуналари қаторига киради. Чунки бу масжид дастлаб Юҳанно ал-қадийс (Яхё алайхис-салом) черковининг биноси бўлиб, кейинчалик умавийлар ва Византия ўртасидаги келишув шартларига кўра юонон усталари томонидан масжидга мослаштириб қайта қуриб берилган. Масжид юонон мозаикаси ва зарҳаллаш усулида ўсимликсимон нақшлар билан безатилган ilk исломий иншоотлардан биридир.

Эрон, Хуросон ва Мовароуннаҳрда энг кўп ишлатиладиган қурилиш ашёси тупроқ бўлгани жиҳатидан дастлабки исломий архитектура

намуналари деярли сақланиб қолмаган. Нисбатан кейинроқ, IX–X асрларда бу ўлкаларда пишиқ ғишт ишлатиш кенг ёйилиши натижасида ноёб меъморий обидалар юзага кела бошлади. Пишиқ ғиштдан ва қисман тошдан қуриб, устки қисми кошинлар билан безатилган меъморий йўналиш «эроний услуг» номини олган. Мовароуннахрда сақланиб қолган энг қадимги пишиқ ғиштдан қурилган бино Сомонийлар мақбараси ҳисобланади. Мовароуннахр ва Эрон услугбининг фарқи – Мовароуннахрда кошинлар ишлатмай ғиштнинг ўзидан безак сифатида фойдаланиш кенг тарқалган. Бунга мисол сифатида мўгуллар босқинига қадар ва бироз кейинги даврда қурилган архитектура ёдгорликларини (Сомонийлар мақбараси, Арслонхон, Жарқўрғон миноралари, Кўҳна Урганч ва б.) келтириб ўтиш мумкин. Биноларни кошин билан безатиш Амир Темур ва темурийлар давридан бошлаб урф бўла бошлаган. Темурийлар даври ва ундан кейинги даврлар архитектураси намуналарининг деярли барчасида кошинлар билан безатилган биноларни кўриш мумкин.

Шимолий Ҳиндистонда асосий қурилиш ашёси тош бўлгани сабабли ислом ёдгорликлари тошдан қурилиб, тошга ўйиб безалган масжид-мадрасалар, қаср-кўшклардан иборат. Бу ердаги энг қадимий исломий архитектура намунаси «Ой бўлиниши» масжиди бўлиб, ривоятларга кўра маҳаллий маҳарожалардан бири ойнинг бўлиниши воқеасини кузатиб, бунинг сабабини аниқлаштиргач исломни қабул қилиб, ибодатхона қурдиради. Ҳозирда бу ёдгорликни реконструкция қилиш ишлари муҳокама

қилинмоқда. Умуман Ҳиндистонда исломга қизиқиш Пайғамбар (алайҳис-салом) тириклик давларидаёқ юзага келган. Айрим тарихий манбалар гувоҳлик беришича, Чераман Перумал исмли Каннаноре рожаси Муҳаммад (алайҳис-салом) тўғрисида эшитгач, у зот билан учрашиш ниятида Мадина сари йўлга чиққан, аммо йўлда касаллик туфайли вафот топади. Вафоти олдидан ўз яқинларига Ҳиндистонга қайтиб исломни тарғиб қилишларини васият қилади. Унинг васиятига мувофиқ издошлари Малабар ва Заморин ўлкаларида масжидлар қурганлар. Булар Араб жазирасидан ташқарида қурилган энг қадимги масжидларга мисол бўлиши мумкин. Ҳозирда ҳинд мусулмон архитектурасининг муҳташам намуналари Кутб-минор ва Тож-маҳалларда яққол намоён бўлади.

Туркия архитектураси Византия меъморчилигининг илғор ютуқларини қамраб олиб, бойитиб, исломий тус берган ўзига хос намуналарга эга. Византиядаги ilk катта жоме масжиди собик черков – Аё София экани кейинги қурилган масжидларнинг ташқи кўринишида кучли таъсир кўрсатди. Туркларнинг асосий меъмори сultonлар олдида катта эътиборга эга бўлган Меъмор Синон бўлган. Туркия архитектурасига Аё Софияда ilk бор кўлланилган услугуб – ётиқ гумбазли тошдан қурилган масжидлар хос.

Мусулмон Фарби ҳисобланган Мағриб давлатлари (Шимолий Африка), Андалус, Сицилия ҳудудларида ўзига хос кўринишдаги архитектура ва бадиий безак турлари вужудга келиб, европаликлар буни умумлаштирган ҳолда «мавритан маданияти»

деб номлайдилар. Мисрда ўзига хос қалъасимон услугда қурилган масжид ва бошқа бинолар гарчи мамлуклардан олдин қурилганлари ҳам мавжуд бўлсада, мамлук меъморчилиги деб номлана бошлаган. Сабаби, Мисрнинг кўпгина исломий меъморий иншоотлари мамлуклар даврида реконструкция қилинган ва яхлит кўриниш касб эта бошлаган.

Аксар ҳолларда мусулмонлар ўзларидан аввалги халқлар ва дин вакилларининг иншоотларидан фойдаланиш, уларнинг эришган ютуқларини ўзлаштириб, ҳатто бойитиб беришгани – мусулмонларнинг умуминсоний маданият ривожидаги улкан хизматларидан биридир. Мусулмонлар ҳеч қачон мўғуллар каби эгалланган ҳудуддаги ноёб бинолар ва шаҳарларни вайронага айлантириб, талон-тарож қилишмаган.

Сўнгги йилларда ислом динининг муқаддас номини ёмонотлиқقا чиқариб, ислом асосларини топтаб, ифлос ва жирканч ҳатти-ҳаракатлари билан одамларнинг онгини булғаётган, бутун дунёда исломга нисбатан нохолис ва ҳадиксираш муносабатини шакллантираётган ИШИД терористик ташкилоти Суриядаги инсоният тамаддуенининг энг ноёб ёдгорликларидан Пальмира (Тадмур) ва Юнус (алайхис-салом) фаолият юритгани билан машҳур Найнаво шахри қолдиқларини ер билан яксон қилгани эса унинг исломга терс мавқеда эканининг навбатдаги исботи бўлди. Бундан ташқари бир қатор пайғамбарлар ва саҳобийларнинг қабрлари қавланиб, уларнинг номи билан боғлиқ ёдгорликларни қўпориб, вайрон

қилинмоқда. Умуман Ҳиндистонда исломга қизиқиш Пайғамбар (алайҳис-салом) тириклик даврларидаёқ юзага келган. Айрим тарихий манбалар гувоҳлик беришича, Чераман Перумал исмли Каннаноре рожаси Мұхаммад (алайҳис-салом) тўғрисида эшитгач, у зот билан учрашиш ниятида Мадина сари йўлга чиққан, аммо йўлда касаллик туфайли вафот топади. Вафоти олдидан ўз яқинларига Ҳиндистонга қайтиб исломни тарғиб қилишларини васият қилади. Унинг васиятига мувофиқ издошлари Малабар ва Заморин ўлкаларида масжидлар қурганлар. Булар Араб жазирасидан ташқарида қурилган энг қадимги масжидларга мисол бўлиши мумкин. Ҳозирда ҳинд мусулмон архитектурасининг муҳташам намуналари Кутб-минор ва Тож-маҳалларда яққол намоён бўлади.

Туркия архитектураси Византия меъморчилигининг илғор ютуқларини қамраб олиб, бойитиб, исломий тус берган ўзига хос намуналарга эга. Византиядаги илк катта жоме масжиди собиқ черков – Аё София экани кейинги қурилган масжидларнинг ташқи кўринишида кучли таъсир кўрсатди. Туркларнинг асосий меъмори сultonлар олдида катта эътиборга эга бўлган Меъмор Синон бўлган. Туркия архитектурасига Аё Софияда илк бор қўлланилган услугуб – ётиқ гумбазли тошдан қурилган масжидлар хос.

Мусулмон Ғарби ҳисобланган Мағриб давлатлари (Шимолий Африка), Андалус, Сицилия ҳудудларида ўзига хос кўринишдаги архитектура ва бадиий безак турлари вужудга келиб, европаликлар буни умумлаштирган ҳолда «мавритан маданияти»

деб номлайдилар. Мисрда ўзига хос қалъасимон услубда қурилган масжид ва бошқа бинолар гарчи мамлуклардан олдин қурилганлари ҳам мавжуд бўлсада, мамлук меъморчилиги деб номлана бошлаган. Сабаби, Мисрнинг кўпгина исломий меъморий иншоотлари мамлуклар даврида реконструкция қилинган ва яхлит кўриниш касб эта бошлаган.

Аксар ҳолларда мусулмонлар ўзларидан аввалги ҳалқлар ва дин вакилларининг иншоотларидан фойдаланиш, уларнинг эришган ютуқларини ўзлаштириб, ҳатто бойитиб беришгани – мусулмонларнинг умуминсоний маданият ривожидаги улкан хизматларидан биридир. Мусулмонлар ҳеч қачон мўғуллар каби эгалланган ҳудуддаги ноёб бинолар ва шаҳарларни вайронага айлантириб, талон-тарож қилишмаган.

Сўнгги йилларда ислом динининг муқаддас номини ёмонотлиқقا чиқариб, ислом асосларини топтаб, ифлос ва жирканч ҳатти-ҳаракатлари билан одамларнинг онгини булғаётган, бутун дунёда исломга нисбатан нохолис ва ҳадиксираш муносабатини шакллантираётган ИШИД террористик ташкилоти Суриядаги инсоният тамаддунининг энг ноёб ёдгорликларидан Пальмира (Тадмур) ва Юнус (алайҳис-салом) фаолият юритгани билан машхур Найнаво шахри қолдиқларини ер билан яксон қилгани эса унинг исломга терс мавқеда эканининг навбатдаги исботи бўлди. Бундан ташқари бир қатор пайғамбарлар ва саҳобийларнинг қабрлари кавланиб, уларнинг номи билан боғлиқ ёдгорликларни қўпориб, вайрон

қилинди. Хусусан, Найнаво харобалари яқинида жойлашган Мавсил шаҳридаги Юнус (алайҳис-салом) мақбараси ва масжиди ИШИД томонидан портлатиб юборилди. Шомда вафот этган бир қатор саҳобийлар қабрларидан кавлаб олиниб, жасадлари номаълум тарафларга олиб бориб ташланди, ноёб меъморий ёдгорлик бўлган мақбаралари портлатилди. Бу ғайриинсоний, манфур ва том маънода ислом динига қарши қаратилган харакатлар гўёки «ширкка қарши» ишлар, дея даъво қилинди. Аслида эса ИШИДнинг бу қилмишлари ислом дини асосларини қўпоришга ва бу муқаддас диннинг тарқалишига, ривожига хизмат қилиб ўтган, унга умрини бағишилаган зотлар хотирасини йўқقا чиқаришга, пайғамбарлар меросини топташга, оёқости қилишга қаратилгандир. Бу ишлар мусулмон одамнинг ишлари эмас. Ислом тарихида мусулмонлар ҳеч қачон бундай жоҳилона йўл тутмаганлар ва ҳозирги кун мусулмонлари ҳам бундан ўзлари учун қатъий хулоса чиқариб олишлари лозим.

*Тасвирий санъат.* Исломнинг тасвирий санъатга муносабати ҳақида гап кетганда дастлаб турфа хил фикрлар юзага келади. Гўёки, бу борада муайян тўхтамга келинмагандек, ёки бу соҳа буткул тақиқлангандек тасаввур ҳосил бўлади. Аммо бу юзаки бир қаравшдаги тасаввур бўлиб, мазкур соҳа манбалар асосида чукур таҳлил қилинса бунинг аксини кўриш мумкин.

Куръони каримнинг «Саба» сураси 13-оятида Сулаймон пайғамбар даврида жинларнинг шаҳар, қасрлар ва ибодатхона қурилишида иштирок этгани баён қилинган. Қизиги шундаки, жинлар меҳроблар

ва катта ҳажмдаги турли идишлардан ташқари ҳайкаллар ҳам ясашга буюрилган:

**Улар** (Сулаймонга) у **хоҳлаган нарсаларни** – **мехроблар** (ибодатхоналар), **тимсоллар** (ҳайкаллар, суратлар), **ҳовузлар каби** (катта) **лаганлар** ва (ўчоқларга) ўрнашувчи қозонларни ясаб берурлар. «(Эй) Довуд оиласи! (бу неъматларнинг) шукронаси учун амал (ибодат) қилингиз! Бандаларим орасида (Аллоҳга) шукр қилувчиси озdir» (Сабо, 13).

Ҳанафий мазҳабининг мўътабар тафсирларидан Имом Насафийнинг «Тафсир ан-Насафий» номи билан машҳур «Мадорик ат-танзил ва ҳақоиқ ат-таъвил» асарида ушбу оятдаги ҳайкаллар сўзига шундай изоҳ берилган:

*«Ҳайкаллар (جَنَّة) яъни шерлар ва қушларнинг тасвирларидир. Ривоят қилинишича, унинг (Сулаймон алайҳис-саломнинг) тахти остига иккита шер, устига эса иккита бургут ясаб берганлар. Ўрнидан турмоқчи бўлса, шерларнинг тирсаги ёйиларди, бургутлар қанотлари унга соя солиб турар, бу пайт тасвир мубоҳ эди».*

Шубҳасиз, Сулаймон (алайҳис-салом) тавҳидда барчага ўrnak бўладиган, Аллоҳнинг бир-у борлигига қатъий имон келтирган пайғамбарларидан бири бўлган. Оятда баён қилинган ҳайкаллар ясаш моҳиятига кўра ширк бўлганида эди, Аллоҳ ўз пайғамбарига бу ишни қилдиришга йўл қўймаган бўларди. Эътиборли жиҳати жонли нарсанинг қиёфасида бут ясаш Тавротда ҳам тақиқлангани ҳолда (Таврот-Чиқиши, 20:4), Сулаймон пайғамбарнинг

бу иши хусусида муносабат билдирилмаган. Яъни у ерда ҳам ҳайкаллардан бинони безатиш учун фойдаланилгани келтириб ўтилган, холос. Аммо бир нарсага эътибор қаратиш керак – агар ширк кейинги даврлардаги каби ҳайкаллар ёки суратларнинг ўзидан келиб чиққанида эди, оятда баён қилинганидек Довуд оиласига бунинг учун шукр келтиришлари буюрилмаган бўлур эди.

Куръондаги мазкур оят аввалги шариатлар – «шаръу ман қоблана» мисоли сифатида кўрилиши мумкин. «Шаръу ман қоблана» уч турга бўлиниб, шулардан биринчиси бизнинг шариатимиз орқали аниқ бекор (насх) қилинган ҳукмлардир. Буларга мисол, Куръонда яхудийларга тоқ туёкли ҳайвонлар гўшти, гўштнинг чарвиси кабиларни ейиш ҳаром бўлгани зикр этилиб, эндиликда бу ҳукмлар бекор бўлгани баён қилинган (*Анъом*, 146); Иккинчиси, аввалгиларнинг шариати ҳукмлари зикр қилиниб, бизнинг шариатимизда ҳам қарор топган тури бўлиб, бунга рўзанинг фарз бўлиши борасидаги оятларни келтириш мумкин (*Бақара*, 183). Учинчиси эса, аввалгиларнинг шариати зикр қилиниб, унга бирор муносабат билдирилмаган туридир. Юқорида келган «Саба» сурасининг 13-ояти айнан учинчи турга киради. Зоро, айни оятда ҳам, Куръоннинг бошқа ўринларида ҳам бу борада муайян тақиқ мавжудлиги очиқласига баён этилмаган. Бу турдаги «шаръу ман қоблана» борасида моликийлар, ҳанафийларнинг кўпчилиги, шофеййларнинг бир қисми «саҳиҳ бўлса, амалдан қолмаган бўлади», деган фикрни билдирганлар. Айрим ҳадисларда бунга тескари

фиклар борлигига келсак, аввало, ҳадислардаги ҳукмлар жумҳурнинг фикрига кўра оятлардаги ҳукмларни насх яъни бекор қила олмайди. Фаразан насх қила олади, деганлар ҳам бунинг учун ҳадис мутавотир даражасида бўлиши кераклигини шарт қилганлар. Аммо, оятларнинг зоҳирига зид келувчи мутавотир даражасидаги бирорта ҳадис борлиги маълум эмас. Ҳадисларда нима назарда тутилганини эса қўйида кўриб чиқамиз.

Ҳадиси шарифларда бутпастликнинг келиб чиқиши аслида бир қавмнинг яхши одамлари ўтиб кеттанидан сўнг, қавм уларни эслаб туриш учун турли ҳайкалларини ясаб, аста-секин эҳтиром кўрсата бошлиши натижасида ҳосил бўлгани айтилган. Яъни эътибор берилса, бу ўринда ҳам ҳайкалнинг ясалиши эмас, айни қавмнинг ҳайкалларга бўлган носоғлом муносабати қораланган. Муҳаммад (алайхис-салом) даврларида арабларнинг айрим олиҳалари сурат ва ҳайкаллар орқали тасвирланар эди. Аммо уларнинг барчаси ҳам муайян тасвир ёки шаклга эга эмас эди. Зотан, бутпастликка берилган қавмларга сифинаётган бутлари юксак даражадаги санъат асари бўлиши шарт эмас. Жоҳилият давридаги санамларнинг аксарияти сал бошқачароқ шакли ёки ранги билан ажralиб турувчи оддий тош ва ёғочлардан иборат эди. Масалан, Ибн ал-Калбийнинг «Китоб ал-асном» асарида келтирилишича Лот санами Тоиф атрофидаги тепаликлардан бирiga ўрнатилган оқ рангдаги узунчокроқ тош бўлган. Уззо эса қабилалар муқаддас, деб биладиган бир дараҳт кўринишида бўлиб, сахобий Холид ибн Валид

(розияллоҳу анҳу) уни кестириб ташлаган ва шу билан унга сифиниш барҳам топган.

Демак, жоҳилиятнинг санамлари умуман шаклсиз бир модда ёки жонсиз нарса (дарахт) бўлгани ҳолда ҳам бутпастларни уларга сифинишдан тўхтата олмаган. Ҳозирги кунда ҳам аксар бутга сифиниб юрган ёввойи қабилалардан тортиб, жануби-шарқий Осиё минтақаларида яшовчи маданиятли халқларнинг фетишлари (масалан «линга») оддий таёқча ёки жўн шаклдаги тошлардан иборат. Уларга сифинувчиларгина ушбу тош-таёқчаларга қандайдир маъно бериши мумкиндири, аммо бошқа дин вакилига тош тошлигича, таёқ эса таёқлигича қолаверади. Шундай экан, тасвирий санъатни бутпастликка элтадиган иллат деб қараш тўғрими? Үнда нега тасвирий санъат барқ уриб ривожланмаган ёввойи қабилаларда ҳам бутпастлик ҳали-ҳануз мавжуд? Бир нарсани тўғри тушуниш керакки, тасвирий санъатнинг ўзи ширкка етакловчи омил бўла олмайди.

Шу билан бирга ҳадисларда тасвирий санъат мутлақ тақиқланмагани ва бир қатор истиснолар мавжудлигига мисоллар етарли:

«*Бир одам Ибн Аббоснинг олдига келиб: «Мен мана шу суратларни чизадиган кимсаман, менга бу нарсада фатво бер», – деди.* (Ибн Аббос): «*Агар шуни қилишинг шарт бўлса, дараҳтлар ва жони йўқ нарсаларни яса», деди* (Имом Муслим ривояти).

«*Бурс: Зайд касал бўлди. Кўргани борганимизда эшигига сурати бор парда илинган экан. Пайғамбарнинг завжалари Маймунанинг ўгай*

ўғли Убайдуллоҳга: «Зайд бизга бир кун аввал суратлар тўғрисида хабар бермабмиди?» – дедим. У: «Кийимдаги чизиқдан ташқари», – деган пайтини эшифтабмидинг?», – деди» (Равоҳу-л-хамса).

Хулафои рошидун даврларига назар ташласак ҳам бу борада тор мутаассибона ёндашув йўқлигининг гувоҳи бўламиз. Мисрга ислом саҳобий Амр ибн Ос (розияллоҳу анҳу) бошлигигида кириб келган бўлса-да, мусулмонлар у ерда мавжуд бўлган турли ҳайкаллар, Сфинкс ва бошقا инсон тасвири туширилган иншоотларга мутлақо тегмагани ва уларга зарап етказилмаганидан ҳам илк исломнинг бу борадаги ёндашувини англаб олиш қийин эмас. Мисрнинг аксарият ҳайкалтарошлиқ намуналари анча кейин, француз мустамлакачилари томонидан катта талофат етказилиб, имкон топилганлари Европанинг турли музейларига ташиб кетилди. Хусусан, бутун оламга машҳур Сфинкс ҳайкалининг юз қисми 1798 йилда шахсан Наполеон Бонапартнинг буйруғига кўра тўпга тутилгани тўғрисида фикрлар мавжуд. Мусулмонлар мазкур ҳайкалларга зарар етказмаганларининг сабаби – уларга аллақачон ҳеч ким сифинмай қўйганида эди.

Баъзан «мусаввир»лар танқидга олинган, ҳатто лаънатланган ёки азобланиши айтилган ҳадислар борлиги учун айрим одамларда турли мулоҳазалар юзага келади. Аммо кўпгина ўринларда замон ва макон масаласи эсдан чиқариб қўйилади. Турли тош, ёғоч, ҳатто хурмодан ясалган нарсаларга сифиниб юрган жоҳил кимсалар яшаган замонда ва жамиятда бут ясовчи ёки расм солувчи кимса худди

бутпарастликни тарғиб қилувчи дёк, ҳатто жаҳолат етакчисидек мақомга эга бўлиб қолган эди. Бунга Куръони каримнинг "Тоҳо" сурасида баёни келган – Сомирийнинг Бану Исроилга бузоқ ҳайкалини ясаб, унга сифинишга даъват қилиши воқеасини мисол келтириш мумкин:

**«(Мусо) бу қилиғинг нима, эй Сомирий? – деди.  
(Сомирий) мен улар кўрмаган нарсани кўрдим.  
Элчи (фаришта)нинг изидан бир сиқим олдим  
ва (ҳайкал) устига сочдим. Нафсим мени шунга  
бошлади. (Тоҳо, 95-96).**

Сомирий нима ясаётганини била туриб, ясаган нарсаси билан одамларни ширкка етаклашни мақсад қилган ҳолда иш тутгани маълум. Оқибатда Бану Исроил ширкка эргашиб бузоққа сифинди. Аммо ширк Сомирий ва унга эргашганлар зиммасида. Бузоқ ҳайкали эса бир матоҳдан бошқа нарса эмас.

Шунинг учун ҳадисларда келган «мусаввир»нинг фаолияти ўша даврда ширк ва нифоққа сабаб бўлиши мумкинлиги жиҳатидан танқид остига олинган, дейиш тўғрироқ. Унинг қилаётган ишидан кўра, мазкур ишининг оқибати заарали эди. Шу каби маънога эга ҳадислардан бирига Бадруддин Айнийнинг «Умдатул-Қорий» асарида қуйидаги сўзлар илова қилинган:

**«Ат-Табарий жавоб бериб айтадики, бу ўринда Аллоҳни қўйиб, бошқага сифиниладиган нарсани тасвирловчи (яъни бут ясовчи), ўзи буни била туриб (яъни онгли равишда), шунга интилувчи кимса назарда тутилган. Бу иши билан у коғир бўлиб, оли фиръавн ташланувчи жойга ташланиши аниқ. Аммо буни мақсад қилмаган кимса эса ундей эмас».**

Бошқача қилиб айтганда, рассом ёки ҳайкалтарош нимани тасвирлаши ва қандай ниятда тасвирлашига эътибор қаратилиши лозим. Агар у ширкка олиб борувчи нарсани, атай одамларни ширкка етаклаш мақсадида ясаса, бу иш шаръян ҳаром ҳисобланади. Бунга шариат ҳаром қилган, инсонни маънан тубанлаштирадиган, фаҳшни ифода этадиган тасвирларни ҳам киритиш мумкин. Аммо ушбу ҳолатлар мавжуд бўлмаса, тасвирчи «нассинг зоҳири»га зид иш қилган бўлади, аммо асло ширк иш қилган бўлмайди, эътиқоди бузилиб диндан ҳам чиқиб кетмайди.

Шу сабабдан илк ислом даврида мусулмонларнинг жонзотлар суратини чизищдан тўғри қабул қилиш керак. Чунки эндиғина бутпарастликдан вахдоният томон юз бурган турли араб қабилалари ўзларининг эски одатларини тўлалигича тарк этмасликлари хавфи бор эди. Шунинг учун иллатни буткул йўқотиш йўлида унинг сабабларини узил-кесил тақиқлаш мақсадга мувофиқ эди. Бу ёндашув ўз даврида ўзини оқлади ҳам. Кейинчалик иллатнинг ўзи йўқолгач, мусулмон жамиятида тасвирий санъат борасида бир қатор енгилликлар вужудга келганини кўриш мумкин. Мисол учун баъзан жонзотларнинг сурати чизилишига уларнинг сояси қўшиб чизилмаслиги шарти билан рухсат берилган. Ёки ўта реалистик кўринишда чизмасдан, фақатгина иллюстрация, яъни изоҳли бадиий безак тарзида чизилган миниатюра жанрининг ҳам ривож топганини кўриш мумкин. Одатда жонли нарсалар қайта тирилиши мумкин бўлмаслиги

талаф этилган. Масалан, жонли нарсалар суратлари ётиқ, бир тарафдан чизилган. Бу суратларда кўпинча тасвирнинг айнанлаштирилишидан қочишни кузатиш мумкин. Масалан Каъбанинг сурати чизилган миниатюраларда унинг эшиги одатда бино четида эмас, деворнинг ўртасида тасвирланган. Буни рассомнинг, балки Каъбани аслиятда кўрмасдан хаёлан чизгани билан ҳам изоҳлаш мумкиндир. Одамлар суратини чизганда ҳам анатомик жиҳатларга унча эътибор қаратилмаган, суратлар икки ўлчамли қилиб чизилган, баъзан узоқдаги предмет ёки шахс яқиндагисидан каттароқ тасвирланган. Бунинг сабабини тасвирланаётган шахс ёки предметнинг аҳамияти белгилаб берган. Дарахтлар, деворлар, одамлар тик ҳолда, ҳовузлар, хонтахта ва бошқа ётиқ жисмлар ётиқ ҳолда тепадан кўриниши акс эттирилган. Биноларнинг умумий композицияда катта, кичикилигига эътибор қаратилмаган. Кейинчалик бу ҳолатлар жанр хусусияти сифатида талқин қилина бошлади.

Исломнинг дастлабки даврларида жонли нарсаларнинг суратини тасвирлаш тақиқлангани туфайли бадиий безак асосан «жамодот», яъни ўсимликлар ва табиат манзараларидан иборат эди. Бунинг ёрқин мисолини «Умавийлар жомеси» безакларида кўриш мумкин. Иккинчи безак тури «гириҳ» – геометрик симметрияга эга шакллар, панжарасимон безаклар бўлиб, кейинчалик бу икки йўналишнинг бирлашишидан симметрик ўсимликсимон нақшлар вужудга келди, янги санъат тури пайдо бўлди. Бу нақшлар ёғоч ўймакорлигида

ҳам ўз аксини топди. Бошқача қилиб айтганда ҳатто муайян даражадаги тақиқлар ҳам санъат ривожи учун маҳсулдор ўрин тутди. Сўнгги умавийлар ва аббосийлар даврида айрим жонли нарсаларнинг тасвирлари учрай бошлади. Аббосийлар таъқибидан қочиб Андалусда амирликка асос соган умавийлар қурдирган саройлардан биридаги «шерлар ҳовлиси»да фонтан доира шаклида тизилган шерларнинг ҳайкаллари кўринишида тошдан ишланган. Темурийлардан кейинги давр Мовароуннаҳр архитектурасида ҳам – Шердор мадрасаси, Нодир девонбеги мадрасаси, Хожа Ахрор мажмуаси пештоқларида шер, йўлбарс, қашқир, кийик, семурғ тасвирлари жой олган.

Баъзан тасвирий санъатда юзага келган бу каби енгилликлар расмий рухсат билан тасдиқланмагани борасида эътиrozлар учраб қолиши мумкин. Аммо бир нарсани унутмаслик керакки, агарда исломда тасвирга қатъий тақиқ бардавом бўлса, нима сабабдан ўрта асрларда ҳатто араблар орасида ҳам китобларни безашда миниатюра санъатидан фойдаланиш кенг тарқалган? Нима сабабдан миниатюраларда жонли нарсаларнинг суратлари ҳам бўлган? Нима сабабдан бунга ўз даврида эътиroz билдирилмаган? Навоий, Жомий, Лутфий асарларида муаллифларнинг чизилган суратлари сақланиб қолганини қандай изоҳлайсиз? каби бошқа кўплаб саволларга эътиroz билдирувчиларнинг ўзлари ҳам жавоб топа олмайдилар. Султон Али Машҳадий, Дўст-Мухаммад Ҳиротий каби машҳур хаттот ва миниатюрачилар ўз рисолаларида

тасвирий санъатнинг шаръий асосларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилганлар. Улар келтирган ривоятлар Имом Бухорийнинг «ат-Тарих ал-кабир» асарида ҳам мавжудлиги, асослашда ривоятларнинг ишончлилигига катта эътибор қаратилганидан далолат қиласди. Бу ҳолат фақат XV–XVI асрлардаги туркий ва форсий маданий қатламларга хос бўлмай, бундан аввал араб оламида ҳам айни тамойил мавжуд бўлган.

Тарихий манбалар мусулмонларнинг айнан илм-фан ва маданиятда гуллаб-яшнаган Шарқ уйғониш даврида тасвирий санъат ҳам барқ уриб ривожланганига гувоҳлик беради. Араб сайёҳи ибн Ҳавқал X асрнинг иккинчи ярмида Самарқандда бўлиб, кўчадаги деворларнинг бирида ҳайвонлар тасвирини кўргани, маҳаллий аҳоли сарв дараҳтидан от, туя, ҳўқиз ҳайкалларини ясашини айтиб ўтган. XIII асрга оид араб тилидаги «Фармакология» (Абдуллоҳ ибн Фазл) асарида икки кишининг кўрғошин тайёрлашда иштирок этиши миниатюраси ва бошқа кўплаб миниатюралар ўрин олган. XIII асрнинг яна бир ноёб манбаси Ҳаририйнинг араб тилидаги «Мақомот» асарида ҳам кўплаб жонли предметлар тасвирини учратиш мумкин. Бунга яна беҳисоб мисоллар келтириш мумкин.

Ҳадисларда Пайғамбар (алайҳис-салом) даврида болалар ўйинчоқлари тойчок, қуш каби тасвиirlарга эга бўлгани ҳақида ривоятлар бор. Тасвирга эга буюмларни ҳам ташлаб ёки йўқ қилиб юбормай, турмушда фойдали – тўшак, ёстиқ сифатида фойдаланилгани ҳақида ҳам ҳадислар бор:

«Оишадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинадики, Пайғамбар (алайҳис-салом) сафардан қайтдилар. Эшигимга қанотли отлари бор парда тўсиб қўйгандим. Менга буюриб эдилар, уни олиб ташладим». Бошқа ривоятда «ундан иккита ёстиқ қилдик», дейшлган (Бухорий, Муслим ва Насоий ривояти).

Ёки юқорида келган ҳадислардан бири:

*Буср: Зайд касал бўлди. Кўргани борганимизда эшигига сурати бор парда илинган экан. Пайғамбарнинг завжалари Маймунанинг ўгай ўғли Убайдуллоҳга: «Зайд бизга бир кун аввал суратлар тўғрисида хабар бермабмиди?» – дедим. У: «Кийимдаги чизиқдан ташқари», – деган пайтини эшифтмабмидинг?», – деди».*

Шуларни ҳисобга олиб, кўпгина замонавий уламолар табиат манзараларини чизишга, турли маданий ёдгорликларни безак беришга рухсат берадилар. Шунингдек, ёш болалар ўйинчоқларини ясашда жонли нарсаларни тасвиrlашга ҳам рухсат берилган. Фақат мазкур буюмлар ёки суратлар инсонга хизмат қилувчи, эстетик завқ берувчи воситалар эканини унутмаслик, уларга ортиқча эҳтиром ёки носоғлом муносабат шаклланишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш лозим, дейдилар. Зеро, ҳар нарсада меъёрни унутмаслик мусулмонларнинг асосий мезони бўлиб келган. Айrim ҳадисларнинг юзаки маъносигагина таяниб «исломда тасвирий санъат мутлақо тақиқланган», деб туриб олувчилар эса, ИШИДнинг жаҳон дурдоналарини йўқ қилиши ёки «Толибон» ҳаракатининг Бомиёндаги улкан Будда ҳайкалини-

портлатишидек том маънодаги маънавий тубанликларга тўғри баҳо бера олмайдиган, онги заҳарланган жоҳил кимсаларнинг кўпайишига сабаб бўлишлари мумкинлигини эсдан чиқармасликлари керак. Ислом тарихини атрофлича, чукур ўрганган кимса ҳеч қачон, ҳеч қайси ҳолатда ва ҳеч қайси масалада, бевосита бўладими ёки билвосита бўладими, жаҳолатга хайриҳо бўла олмайди.

*Мусиқа.* Баъзилар исломда мусиқа ижро этиш ёки тинглаш борасида нотўғри тасаввурларга берилиб, ҳатто буни тақиқланган, деган фикрларни айтишгacha борадилар. Аслида ҳам шундайми? Исломнинг муқаддас манбалари ва тарихига назар ташласак, бунинг аксини кўришимиз мумкин. "Рум" сурасининг 15-оятида: «**Имон келтирган ва яхши амаллар қилганлар эса (жаннат) гулшанида шодланурлар**», дейилган. Кўпчилик саҳобийлар ва муфассирлар оятнинг охиридаги «шодланурлар» феълини «мусиқа тинглайдилар», деб изоҳлаганлар. Имом Замахшарийнинг «Кашшоф» тафсирида ушбу оятга бир узун ҳадис илова қилинган бўлиб, унинг мазмунига кўра, Пайғамбар (алайҳис-салом) жаннатдаги мусиқанинг васфини келтирганларида бир бадавий ўрнидан туриб кетиб, «Жаннатда ҳам мусиқа бор эканми?», деб юборади. Шунда Пайғамбар (алайҳис-салом) «Бўлмаса жаннатнинг жаннатлиги қолармиди?», деган эканлар.

Мусиқанинг шаръий ҳукми ҳақида илм ахлларининг ўртасида ҳам муайян ихтилофлар мавжуд. Жумладан, мусиқани ёқловчилар орасида Имом Фаззолий, Сухравардий, Хужвирий ва бир

қанча нақшбандия пирлари ҳам бор. Мусиқа тинглашнинг шаръян жоизлигига далил сифатида қуидаги ҳадисларни келтирадилар.

**Набий (алаиҳис-салом): «Куръонни овозларингиз билан зийнатланг. Албатта, гўзал овоз Куръон гўзаллигини зиёда қиласди», – дейдилар. Ва яна: «Ҳар бир нарсанинг зийнати бордир, Куръоннинг зийнати гўзал овоздир» – дейдилар.**

Шунингдек, мусиқа тинглашнинг мубоҳлиги ҳакида «Саҳиҳи Бухорий» ҳадисларидан қуидаги-ларни келтирадилар:

**«Оиша (розияллоҳу анҳу) ривоят қиласди: «Хузуримга (отам) Абу Бакр кирдилар. Олдимда иккита ансория жория қизлар «Буос» кунига бағишиланган байтларни ашула қилиб айтётган эдилар. Лекин, иккала жория қиз ҳам ашулачи эмас эди. Шунда Абу Бакр: «Шайтоннинг сурнайлари (келиб-келиб) Расулуллоҳнинг уйларида чалинадими?» – деб койидилар... Шунда Расулуллоҳ (алаиҳис-салом): «Эй Абу Бакр, қўяверинг уларни, ҳар бир қавмнинг байрами бордир, бугун бизнинг байрамимиз!» деган эдилар.»**

**«Рабе бинт Муаввиз айтадилар: «Мен келин бўлиб туширилган кечанинг эртасига эрталаб Расулуллоҳ (алаиҳис-салом) кириб келдилар-да, мен солган тўшакка худди сиз ўтирганингиздек ўтирилар. Қизлар эса, доирича чалишиб, Бадрда вафот қилган оталарини эслашарди, уларнинг биттаси: «Орамизда Пайғамбар борлар, эртага нима бўлишини ҳам биладилар, – деб куйлади. Шунда Расулуллоҳ (алаиҳис-салом): «Бу қўшиғингни бас қил, аввалги қўшиғингни айтавер!» – дедилар.»**

Шунингдек, «Сунани Ибн Можа»да саҳиҳ санад билан келган бир ҳадисда:

Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анху) ривоят қилинадики: «*Бир куни Пайғамбар (алайҳис-салом) Мадина кўчаларидан кетаётганида жория қизларнинг: «Биз Бану Нажжор қабиласиданмиз, Муҳаммадга қўшини бўлганимиздан хурсандмиз» – деб куйлаётганини эшишиб қолдилар, ва уларга: «Аллоҳга қасамки Мен ҳам сизларни яхши кўраман» – дедилар».*

Имом Фаззолий: «Мусиқа тинглаш, дуф (ноғора) ишлатиш ҳақидаги наасслар, фино, рақс, дуф чалиш, қилич ва найзаларни ўйнатиш, шунингдек, ушбуларни томоша қилиш ҳамда тинглашнинг жоизлигига ишора қиласди», – дейдилар. «Мукошафату-л-қулуб»да яна шундай дейилади: «Пайғамбаримизнинг (алайҳис-салом) сафдошларидан Абдуллоҳ ибн Жаъфар, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Муғира ибн Шуъба, Муовия ва бошқалар қўшиқ тинглаганлар. Қадимда яшаб ўтганлардан, саҳобийлар ва тобеийлардан бир қанчалари ҳам мусиқа тинглашни айб кўрмаганлар. Солим ибн Абу Ҳасандан «кўшиқ тинглашни ҳаром дея оласизми?» деб сўрашганда, у шундай деганди:

– Мендан яхшироқ кишилар уни жоиз ҳисоблашар ва тинглашар эди. Шундай бўлгач, мен нима дея оламан?»

Пайғамбар (алайҳис-салом) «бошқасини айтавер» деб турганларидан кейин, ким мусиқа тинглашни жоиз эмас, дея олади? Ҳадисга эътибор қаратсақ, Пайғамбар (алайҳис-салом) қўшиқнинг мазмунигагина эътиroz билдирганлар. Демак,

қўшиқларнинг мазмуни, сифати танқид остига олиниши, ҳатто тақиқланиши ҳам мумкин. Бугунги кунда бўлар-бўлмас нарсаларни бетайин мусиқаларга солиб «куйлаётган» айрим ўзини қўшиқчи деб билган, аслида «оммавий маданият»нинг яловбардорлари бўлган кимсалар бундан ўзларига холоса чиқариб олишлари керак. Аммо жаҳон маданияти дурдоналарига айланган юксак савия ва дидга эга мусиқий асарлар, ҳар бир сўзи чуқур ва теран маъноларга эга миллий мақомлар бундан мустасно, албатта.

Ислом дини маданият ва санъат равнақига ҳеч қачон тўсқинлик қилмагани, ҳатто муайян чекловлар ўрнатилганида ҳам янги-янги ғоялар ва услублар, санъатнинг ўзгача йўналишлари ривожига йўл очиб бергани кўриниб турибди. Бу эса ўз навбатида, ҳозирги замон мусулмон кишиларининг замонавий турмуш тарзидა кенг тарқалган маданият намуналари ва санъат асарларига кенгроқ дунёқараш билан ёндашиш, ўзига ёқсан нарсадан эстетик завқ олиш, ёқмаган нарсага бағрикенг муносабатда бўлиш, гўзалликни ҳар ким ўзича тушуниши, унинг турли қирраларини англаш, маданий савиянинг шаклланишида ҳар бир унсурнинг ўз ўрни борлигини англаб етишини талаб этади. Мусулмон жамияти дид ва нафосатни, санъат ва маданиятни шакллантирувчи, муҳофаза этувчи, ривожлантирувчи, бошқаларга тарғиб этувчи ва бу борада ўrnак бўлувчи салоҳиятга эга жамият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолиши қерак.

## ИСЛОМ ВА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТГА ОИД БАЪЗИ МАСАЛАЛАР

Маълумки, сўнгги йилларда инсоният тиббиёт соҳасида катта ютуқларга эришди. Яқин-яқинларгача давоси йўқ деб ҳисобланган хасталикларни даволашнинг замонавий йўллари кашф этилди. Тиббиётдаги ривожланиш ҳануз давом этмоқда.

Даволашнинг янги услублари юзага келиши муносабати билан, мусулмонлар орасида уларнинг жоиз-ножоизлиги борасида саволлар пайдо бўла бошлади. Шу муносабат билан, замонавий олимлар, фикҳ академиялари мазкур масалаларни атрофлича ўрганиб чиқиб, аниқ фатволар чиқарганлар.

Ислом динининг бош манбаи бўлмиш Куръони каримда соғлиқни саклаш борасида қатор оятлар келган. Жумладан, Аллоҳ таоло инсонларни ўзларини ўлдиришдан қайтаради:

وَلَا تُلْقُوا بِأَيْدِيهِمْ إِلَى التَّهْلُكَةِ

«...ўз қўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокатта ташламангиз!...» (Бақара, 195).

Даволанмаслик, тиббий муолажалардан воз кечиш эса била туриб ўзи ёки фарзандини ҳалокатга олиб боришга тенгdir.

Маълумки, тана саломатлиги инсоннинг озуқасига ҳам боғлиқдир. Куръон инсонларга пок, яхши нарсаларни тановул қилишни ўргатади:

وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ وَحَمَلْنَاهُمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنَاهُمْ مِنْ

الطَّيِّبَاتِ وَفَضْلُنَا هُمْ عَلَىٰ كَثِيرٍ مِّمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيلًا ﴿٤﴾

«Батахқиқ, Биз Бани Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик ва уларни қуруқлигу дengизда (олов-ла) кўтардик ҳамда уларни пок нарсалар ила ризқлантирдик ва уни Ўзимиз яратган кўп нарсалардан мутлақо афзал қилиб қўйдик» (Исро, 70).

Шунингдек, саломатликнинг гаровларидан бири бу покликдир. Ислом поклик дини бўлиб, бу борада Куръоннинг бир неча ўринларида сўз боради:

﴿ يَا أَيُّهَا الْمُدْرِرُ ﴾ \* قُمْ فَانْذِرْ \* وَرَيْكَ فَكَبِرْ \* وَشَيَابَكَ فَطَهَرْ \* وَالرُّجْزَ فَاهْجُرْ ﴾

«Эй бурканиб ётган! Тур ва огоҳлантири! Ва Раббинги улугла! Ва кийимингни покла! Ва азоб (сабабчиси)дан четлан!» (Муддассир; 1-5).

﴿ لَمَسْجِدٌ أَسْسَنَ عَلَى التَّقْوَى مِنْ أَوَّلِ يَوْمٍ أَحَقُّ أَنْ تَقُومَ فِيهِ رِجَالٌ يُحِبُّونَ أَنْ يَتَطَهَّرُوا وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُطَهَّرِينَ ﴾

«Албатта, биринчи қундан тақво асосида қурилган масжидда турмоклигинг ҳақдир. Унда покланишни севадиган кишилар бор. Аллоҳ эса покланувчиларни севадир» (Тавба, 108).

Мухаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)дан саломатлик ва даволаниш ҳақида бир қатор ҳадислар нақл қилинган. Жумладан, Расулуллоҳ (алайҳис-салом) «Икки неъмат борки, кўпчилик инсонлар унинг қадрига етмайдилар. У – хотиржамлик ва сиҳат-саломатликдир», дедилар.

Пайғамбар (алайҳис-салом)дан Усома ибн Шарик (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: «Набий (алайҳис-салом)нинг олдиларига бордим. Саҳобийлар худди бошларига қуш қўниб тургандек (қимирламай, диққат билан) ўтиришар эди. Салом бериб, ўтирдим. Турли жойлардан аъробийлар келишиди ва: «Эй, Расулуллоҳ, даволанайликми?», дедилар. Улар: «Даволанинглар! Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир касалнинг давосини ҳам. Фақат қарислик бундан мустаснодир», дедилар.

Шунингдек, у Зот нафақат соғлиқнинг қадрига етиш, балки, соғлиқни сақлаш йўллари борасида ҳам ўта фойдали маслаҳатларни бериб кетганлар. Натижада, мана бир неча юз йилликлардан бери, у қўрсатмалар «тибб ан-набавий» номи остида амал қилинмоқда ва замонавий тиббиётни ҳайрон қолдирмоқда.

Ҳадисларда саломатликнинг асоси тозалик экани эътироф этилиб, «Поклик имоннинг ярмидир», дейилади. Айни дамда, Расулуллоҳ умматларига соғлиқларини асраш учун бир қатор бошқа тавсияларни ҳам берганлар. Жумладан, кўп касалликлар нотўғри таомланиш натижасида келиб чиқишини ҳисобга олган ҳолда Пайғамбаримиз (алайҳис-салом):

«Сизнинг орангизда менга энг севиклигинги оз овқатланиб, вазни енгил юрадиганингиздир».

«Хамр (арок)дан сақланинглар, чунки у барча ёмонликларнинг калитидир».

«Ҳар қандай маст қиласиган нарсани истеъмол қилишдан қочинг», деб марҳамат қилганлар.

Айни дамда, баъзи ҳадисларда муайян касалликларни муолажа қилиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилган:

«Қонингиз қайнаб ва айнаб кетиб, сизни ўлдирмаслиги учун ойнинг ўн беши, ўн олтиси, ўн тўққизи ёки йигирма биринчи кунида қон олдиришингиз лозим».

«Об-ҳаво ўта исиб кетса, қон олдиринглар, чунки бирортангизда қон қайнashi юз бермасин. Акс ҳолда, у ўлимга олиб келади».

«Хина билан бўянинг, чунки у ёшлигингишни, ҳуснингизни ва бел қувватингизни зиёда қиласди».

«Агар беморнинг штаҳаси бирор нарсанни тусаб қолса, ўша нарсанни топиб, едириб қўйинг».

Шунингдек, Пайғамбар (алайхис-салом) касалликларнинг тарқалиши олдини олиш борасида ҳам мухим кўрсатмаларни берганлар:

«Бир жойда вабо касали бор деб эшишсангиз, ўша жойга кирманглар. Агар сизлар яшаётган жойга вабо келса, ўша ердан қочиб чиқиб кетманг».

«Ҳар бир киши овқатланса, гўшт-ёғ доғини кетказиши учун қўлини ювсин».

Демак, ислом дини кишиларнинг соғлиғига қаттиқ эътибор беради. Чунки соғлиқ бўлмаса инсонга ибодат ҳам, риёзат ҳам, тириқчилик ҳам татимайди. Маълумки, ислом шариати асосан беш мақсадга дин, жон, ақл, насл, мол-мулк муҳофазасига йўналтирилган. Булар ичидага мавзумизга тааллукли бўлгани жон, ақл ва насл муҳофазасидир. Даволаниш

эса мазкур уч нарсанинг саломат бўлиши учун таъминлашга қаратилгандир.

Бугунги кунда мусулмонлар орасида асосан қуидаги масалалар бўйича саволлар юзага келмоқда:

1. Эмлаш (вакцинация)га муносабат.
2. Тана аъзоларини кўчириш.
3. Пластик жарроҳлик.

### ***Исломда эмлаш (вакцинация)га муносабат.***

Мусулмонлар орасида эмлаш, бошқа ном билан айтганда вакцинация борасида бир қанча ихтилофлар юзага чиқмоқда. Бир гурӯҳ болаларни турли касалликларга қарши эмлашни ёқлаб чиқса, бошқа тоифа эса, турли сабабларни кўрсатган ҳолда, бунга умуман қарши чиқмоқда.

Ўрни келганда вакцинациянинг мазмуни ва тарихи ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Вакцинация бу, тирик организмга муайян касаллик микробларини заифлаштирган ҳолда киритиш орқали, унда мазкур дардга қарши иммунитетни шакллантиришдир. Эмлашнинг ilk, содда кўринишлари қадимги Хитой ва Ҳиндистонда ишлатилгани маълум. Европада эса эмлаш бўйича ilk тажриба 1796 йил Англияда Женнер исмли аптекачи томонидан амалга оширилган. Эмлашнинг бу тури «инокуляция» деб аталган.

XIX асрнинг охирги чорагига келиб француз микробиологи Луи Пастер том маънодаги вакцинацияга асос солди. У маҳсус шароитларда турли касалликларнинг вирусларини заифлаштирган ҳолда ilk эмлаш препаратларини иш-

лаб чиқди. Дастребаки эмлаш ишлари асосан қорамолларда амалга оширилгани сабабли, Пастер ўз препараторларига лотин тилидан «сигир» деб таржима қилинадиган «вакцина» номини берди. Пастер 1881 йилда сибирь язваси, 1885 йилда эса кутуришга қарши вакциналарни ишлаб чиқди.

Кейинчалик эмлаш дунёning бошқа мамлакатларига тарқалди. Бугун дунёning аксар мамлакатларида, хусусан, Ўзбекистонда болалар халқаро стандартлардан келиб чиқсан ҳолда, махсус тақвим асосида, бир кунлигидан бошлаб 16 ёшигача 11 босқичда, 8 хилдаги касалликка қарши вакцина билан эмланади. Булар сил, дифтерия, кўййутал, қоқшол, қизамик, шол, тепки, гепатит Б касалликларидир.

Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра эмлаш натижасида ҳар йили дунё бўйича 3 миллион боланинг ҳёти сақлаб қолинади. Яна 5-10 йилдан сўнг, энг замонавий препаратлар қўлланилиши билан бу рақам 8 миллионга кўтарилиши кутилмокда.

Тарихдан маълумки, вакциналар пайдо бўлмасидан аввал гўдаклар ўлими кўп бўлган. Улар бугунги кунда даволаниши оддий бўлган касалликлардан ҳам нобуд бўлганлар. Халқимиз орасида Пўлат, Турди, Умид, Умида деган исмларнинг кенг ёйилишига ҳам айнан чақалоқларнинг кўп вафот этиши сабаб бўлган.

Юқоридагилардан хulosса қилинса, эмлатиш болаларни турли касалликлардан асраб-авайлашда ўта муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, ундан

кўзланган мақсад ислом динининг юқорида зикр этилган асосий тамойилларига тўла мос келади.

Минг афсуски, бугун баъзи мутаассиб оқимлар, жоҳил кимсалар турли асоссиз маълумотларга таянган ҳолда эмлашдан воз кечмоқдалар ва бошқаларни ҳам тарғиб қилмоқдалар. Бундай эмлашни рад этувчиларни уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ, эмлашни Қуръон ва ҳадисда буюрilmаган, Пайғамбар (алайхис-салом) даврларида бўлмаганлигини даъво қилиб, уни «бидъат» деб эълон қилувчилар.

Иккинчи гуруҳ, вакциналар таркибида исломда истеъмоли ҳаром бўлган махсулотлар бор бўлгани сабабли уларни қабул қилиш мумкин эмас деб даъво қилувчилар. Учинчи гуруҳ эса, вакциналар инсон соғлиғига фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради, каби гумонларни тарқатувчилардир.

Қайд этиш жоизки, эмлашни бидъат деб ҳисоблаш жоҳилликдан бошқа нарса эмас. Мазкур фикр тарафдорлари Жобир (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинган қўйидаги ҳадисдан фойдаланишга ҳаракат қиласидилар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, энг содиқ Калом Аллоҳнинг Китобидир, энг яхши ҳидоят Мұҳаммаднинг ҳидоятидир. Ишларнинг энг ёмони янги пайдо бўлганларидир. Ҳар бир янги чиққан иш, бидъатдир. Ҳар бир бидъат залолатдир. Барча залолат дўзахдадир», дедилар».

Шу ўринда «бидъат» сўзининг маъносига қисқача тўхталиб ўтишга ҳаракат қиласиз. «Бидъат» сўзи луғатда бир нарсани янгидан пайдо қилиш

маъносини, истилоҳда эса шаръий асосга эга бўлмаган амални жорий қилишни англатади. Оиша (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (алайҳис-салом): «Ким бизнинг бу динимизда бўлмаган нарсани киритса рад этилади», дегарлар.

Ибн Ҳажар Асқалоний мазкур ҳадисни шарҳлаб, шундай дейдилар: «*Бу – динни соҳталашириб, бузишдан асровчи ҳадислар жумласидан бўлиб, муҳим қоидани ўз ичига олган. Яъни, динга зид, унинг далиллари ва қоидаларига хилоф бўлган ҳар қандай бидъатни рад қилиш лозим эканлигини ифодалайди.* Аммо динга зид бўлмаган, шунинг билан бирга, унинг асосларига таянган ҳолда кейинчалик динни ҳимоялаш учун жорий қилинган амаллар рад этилмайди».

Уламолар бидъатни икки қисмга бўлганлар: «бидъати ҳасана» (яхши бидъат) ва «бидъати саййиа» (ёмон бидъат).

Бидъати ҳасана деб, шаръий амалнинг очилишига, шу аслга таяниб, уни шакллантириш учун жорий қилинган қўшимча ишга айтилади. Диний илмлар ўргатиш учун алоҳида мадрасалар қуриш, китоблар чоп этиш, масжидларга гилам солиш, мавлид ўқиш ҳамда касалликлардан даволаниш сингари дин асосларига зид бўлмаган ишлар бидъати ҳасана бўлади. Уларга амал қилиш жоиз ва у залолатга бошламайди.

Бидъати саййиа эса, шаръий аслга эга бўлмаган бирор нарсани жорий этиш ёки шаръий аслни хилоф равища талқин қилишдир. Бу асосан эътиқод масалаларига тааллукли бўлиб, шариат кўрсатган

эътиқоддан четга чиқиш, ақидавий масалаларда ғулувга кетишни англатади.

Инсониятга фойда келтирадиган фан техника ютуқларидан фойдаланиш ҳеч қачон мусулмонлар томонидан қораланмаган. Аксинча, ислом алломалари уларни ихтиро қилиш билан шуғулланганлар. Ибн Сино, Фахр ар-Розий, Ибн ал-Нафиз каби дунёга машҳур алломалар ҳам айнан ислом олами вакиллари ҳисобланиши фикримизнинг далили ҳисобланади.

Энди вакциналар таркибида турли истеъмоли тақиқланган моддалар мавжудлиги масаласига келсак, бу борада ҳам уламолар бир қатор фатволарни эълон қилганлар. Аввало, вакциналарнинг ҳаммасида ҳам чўчقا ёки ит каби ҳайвонларнинг суюклари ёки тўқималари бўлмайди. Иккинчидан, бўлган тақдирда ҳам улар аслиятини йўқотгани сабабли фикҳда жоиз ҳисобланади. Буни уламолар, худди туз конига эшакнинг ўлиги тушиб кетишига қиёслайдилар. Маълумки, эшак гўшти ҳаром, у ўлик бўлса яна бунга ўлимтик ҳукми ҳам қўшилади. Бироқ, туз ўз хусусиятидан келиб чиқиб ўлимтик танасини емириб ташлаб, унинг суюклари ҳам қолмаслиги ва тузга айланиб кетиш эътиборидан, уламолар мазкур кондаги туздан фойдаланишга руҳсат берганлар.

Вакцинанинг бола организмига салбий таъсири борасида ўнуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кимёвий йўл билан ишлаб чиқилган барча дориларда у ёки бу даражада акс таъсир кузатилади. Бу эмланаётган бола организмининг ўзига хос

хусусиятлари, аллергияга таъсирчанлиги каби ҳолатлардан келиб чиқади. Зеро, замонавий тиббиётда ҳам бундай вазиятларда эмлаш вақтинчалик ёки бутунлай тўхтатилади. Кўр-кўrona вакцинация амалга оширилмайди. Ислом шариатида эса фойдаси кўпроқ жиҳати олинади. Бу шариатда «ахзу ахоффи ад-дорорайн» (икки заарли нарсадан енгилроғини танлаш), «дафъул мадорра» (заарни даф этиш), «саддуз-зароиъ» (заар нарсага олиб борувчи сабабнинг олдини олиш) каби категорияларда акс этади.

Бугунги кунда кўзга кўринган ислом уламолари ҳам эмлаш борасида тўхталиб, ҳатто, бу ишни диний амал – фарз даражасига кўтарганлар. Эмлатилмагани оқибатида касалликка йўлиққан фарзандларнинг ота-оналари гуноҳкор бўлишларини таъкидлайдилар. Шунингдек, уламолар вакцинацияга қарши чиқсан баъзи сохта уламоларни жаҳолат ва таассубда айблайдилар.

Дунёдаги 500 дан ортиқ йирик мусулмон уламоларини ўзида жамлаган «Мусулмон уламолари халқаро ассоциацияси» ҳам 2011 йил апрель ойида бўлиб ўтган йиғилишида эмлаш борасида маҳсус фатвони чиқариб, бу амалиётнинг шаръян жоиз, яхши иш эканини таъкидлаган.

**Тана аъзоларини кўчириш.** Тиббиёт эришган ютуқлар орасида бир тана аъзоларини бошқасига кўчириш – трансплантация алохида ўрин тутади. Бугун мазкур амалиёт қўлланилиши натижасида юз минглаб одамларнинг ҳаёти сақланиб қолмоқда. Мазкур турдаги ilk жарроҳлик 1933

йили Украинанинг Херсон шаҳрида Ю.Вороной томонидан амалга оширилган.

Трансплантацияда тана аъзолари донорлардан олинади. Донор ўлик ёки тирик инсон бўлиши мумкин. Замонавий тиббиётда асосан буйрак, жигар, юрак, суяқ, орқа мия, тери, ўпка ва кўз мугуз пардасини кўчириш кенг тарқаган. Мазкур амалиётларнинг шаръий жиҳатдан жоиз ёки ножоиз экани борасида уламолар ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб изланишлар олиб борганлар. 1967 йили Саудия Арабистонида кўз мугуз пардасини, 1982 йилда эса бошқа органларни кўчириш ҳақида фатво эълон қилинди. 1979 йили Кувайт, 1986 йили Сингапур, 1988 йили Ислом Фикҳи академияси, 1989 йили Ҳиндистон Фикҳи академиялари томонидан тананинг турли аъзоларини кўчириш борасида фатволар чиқарилди.

Умуман олганда, аксар ислом олимлари бир қанча шартларга амал қилиниши ҳолатида ўликларнинг аъзоларини бошқа инсонга кўчириш мумкинligини айтганлар. Мазкур шартлар қаторида даволашнинг бундан бошқа йўли бўлмаслиги, донорнинг ўзи (ўлимидан олдин), қариндошлари (вафот этган бўлса) ёки масъул давлат ходими (ўлиknинг қариндошлари аниқланмаса) рухсати, жарроҳликни малакали табиблар ўtkазиши, бу ишни тижоратга айлантириб юбормаслик, маййитта тирикларга қилинган муомалани қилиш саналган. Мархумларнинг тана аъзоларини кўчиришга қарши бўлған оз сонли олимлар ўликларга озор бериш, яъни уларга нисбатан қўпол муомалада бўлиш

мутлақо ман қилиниши ҳақидаги қўйидаги ҳадисни келтирадилар:

*«Ўлик кишининг суягини синдириш тириклигига суягини синдириш кабидир».*

Бироқ, аксар фақиҳлар оддий ҳолатда мазкур ҳадисга амал қилиниши рост эканини, истисно ҳолатларида, инсон ҳаёти ҳал бўлаётган вазиятларда эса зарарни даф этиш қоидасига амал қилинишини таъкидлаганлар.

Тирик инсонларнинг органларини кўчириш масаласида уламолар аввало беморни сақлаб қолиш учун донорнинг ҳаётий аҳамиятга молик аъзоларини кўчириб ўтказишни мутлақо тақиқлаганлар. Буйрак, тери, жигар, орқа мия каби ҳаётий аҳамиятга эга бўлмаган аъзоларни кўчиришга эса, бир неча шартлар асосида рухсат берилган. Жумладан, даволашнинг бундан бошқа йўли бўлмаслиги, донорнинг розилиги (мажбурланмаслик), жарроҳликни малакали табиблар ўтказиши, донор ҳаётига хавф туғилмаслиги, бу ишни тижоратга айлантириб юбормаслик асосий шартлардан ҳисобланади.

Айни дамда, уламолар мусулмонларга ғайридин донорларнинг аъзоларини ўтказиш, мусулмонларнинг номусулмонларга тана аъзоларини беришлари, сунъий тана аъзоларини ўрнатиш ҳамда ҳайвонларнинг аъзоларини инсонга трансплантация қилишга ҳам рухсат беришган. Барча ҳолатда юқорида санаб ўтилган шартларга амал қилиш зарурый ҳисобланади.

**Пластик жарроҳлик.** Мазкур атама юонон тилидаги «plastikos» сўзидан олинган бўлиб, «шакл

бериш» деган маънени билдиради. Мутахассислар пластик жарроҳлик тарихини милоддан 3000 йил олдин Мисрда пайдо бўлганини таҳмин қиласидилар. Милоддан аввалги 800-йилларда Ҳиндистон табиблари бурунни тиклаш технологиясидан хабардор бўлганлар. Замонавий пластик жарроҳлик эса милодий XIX асрдан бошланади. Бугунги кунда мазкур амалиётнинг 20 дан ортиқ турлари мавжуд.

Мусулмон уламолари пластик жарроҳликни амалиётларининг мақсадига кўра икки турга бўладилар. Булар:

1. Зарурат сабабидан амалга ошириладиган пластик жарроҳлик.

2. Гўзаллашиб мақсадида амалга ошириладиган пластик жарроҳлик.

Биринчи турдаги амалиётлар яна икки – туғма ёки орттирилган нуқсонларни бартараф этиш мақсадидаги жарроҳликка бўлинади. Масалани чуқур ўрганиб чиқсан ҳолда, мусулмон уламолари зарурат юзасидан амалга ошириладиган ҳар қандай пластик жарроҳликнинг жоизлиги ҳақида ижмо қиласидилар. Бунга қуйидаги сабабларни келтирадилар:

Биринчидан, мазкур амалиётлар натижасида ҳам жисмоний ҳам маънавий зарар (нуқсон) бартараф этилади. Бу вазиятда эса «Ҳожат оммавий ёки хусусий бўлмасин заруратга айланади», деган фикҳий қоидага амал қилинади.

Иккинчидан, агар кишининг саломатлиги учун бошқа турдаги амалиётлар жоиз бўлса, нима сабабдан бу турдаги жарроҳлик жоиз бўлмасин. Ахир иккаласи ҳам зарарни даф этиш мақсадини кўзлаган-ку.

Учинчидан, мазкур турдаги амалиётлар Аллоҳ яратган нарсани ўзгартириш эмас, аксинча нуқсонга учраган аъзони ўз холига қайтариш ҳисобланади.

Шунингдек, уламолар пластик жарроҳликнинг бир тури Расулуллоҳ (алайхис-салом) даврларида ҳам бўлганини таъкидлаб, И мом Термизий, Насоий, Аҳмадлар ривоят қилган қуйидаги ҳадисни келтирадилар:

*«Абдурроҳман ибн Торфадан ривоят қилинади. Унинг бобоси Арфажа ибн Асъад жоҳилият даврида бўлиб ўтган Кулоб воқеаси куни бурнидан яраланади. Шунда кумушдан бурун қилиб оловди, сасиб кетди. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга тилладан бурун қилиб олишни амр қилдилар».*

Гўзаллашиш мақсадида амалга ошириладиган пластик жарроҳлик борасида уламолар орасида ихтилоф мавжуд. Қарши тараф бу иш Куръони карим оятлари ҳамда ҳадисларда зикр этилган «Аллоҳ яратган нарсани ўзгартириш» категориясига тушишини айтиб, мутлақо тақиқлаганлар. Ўз фикрларини асослаш учун улар қуйидаги оят ва ҳадисларни келтирадилар:

وَلَا يُضْلِنُهُمْ وَلَا مُنْيِنُهُمْ وَلَا مَرْنَهُمْ فَلَيُبَتَّكُنَ آذَانُ الْأَنْعَامِ وَلَا مَرْنَهُمْ فَلَيُعَيِّرُنَ خَلْقَ اللَّهِ وَمَنْ يَتَّخِذِ الشَّيْطَانَ وَلِيَّاً مَنْ دُونِ اللَّهِ فَقَدْ خَسِرَ خُسْرَانًا مُّبِينًا

«Уларни адаштираман, хом хаёлларига соламан, уларга амр қилсам, чорваларнинг қулоқларини кесарлар ва уларга амр қилсам, Аллоҳнинг яратганини ўзгартираслар», деди. Кимки Аллоҳни қўйиб шайтонни дўст тутса,

**батаҳқиқ, очик-ойдин зиёнга учрайдир»** (Нисо, 119).

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади:

*«Расулуллоҳ (алайҳис-салом)нинг қош терувчи ва тердирувчиларни, чирой учун тишларни орасини очтирувчи ва очувчиларни ҳамда Аллоҳ яратган нарсани ўзгартирувчиларни лаънатлаганларини эшийтдим».*

Иккинчи гурӯҳ уламолар юқоридаги оят ва ҳадисларни тан олган ниятни тўғри қилган ҳолда бундай амалиётни амалга ошириш жоиз деган хуносага келганлар. Чунончи, мазкур қараш тарафдорларига кўра ислом дини кишиларга ўзларига оро беришни тақиқламайди. Расулуллоҳ (алайҳис-салом) бир қатор ҳадисларда «...Аллоҳ гўзалдир, гўзаликни яхши кўради», деб айтганлар. Хусусан, аёлларнинг ўз эрлари учун пластик жарроҳлик амалиётини амалга оширишлари ва шу орқали оиласарини мустаҳкамлашлари яхши иш сифатида баҳоланади.

Барча олимлар қўйидаги мақсадларда пластик жарроҳлик мутлақо ҳаром эканини таъкидлайдилар:

1. Ҳаром иш, фоҳишалик ва фужурни амалга ошириш мақсадида.

2. Бирорларни алдаш мақсадида (масалан, келин/куёвга чиройли кўриниб, тегиб/уйланиб олиш учун).

Умуман олганда, тиббиётда янги масалалар юзага келар экан, ислом олимлари ҳам тез орада унга ўз муносабатларини билдириб келмоқдалар. Бунда ижмось ва қиёс методлари асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

## ИСЛОМ ИҚТИСОДИГА ОИД АТАМА ВА ТУШУНЧАЛАР ИЗОХИ

Ислом иқтисодиёти бозор иқтисодиёти, унинг қонуниятлари ва унда кечаётган жараёнларни инкор қилмайди, балки иқтисодни шариат аҳкомлари асосида тартибга солиб, унинг маънавий-рухий жиҳатларига алоҳида ургу беради. Чунки жамиятнинг барча қатнашчилари иқтисодий муносабатларга киришишда тўғри ва ҳалол бўлиши ислом иқтисодиётининг бош масаласи саналади.

Ислом иқтисодиёти молиявий муносабатларни шариат аҳкомлари ва ҳалол-харом тарозисига қўйган холда баҳолайди. Ислом иқтисодиётидаги молия тизими ва молиявий муносабатларнинг асосий жиҳати шундан иборатки, бунда ҳар қандай молиявий муносабат исломий кўрсатмалар доирасида бўлиши талаб этилади. Бунда бозор иқтисодиётида бўладиган молиявий муносабатлардан фарқланадиган айрим молиявий муносабатлар мавжудки, булар ислом иқтисодиёти қонуниятларига мос келмаганлиги боис, уларга муқобил вариантлар ҳам ишлаб чиқилган. Куйида исломда молиявий муносабатларнинг асосий бўғинини ташкил қилувчи қарз, савдо, инвестиция ва шерикчилик каби фаолиятларнинг исломий мазмуни ҳамда уларнинг моддий ва маънавий томонларини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Арбун (араб. – мақсад, хоҳиш, истак) – бунда харидор савдонинг бошланишида савдо юришиб кетиши учун савдонинг бир қисмини олдиндан

беради, яъни бир нарсани сотиб олишга келишган ҳаридор сотувчига унинг баҳосидан бир қисмини беради. Агар савдо юришиб кетса мазкур берилган маблағ савдонинг бир қисмига айланади. Агар ҳаридор айниб қолса, мазкур маблағ ундан сотувчига ҳадя бўлади. Бу савдони ҳанафий мазҳаби уламолари «фосид савдо» дейдилар. Ҳозирги уламолар Ислом Фиқҳи Академиясининг ҳижрий 1414 санада Брунейда бўлиб ўтган йиғилишида бу савдони жоиз деган қарорни чиқаргандар.

**Абдон ширкати** – ислом иқтисодиётидаги шерикчилик турларидан бири бўлиб, асосан, ишчиларнинг даромад топиш мақсадида ўзаро шериклашиб ишлаши тушунилади. Бунда бир хилдаги ёки турли касб эгалари бўлган икки киши, масалан, иккита дурадгор ёки битта дурадгор ва битта темирчи муайян ишни бажариш учун биргаллашиб ишни қабул қилишади. Ишни бажариш жараёнида улар фойда ва зарарни teng бўлишлари ёки келишувга қараб, бири кўпроқ, иккинчиси камроқ даромадни олиши мумкин. Асосийси, даромадни неча фоизини олса, зарар бўлиб қоладиган ҳолатда ҳам заарнинг ҳам айнан шу фоизига шерик бўлади.

**Айб** (араб. – камчилик, нуқсон, иллат) – савдо молидаги нуқсон, камчилик маъносида ишлатилади. Бу айб туфайли молнинг қиймати пасаяди, ҳаридор савдо молини харид қилишдан кўзлаган мақсадига тўлиқ этиша олмайди. Шунингдек, савдо молидаги айб ҳаридорга савдо молини қайтариш ҳукуқини ҳам беради. Айб икки хил кўринишда намоён бўлиши

мумкин: 1) сотувчи томонидан атайлаб қилиниши мумкин, масалан, сутга сувни аралаштириш каби. 2) табиий айб, масалан, сотиладиган ҳайвоннинг асовлиги, кар бўлиши, юк кўтаришга қодир бўлмаслиги каби. Савдо пайтида бу каби айбларни очиқ-ойдин айтиб сотиш лозим. Чунки молнинг айбини яшириб сотишдан қайтариш маъносидаги кўплаб ҳадислар бор.

**Байъул-ийна** (араб. – айни нарсанинг савдоси) – ислом иқтисодиётида фосид савдолар таркибиغا киради. Бу савдода бир киши харидорга ўз молини аста-секин тўлаш шарти билан маълум бир нархга сотади. Кейин худди шу молни харидордан яна ўзи арzonроққа дарҳол пулини бериб сотиб олади. Бунда айни бир нарсанни бир киши ҳам сотмоқда, ҳам яна қайтиб сотиб олмоқда. Бу савдодан асосан бир кишига пул жуда зарур бўлганда фойдаланишади. Эътибор берилса, бу савдо эмас, балки бир кишига маълум қийматда қарзга пул бериб, кейин ортиғи билан қайтариб олишдир.

**Байъул музояда** (араб. – кимошли савдоси, бошқа номи «байъу ман йазийд») – ислом иқтисодиётидаги савдо қилиш шаклларидан бири. Ушбу савдони биз ҳозирги кунда ким ошди савдоси кўринишида яхши биламиз. Асосийси, бунда савдога қўйиладиган нарса ҳаром нарса бўлмаслиги лозим. Ушбу савдонинг мумкинлигига ҳадиси шарифда далиллар мавжуд. Бу савдода барча иштирокчи-харидорлар сотилаётган нарсанни олишга хошиш билдирадилар. Бу савдо тури бирорванинг савдоси устига савдо қилиш хисобланмайди. Чунки бунда ҳали савдо битими

амалга ошмаган пайтда бошқа киши кўпроқ нарх билан савдо молини сотиб олишга ҳаракат қиласди. Бу савдо кўпроқ кўчар ва кўчмас мулкнинг барча турларида амалга оширилади. Асосийси, кимошиби савдосини олиб борувчи даллол омонатли, содик, алдамайдиган ва сотилаётган нарсадаги айни яширмайдиган киши бўлиши керак. У ўз хизмати учун, албатта, ҳақ олиши мумкин.

**Байъул-му’ажжал** (араб. – муддатли, тўлови кечикирилган савдо) – сотиб олинган товар учун нархни кечикириб тўлашга асосланган савдо шакли ҳисобланади. Бу савдо тури ислом банклари томонидан кенг қўлланилади. Бунда банк ишлаб чиқарувчидан бирор маҳсулотни сотиб олади ва уни харидорга келишилган нархга ва муддатга сотади. Банк томонидан қўйилган нархнинг ичida банк олиши керак бўлган фойда ҳам бўлади. Харидор нархни келишилган муддатда тўлиқ ёки бўлиб-бўлиб тўлаши мумкин. Бу савдо тури муробаҳа савдосига ўхшайди.

**Байъул-хиёр** (араб. – ихтиёрли савдо) – савдо жараёнида сотувчи ёки харидорга ёки иккаласига бир йўла савдодаги маълум ҳолатларда муайян хатти-ҳаракатни амалга ошириш учун ихтиёр бериладиган савдо кўринишидир. Бунда савдо муносабатига киришувчи томонлардан бири муайян шартлар вужудга келганда савдони охиригача амалга ошириш ёки ундан чиқиш ихтиёрига эга бўлади. Ушбу савдонинг 3 хил кўриниши энг кўп тарқалган. Буларнинг биринчисида савдо муносабатига киришган томонларнинг бири ёки

иккаласи ҳам муайян муддат (ҳанафий мазҳабида 3 кундан ошмайди) ичида савдони амалга ошириш ёки тарқ этиш бўйича ихтиёрли бўладилар. Масалан, харидор «ушбу товарни бир кун ёки икки кун ёки уч кунлик ихтиёр билан сотиб олдим», дейди. Ёки сотувчи ҳам «бу молни сенга бир кун ёки ундан кўп муддатдаги ихтиёр менда бўлиш шарти билан сотдим», дейди. Белгиланган муддат ичида сотувчи ёки харидор савдони охирига етказиш ёки уни бузиш борасида ихтиёрга эга бўладилар. Иккинчи кўринишида савдога қўйилган маҳсулот ёки унинг учун тўланадиган нарх(пул)даги айб туфайли сотувчи пулни ва харидор маҳсулотни қайтариш ёки ўзида олиб қолиш ихтиёрига эга бўладилар. Учинчи кўринишида харидор савдодан олдин маҳсулотни кўрмаган бўлади. Савдо молини кўргандা уни олиш ёки рад қилиш бўйича ихтиёрга эга бўлади.

**Вазия** (араб. – арzon қилиб бериш, нархни тушуриб бериш) – маҳсулотни нархининг таннархидан паст нархга сотишдир. Бу фаолиятдан ҳозирги кунда кўпгина корхоналар бозорда ўз ўрнига эга бўлиб, рақобатбардош корхоналарни синдириш ёки бозорда харидорлигини йўқотган товарларни сотиш мақсадида фойдаланилади. Бу замонавий иқтисодиётда демпинг деб аталади.

**Байъ** (араб. – айирбошлаш) – савдо-сотик. Сотувчи ва оловчи келишган ҳолда товарни товар билан ёки пулга айирбошлашидир. Савдо ўтган замонга далолат қилувчи лафз ёрдамида таклиф ва қабул билан ёки айирбошланадиган товарни бир-бирига бериш билан боғланади. Савдодан

мақсад қийматга эга бўлган ва фойдали молни ўзаро томонлар бир-бирига мулк қилиб беришdir. Замонавий иқтисодиётда савдо-сотик жараёнлари маълум бир шартлар билан чегараланмаган, сотувчи ва харидор ўзаро розилиги асосий шарт ҳисобланади. Ислом иқтисодиётида савдонинг бир қанча шартлари мавжуд:

1. Келишувчилар акли расо, муомалага лаёқатли, яъни ҳақ ва ноҳақни ажратувчи бўлиши.

2. Савдо муомаласига киришувчилар 2 та ёки ундан кўп бўлиши.

3. Олди-бердига далолат қилувчи сўзларнинг бир-бирига эшиттирилиши, яъни икки томоннинг ҳар бири бир-бирига «сотдим» ва «олдим» лафзини эшиттириб айтиши.

4. Таклиф ва қабулнинг мувофиқ келиши, яъни сотувчи таклиф қилган нарсани оловчи қабул қилиши ёки оловчи таклиф қилган нарсани сотувчи қабул қилиши шарт. Масалан, сотувчи сотдим, деса, оловчи олдим, дейиши ёки оловчи олдим, деса, сотувчи сотдим, дейиши шарт. Агар таклиф ва қабул қарама-қарши бўлса, (савдо) боғланмайди. Масалан, сотувчи сотдим, деса-ю, оловчи олмадим, деса ёки оловчи олдим деса-ю, сотувчи сотмадим, деса савдо бўлмайди.

5. Битим жойининг бирлиги, яъни сотиш ва сотиб олиш бир жойда бўлиши керак, акс ҳолда (савдо) бўлмайди.

6. Сотиладиган товардан одатда фойдаланиш мумкин бўлиши керак. Ўлимтик ва бир дона əрпа,

буғдой каби арзимас моллар (товар) савдоси яхши эмас, чунки булар мол ҳисобланмайди.

7. Сотиладиган товар шариатда рухсат берилган нарса бўлиши керак. Масалан, чўчқа савдоси мумкин эмас, чунки шариатда ундан фойдаланишга рухсат йўқ.

8. Сотиладиган товар маълум кишининг эгалигида бўлиши керак. Бирор бир кишининг ёки ўзининг эгалигида бўлмаган товарнинг савдоси мумкин эмас. Масалан, ердан бирор нарса топиб, унинг эгасини суриштиrmай сотиб юбориш асло мумкин эмас.

9. Савдо пайтида сотиладиган товар мавжуд бўлиши шарт. Ўзи йўқ нарсанни сотиш яхши эмас. Масалан, ҳайвон қорнидаги боласини сотиш мумкин эмас. Чунки, ҳайвон боласи туғилиши ёки ўлиб қолиши мумкин. Мабодо ўлмай қолса, бу нарса икки томоннинг жанжаллашувига олиб келиши мумкин.

10. Савдо пайтида сотувчи сотаётган нарсасини харидор қўлига топширишга имконияти бўлиши шарт. Масалан, сувда сузуб юрган баликни, ҳавода учеб юрган қушни сотдим деб бўлмайди.

11. Сотилаётган товар эвазига тўлов сифатида бериладиган пул ёки товар қийматга эга бўлган мол бўлиши шарт. Масалан, ароқ, чўчқа ёки амалда тўхтаган пул бирлиги каби қийматга эга бўлмаган нарсанни тўлов сифатида бериб, савдони амалга ошириш дуруст ҳисобланмайди.

**Жазаф** (араб. – таваккал қилмоқ, ўйламасдан харакат қилмоқ) – 1) улгуржи савдо. Ҳозирги пайтда кундалик ҳаётимизда кўп учрайдиган савдо

муомалаларидан биридир. Ушбу савдо турининг кенг тарқалганига асосий сабаб, бу савдо муомаласида товарларни арzonроқ нархга олиш имкониятининг мавжудлигиdir. Ултуржи савдо деб товарни кўриб, уни ўлчамай, тортмай, санамай тахмин билан сотишга айтилади. Жазафнинг (ултур савдо) куйидаги шартлари мавжуд: битим тузиш пайтида ёки ундан олдин товарни кўриш мумкин бўлиши; савдо ҳар бир кўтарасига сотиладиган товарда бўлиши. Абу Ҳанифа (розияллоҳу анҳу) жазаф ўлчанадиган ва тортиладиган нарсалардан дуруст бўлади, дейди. Имом Абу Юсуф ва Имом Мухаммад (р.а) бундан ташқари метрлаб ўлчанадиган (кийимкечак, ер) микдори бир-бирига яқин саналадиган (чорва) товарларда ҳам бўлаверади дейдилар. Фатво шунга бўлган, чунки бу одамларга енгилликлар туғдиради.

**Жуъала** – (араб. – тўлов, мукофот, мукофот тариқасида бериладиган нарса) – бирор бир талаб қилинган иш (хизмат) учун иш бажарувчига қилган иши учун бериладиган мукофот. Бунда хизмат эгаси (жаъил) унга керакли хизматни бажарган кишига мукофот беришини маълум қиласи. Мисол учун, кишининг бирор нарсаси йўқолиб қолса, уни топган кишига мукофот беришини маълум қиласи. Ислом банкларида эса жуъала банкнинг маълум бир хизматни бажариши борасидаги харажатлари ва комиссиянлари сифатида талқин қилинади. Баъзи ислом банклари хизмат харажатларини қўшган ҳолда қарз беради. Ислом фикҳи академияси Кенгаши 1986 йил 11-16 октябрь кунлари

Иордания пойтахти Аммон шаҳрида ўтказилган 3-йиғилишида Ислом банклари томонидан тақдим этиладиган қарзлар билан боғлиқ хизматлар учун харажатларни қўшишга рухсат бериш бўйича қарор қабул қилган. Мазкур харажатлар бўйича тўловлар ҳақиқий харажатлар доирасида бўлиши керак ва хизмат билан боғлиқ харажатлардан ортиқча тўловлар судхўрлик хусусиятига эга бўлганлиги сабабли ман этилади.

**Закот** (араб. – ўсмоқ) – покланиш. Бу беш ислом арконларидан биридир. У диний аҳамият касб этибгина қолмай, балки муҳим ижтимоий аҳамиятга ҳам эгадир. Бу бадавлат мусулмонлар мол-мулки, бойликларининг фақиру мискинларга берилиши керак бўлган қисмидир (хақдир). Закот берилиши шарт бўлган мажбурий садақадир. У садақа бўлиб қолмасдан, балки ибодат ҳамдир. Ибодатни тарк этишга балофатга етган мусулмоннинг ҳақи бўлмаганидек, закот бермасликка молу дунёси маълум микдорга етган мусулмоннинг ҳам ҳақи йўқдир. Закот беришнинг шартлари: балофат ёшига етган ва ақлу ҳуши жойида бўлиши, мусулмон бўлиши, ҳур ва озод киши бўлиши, нисоб микдорига етган жамғарма мол-дунёга эга бўлиши лозим. Куйидаги моллардан закот бериш лозим: тилла, кумуш, қофоз пуллар; савдо моллари; чорва моллари; ердан олинган ижара пули; мевали дарахтларнинг ҳосили; ер ости бойликлари ва хазиналари.

**Ижара** (араб. – рағбатлантирумок, хақ тўламок) – ижарага бериш, ижара ҳақи. Маълум бир кўчмас мулк ёки буюмни келишилган ҳақ эвазига, яъни

пул ёки ўзининг жинсдоши бўлмаган нарсага муайян муддатга фойдаланиш учун беришdir. Ижара ҳам савдо-сотик каби муомалада кўп учрайдиган иқтисодий фаолият турларидан биридир. Савдо-сотикдан ижаранинг фарқи шундаки, ижара вақтинчалик, савдо доимийdir, чунки унда товар бир томондан иккинчи томонга берилиши билан бирга мулкка эгалик ҳам тўлиқ бошқа одамга ўтади. Ижара ўзаро фойдали савдо турларидан бири ҳисобланади. Ислом иқтисодиётида ижаранинг шартлари:

- 1) Ижара битими ақли заиф, ёш бола каби бу муносабатта киришиш шартини бажара олмайдиган кишилар томонидан тузилмайди.
- 2) Ижарага берувчи активни ижарага олувчига бериш имкониятига эга бўлиши керак.
- 3) Аллоҳ таоло томонидан фақат ўзи бажариши шарт бўлган фарз ва вожиб каби амалларни бажартириш учун ҳеч кимни ижарага ёллаб бўлмайди.
- 4) Томонлар розилиги.

5) Муддат аниқ кўрсатилиши лозим. Бозор иқтисодиётида ижара бирор бир активга эга бўлган шахс маълум бир ҳақ эвазига иккинчи томонга активни муайян муддат ва маълум қиймат учун фойдаланишга беради. Ижарада барча эгалик хукуки мажбуриятлари актив эгаси зиммасида бўлади, бироқ ундан фойдаланиш мажбуриятлари ижарага олувчига юкланади. Масалан, А шахс бирор уйни В шахсга ижарага берди. Бунда уйга эгалик хукуки билан боғлиқ солиқларни уй эгаси – А шахс тўлайди,

сув, электр ва уйдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни В шахс – ижарага олувчи тўлайди. Ижарага берувчи ижарага олувчидан ҳар қандай эътиборсизлик ва эҳтиёткорсизлик туфайли юзага келадиган заарлар учун компенсация ундириши мумкин. Ижарага берилаётган товарнинг риски ижара муддати давомида ижаракининг ўзида қолади, шу маънода ҳар қандай йўқотиш, зарар ижарага берувчининг хисобида бўлади.

**Мудораба** (араб. – шартнома тури) – бу бир томоннинг капитал ва иккинчи томоннинг эса ўз қобилияти, маҳорат ва меҳнатини ишлатиб ҳалол фойда топиш ва уни олдиндан келишилган нисбатларда тақсимлаш мақсадида тузилган ўзаро ҳамкорлик (ақди) шартномасидир. Оддийгина қилиб айтганда сармоядор ва тадбиркор ўртасидаги келишувдир. Бу фаолиятда иштирок этувчилар қуидагича номланади:

Капитал эгаси–Раббул мол;

Бошқарувчи (иш юритувчи)–Мудориб;

Капитал – Раъсул мол. Ҳозирги кунда тадбиркорлик қобилиятига эга жуда кўп инсонлар топилади. Улар ўз тадбиркорликларини бошлиши ва кенгайтиришлари учун пул маблағи етишмайди. Аммо иқтидор ва қобилият етарли бўлади. Бу ҳолатда улар маблағга эга бой кишилар билан келишиб, ўзаро келишувда шерикчилик фаолиятини бошлашади. Мудораба молиявий муносабатларда рибодан чекланишга қаратилгандир. Молиялаштириш усули мудорабага шаръий далил сифатида "Бақара" сурасининг 198-ояти ва "Музаммил"

сурасининг 20-ояти келтирилади. Мудораба молиялашнинг қадимий кўринишларидан бўлиб, ислом тарқалмасидан илгари араб тижоратчилари ўртасида кенг тарқалган иқтисодий фаолият тури ҳисобланган. Мудораба маккалик арабларга жуда қулай ҳисобланган, чунки ушбу шаҳар карvon йўлларининг чорраҳасида жойлашган эди. Маккалик тадбиркорлар ёз фаслида турли маҳсулотлар сотиш учун Сурияга, қишида эса Яманга сафар қилишарди. Улар ўз уйларидаги товарларни сотиб, қайтаётганларида эса мамлакатларида танқис бўлган маҳсулотларни харид қилишар эди. Карvon савдолари ташкил этилганда маккалик тадбиркорлар ушбу карvonларга қўшилиб сафар қилганлар ёки тижорат ишларини юритувчи бир ёлланма ишчини юборганлар. Улар ўз товарларини сотиб, ўз ватанларига қайтганларида «савдо баланси» тузилиб, фойда-зарар ҳисоб-китоб қилинар эди. Ислом тарихидан ҳам маълумки, Пайғамбаримиз (алайҳис-салом) пайғамбарликдан олдин Хадича (розияяллоҳу анху) онамизнинг капитали билан мудориб сифатида Сурияга бориб, тижорат билан шуғулланганлар ва кейинчалик бу борада оят ҳам нозил бўлган. Мудораба иккига бўлинади.

**Мутлақ мудораба** (араб. – эркин шартнома) – хеч қандай замон, макон ёки сотиш турлари билан чекланмасдан амалга ошириладиган мудораба.

**Муқайяд мудораба** (араб. – жой шартномаси) – маълум бир макон, замон, товар тури, аҳоли тури ёки сотиш тури билан чекланган мудораба. Бунга мисол қилиб ислом тарихидаги арабларнинг ёзда Сурияга,

кишда Яманга савдо қилишларини кўрсатишимииз мумкин. Чунки мудораба шартномалари маълум бир муддатта тузилади.

Мушорака ёки ширка (араб. – шерикчилик) – шерикчилик. Икки ёки ундан кўп шахсларнинг бир лойиха остида сармоя ва меҳнатининг жамланиши, фойдани бўлиш мақсадидаги битим ҳисобланади. Бунда фойда шартномада келишилган улушда тақсимланади, зиён эса икки томоннинг капиталга қўшган улушига пропорционал (мутаносиб) тарзда бўлинади. Ислом тарқалишининг илк даврларида араблар молиялашнинг энг содда усулларидан фойдаланганлар. Муҳаммад (алайҳис-салом) ҳижрат қилганидан сўнг муҳожирлар (бирга сафар уюштирганлар) ва ансорлар (ёрдамчилар) ўзаро биродар деб эълон қилинган. Шунга мувофиқ, улар бир-бирлари билан мушоракада иштирок эта бошлаганлар. Мушорака муносабати шаръян жоиз саналади ва унга Куръони каримдан «**Албатта, Аллоҳ сизларга омонатларни ўз аҳлига Эриштиришни ва агар одамлар орасида ҳукм қилсангиз, адолат ила ҳукм қилишни амр қиласиди. Аллоҳ сизларга қандай яхши ваъда қилур, албатта, Аллоҳ эшитгувчи ва кўргувчи зотдир**», (Нисо, 58-оят) ояти далил сифатида келтирилади. Мушорака бир неча турларга бўлинади:

Биринчи турида икки ва ундан ортиқ киши бирор бир мулкка шериклашиб эга бўладилар. Масалан, биргалашив автомобил олиб ижарага бериб қўйишилади. Бунда эгалик фоизи турлича бўлиши мумкин. Асосий талаблардан бири,

эгаларидан бири иккинчисининг рухсатисиз мулкни ишлата олмайди.

Иккинчи турида эса шериклар бир хил микдорда капитал ҳиссага эга бўладилар, масъулият жиҳатидан ҳам тенг хуқуқли саналади. Натижада эса фойда ва зарар тенг тақсимланади. Шериклар бошқа бир шериги номидан бизнес бошқарувини юритиши мумкин.

Учинчи турида шериклар сармоя ҳисобидан бир хил улушга эга бўлишларига қарамай бизнес бошқарувида масъулият даражаси турлича бўлади. Шу сабабдан, фойда турлича тақсимланиши мумкин. Агар битим зарар билан ниҳоясига етса, қолган маблағ шерикчиликдаги улушга қараб бўлинади. Мушораканинг бу тури ҳар қандай савдода шерик бўлиш бўлиб, бирининг қўшган моли иккинчисиникидан ортиқроқ бўлиши мумкин. Шу билан бирга иккаласининг қўшган моли баробар бўлиб, фойдаси бирига кўп, бирига кам ҳам бўлиши мумкин. Аммо кўп мол қўшгани асосий меҳнатни ҳам қилган бўлса, ушбу шерик фойданинг кам қисмини олмоғи яхши эмас.

Тўртинчи турида эса икки ва ундан ортиқ киши бирор бир ишни бажаришда шерик бўлишади. Шериклар ишлаган хақларини тенг оладилар. Ишни тенг қилса ҳам, ўзаро келишган бўлишса, биттаси иш хаққини кўпроқ олиши мумкин. Ҳатто ишни биттаси бажарса ҳам иш хаққи қандай келишилган бўлса, шундайлигича қолади. Шу сабабли бири иккинчисидан ишни талаб қилиши мумкин, агар ишламаса, мушорака ботил бўлади. Агар шериклар бирга ишлашга келишиб олишганидан сўнг

шерикларнинг фақат биттаси ишни қабул қилиб олса, ишни бажариш иккаласига ҳам лозим бўлади.

**Музораъа** (араб. – экмоқ, ўтқазмоқ, парвариш қилмоқ) – экмоқ, ўтқазмоқ, парвариш қилмоқ. Ҳозирги кун нуқтаи назаридан ҳам ҳар бир мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги, унда етиштирилаётган маҳсулотлар ва уларнинг экспортбоплиги каби масалалар муҳим саналади. Айрим мамлакатлар иқтисодиётининг асосий салоҳияти қишлоқ хўжалигига таянади. Қишлоқ хўжалигидаги шериклик тури музораъа муносабатидир. Музораъа шерикчилиги асрлар мобайнида инсонлар ўртасида амалиётда қўлланилиб келинмоқда. Асосан ислом дунёсининг Нил дарёси атрофидаги мамлакатларда, хусусан, Судан давлатида кўп татбиқ этилган. Жамиятдаги баъзи инсонлар ерга эга бўлишлари, лекин унда меҳнат қилиб самарали фойдалана олмасликлари мумкин. Шунинг учун ислом дини бу каби ҳолатнинг ечимини топиш мақсадида музораъага рухсат берган. У сабаб инсонлар бир-бирларига нисбатан ёрдамлашган ва ўртада меҳр-муҳаббатнинг юзага келишига сабаб бўлган. Музораъада бир томон ер берса, иккинчи томон меҳнат қилиб ушбу ерда уруғ экиб, ҳосил олади. Музораъанинг шаръийлигига бир қанча далиллар келтирилган, улардан баъзиларини кўриб ўтамиз. Пайғамбаримиз (алайҳис-салом) Хайбар ерини фатҳ қилганларидан сўнг, у ерда яшовчи яхудийлар етиштирилган маҳсулотнинг бир қисмини бериш эвазига ерни ишлатиб туришларини Пайғамбаримиз (алайҳис-салом)дан илтимос

қиладилар. Пайғамбаримиз бунга рози бўлиб ўзаро музораъа шартномасини тузадилар.

Пайғамбаримиз Мадинага ҳижрат қилганларида у ерлик ансорлар билан ҳам музораъа шерикчилигини амалга оширганлар. Музораъани амалга ошириш шартлари:

- ернинг экиш ва фойдаланиш учун яроқли бўлиши;
- томонларнинг шартнома тузишга лаёқатли бўлишлари;
- шерикчилик муддати белгиланиши;
- уругнинг кимдан бўлиши аниқлиги;
- ер эгаси;
- ерда меҳнат қилишда қатнашмаслиги;
- ҳосилни етиштириб тақсимлангунча шерик бўлиш.

**Муқояда** (араб. – бартер) – товарнинг бошқа бир товарга айир бошланишидир. Бозор иқтисодиётида бу савдо тури бартер деб номланади. Савдонинг бу туридан қадимги даврда кенг фойдаланилган бўлиб, пул сифатида қофоз ва танга пуллар муомалага киритилмаган даврдан аввал товарга эҳтиёжманд бўлган шахс ўз товарини бошқа товарга айирбошлаш орқали савдо қилган. Шунингдек, баъзи бир қийматга эга бўлган товарлар ҳам пул вазифасини бажарган. Ушбу товарлар бошқа товарларга кенг доирада алмаштирилган. Ҳозирда қофоз пуллар мавжуд бўлгани учун савдонинг бу туридан кенг доирада деярли фойдаланилмайди.

**Иқола** (араб. – қайтариш) – шариатда икки томон розилиги билан савдо битимини бекор қилиш,

узиш маъноларини билдиради. Иқолада харидор берган пулини сотувчига қайтариб беради. Савдо жараёнида берилган пул миқдорини айнан қайтариб бериш зарур. Ҳозирги кунда маълум бир сабабларга кўра, сотувчи ёки харидор тузилган савдони бузиши мумкин. Икки томон рози бўлса, савдони бузиш яъни иқола мумкиндири. Бу савобли, мустаҳаб ишдир. Имом Байҳақий ривоятида, Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан: Пайғамбар (алайҳис-салом): «Кимки пушаймон бўлиб, ўз савдосини бекор қилса қиёмат куни Аллоҳ унинг хатосини авф этади», деганлар. Яна бир ҳадиси шарифда Пайғамбар (алайҳис-салом): «Кимки савдода ўз мусулмон биродарига қайтариш қилса, Аллоҳ унинг гуноҳларини қиёмат кунида қайтариш қиласди (яъни авф этади)» деганлар (Абу Довуд ривояти). Харидор сотиб олган молини йўқотиб қўйса, иқолани амалга ошира олмайди.

**Истисмор** (араб. – самара бермоқ, фойдаланмоқ) – 1) инвестиция қилиш, сармояни йўналтириш; 2) тасарруф этиш. Истилоҳий маъноси киши ўз маблағидан (моли) яхши йўл билан олиб ўстириши. Бозор иқтисодиётида ишлатиладиган инвестиция категорияси XX асрга келиб пайдо бўлган янги иқтисодий категория ҳисобланади. Истисморда инвестиция қилинаётган маблағ борасида келишилган бўлиши, шунингдек, инвестиция сармоя эгаси рухсат берган тармоқларга йўналтирилиши лозим.

**Муробаҳа** (араб. –мол ёки қимматбаҳо қофозлар нархини сунъий равишда оширмоқ) – сотувчи маҳсулотнинг устига устама, яъни фойда миқдорини

кўйиб, унинг миқдорини айтиб сотиши. Ҳозирги кунда кенг даражада амалга оширилаётган савдо тури ҳам шундай, яъни сотувчи маҳсулотга фойдасини кўйиб сотади.

**Сарф** (араб. – ўтказмоқ) – 1) қайтариш, 2) сарфлаш, 3) зиёда. Пул алмаштириш – пулни пулга айирбошлиш савдоси. Шариат истилоҳида томонларнинг олтин ва кумуш каби доимий қийматга эга бўлган нарсаларининг савдоси сарф савдоси ҳисобланади, аммо ушбу савдога бугунги кунда инсонлар қўлида муомалада бўлган қоғоз пуллар (сўм, доллар, евро ва ҳоказоларнинг) савдоси ҳам киради. Ҳозирги кунда бу савдо туридан кенг доирада фойдаланилади. Турли давлатларга тегишли бўлган пуллар турли мақсадларда ўзаро алмаштирилади. Замонавий иқтисодиётда сарф савдосининг қатъий бир белгиланган шартлари мавжуд эмас. Ислом иқтисодиёти нуқтаи назаридан сарф савдосида турли мамлакатларнинг пуллари алмаштирилаётган бўлса, улар қўлма қўл, бир вақтда алмаштирилиши лозим, яъни бугун долларни олиб, эртага сўмни олиб келаман дейиш мумкин эмас. Бир хил турдаги пуллар алмаштирилганда эса улар teng бўлиши лозим. Масалан, битта беш минг сўмликни олтита минг сўмликка алмаштириб бўлмайди. Аммо маълум бир қийматдаги пул янги чиққанида бу ҳолат бўлиб туради. Сарф савдосини жамиятимизнинг ҳар бир жабҳасида кўришимиз мумкин. Жумладан, давлат билан шахс, фирма ва компаниялар, корхона ва ташкилотлар каби доимий равища ўзаро молиявий муносабатларни

юритувчилар кундалик ҳаётида бундай савдо билан шуғулланадилар. Шунинг учун ҳам мусулмонлар орасида бу масалани яхшироқ ўрганиш эҳтиёжи мавжуд. Чунки, ўзгалар ҳаққига риоя этиш, ҳар қандай молиявий муомалада ҳиёнат қилмаслик Аллоҳ таолонинг буйруғидир.

**Салам** (араб. – тинчлик) – пулни олдиндан берib, товарни кейин сотиб олишdir. Имом Кудурийнинг таърифига кўра, салам деб икки айирбошланадиган нарсанинг бирини аввал беришга айтилади. Ушбу савдо кўпроқ қишлоқ хўжалигида қўлланилади. Дехқонлар ҳосилни етиштириш учун етарли пул маблағига эга бўлиши учун ушбу савдо турига рухсат берилган. Маълумки, баҳорда ҳосил энди экилаётганда дехқонларга маблағ керак бўлади, аммо ҳосил кузда пишади. Баҳорда дехқонларга уруғ ёки ҳосилни етиштириш учун керак бўладиган бошқа нарсаларни сотиб олиши учун харидордан ҳали ҳосил пишмасдан маҳсулот учун ҳақнинг маълум бир қисмини ёки ҳаммасини олади. Фақат ушбу савдода сотиладиган нарсанинг жинси, сифати ва миқдори маълум бўлиши шарт. Саламда алданиш, ёлғон йўқ, чунки товарнинг сифати, белгиланган вақтда товарни харидорга топшириш кафолати ва ўша топширишнинг имкони борлиги алданиб қолишини кетказади ёки уни камайтиради. Салам битими ёлғон савдодан йироқдир. Жумҳур уламолар: салам битимида ёлғон аралашади, дейдилар, чунки харидор товарни битим тузилаётган пайтда кўрмайди, текшира олмайди. Лекин зарурат учун, яъни одамларга енгиллик яратиш, уларни қийин

аҳволдан чиқариш учун салам битими шариатда рухсат этилади. Чунки олувчига шошилинч бўлмаса ҳам товар керак, сотувчига товари пишмай пул керак бўлиши мумкин. Мана шунинг учун ёлғонни камайтириш мақсадида ислом салам битимида ўз шартларини қўйди, жумладан, товарнинг жинси, сифати, миқдори, муддатини белгилади. Битим имзолангандан сўнг сотувчи олувчига келишилган пулни кечиктирмай тўлиқ бериши, сотувчи олувчига пишган товарни зудлик билан топшириши шарт. Шунингдек, битим тузилгандан сўнг топшириш вақтида сотувчи товар пулини олувчига қайтариб бериши тўғри эмас. Абу Ҳанифанинг фикрича, агар пулнинг бир қисми сотувчига берилган бўлса, ўша берилган пул баробаридаги товарда салам битими бўлган бўлади ва сотувчи харидорга берилган пул баробаридаги маҳсулотни беришга мажбур бўлади. Саламда сотиладиган маҳсулотнинг вазни, миқдори маълум бўлиши шарт. Ўлчаб ёки санаб бериладиган нарсанинг сифати ва кўриниши белгиланган шартга кўра бўлиши лозим. Килолаб ўлчанадиган нарсани салам қилиш мумкин. Маълум сондаги ғишт ёки тухумнинг сифатини баён этиш шарти билан салам қилиш мумкин. Мева ёки хурмо дарахтининг меваси тугмагунча салам қилиш яхши эмас. Ҳанафий мазҳабига кўра, ҳайвон ҳар қандай бўлмасин, унда салам мумкин эмас. Шунингдек, суяк аралаш гўштда ҳам салам мумкин эмас, чунки гўштнинг семиз ёки ориқлиги, суяги кўп ёки камлигини билиш қийин. Шунингдек, суяксиз гўштда ҳам салам мумкин эмас. Чунки, бунда гўштнинг семиз ёки

озғинлигини билиш қийиндир. Имом Юсуф, Имом Муҳаммад ва бошқа мазҳаб вакиллари: гўштнинг аниқ сифатларини айтиш шарти билан салам қилиш мумкин, деганлар. Салам савдоси замонавий иқтисодиётда фьючерсга тўғри келади.

**Эҳтикор** (араб. – сотиб олиб йиғиш) – ушлаб туриш. Турли йўллар билан бир хил савдо молини эгаллаб олиб нархни оширишга уринишга айтилади. Муъаммар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким эҳтикор қилса, ўша хатокордир» дедилар. Ҳозирги кунда эҳтикор монополияга тўғри келади. Монопол корхоналар ҳам турли йўллар билан нархларни сунъий тарзда ошириш, бозорда фақат ўз молини қолдириб, у молни қандоқ бўлишидан қатъи назар энг юқори нархда сотишга ҳаракат қилишади. Шу сабабли бутун дунёда монопол корхоналар фаолиятига қарши антимонопол фаолияти юритилади. Ислом иқтисодиётида уч ҳолатда маҳсулотни ушлаб туриш эҳтикор ҳисобланмайди: ўзи етиштирган нарсани, қайта сотиш учун эмас, ўз эҳтиёжи учун сотиб олган нарсани ҳамда бошқа юртдан сотиб олиб келинган нарсани маълум бир вақт бозорда сотмасдан ўзида ушлаб турса.

**Қарз** (араб. – бўлак) – 1) бўлак-қарз берувчи кишига тегишли мол-мулкнинг бир қисмидир; 2) бу муайян нарсани айнан шу миқдорда қайтариб бериш шарти билан иккинчи шахс тасарруфига бериш. Истилоҳий маънога кўра, қарз бу маълум бир мол-мулкни худди шу миқдорда (кўринишида) қайтариш шарти билан бериш ёки бошқа ибора

билин айтганда, қарз–максус бир келишувки, унда бир шахснинг бошқа бир шахсга худди шу миқдорда қайтариш шарти билан маълум (муайян) мол-мулкини бериши. Қарз избораси диний адабиётларда Аллоҳ ризосини тилаган ҳолда муҳтожларга ҳеч бир эвазсиз ва қайтариб бериш шарти билан қилинадиган ёрдамдир, деб эътироф этилади. Пайғамбаримиз (алайхис-салом) ҳар бир садақага ўн баробар, яхши ният билан берилган қарзга эса ўн саккиз баробар савоб берилишини айтганлар (Иbn Можа ривояти, садақа боби, 19-ҳадис). Шунингдек, қийин аҳволда қолган кишига қарз берган мусулмонга қарз ўзига қайтиб келгунга қадар ҳар куни савоб ёзилишини Аллоҳ таоло ваъда қилган (Иbn Можа ривоят қилган, садақа боби, 4-ҳадис). Белгиланган муддатда қарз берувчи томон берилган миқдордаги маблағни талаб қилиш ҳуқуқига эга, чунки қарз – бу шартнома, келишув бўлиб, берилган мол-мулк ўз эгасига қайтарилиши лозим. Шунинг учун қарз тўлиғича муддати келиши билан дарҳол қайтарилиши лозим, чунки белгиланган муддат орта ёки олдинга сурилиши билан қарз миқдори ўзгариб қолмайди. Ислом иқтисодиёти ва бозор иқтисодиётига кўра маълум муддатга берилган қарз, унинг муддати тугамасдан талаб қилиниши мумкин эмас.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг мавзуга доир асарлари

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
2. Каримов И. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 36 б.
3. Каримов И. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент: 2015. – 304 б.

### Асосий адабиётлар

4. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. – 624 б.
5. Абу Лайс Самарқандий. Тафсир. Али Муҳаммад Муавваз, Одил Аҳмад, Закариё Нутийлар таҳрири остида. – Байрут: Дорул кутубил илмийя, 1993. Ж.2.
6. Абдулмуъти Байюмий. Ал-ислам ва-д-давла ал-маданийя. – Қоҳира: Дор ал-Ҳилол.
7. Абул-Муъин ан-Насафий. Табсиратул-адилла. // Муҳаммад Анвар таҳрири остида. – Қоҳира. Ал-Азҳар университети, 2011 й. Ж.2.
8. Абул-Муъин ан-Насафий. Баҳрул-қалом // Валиюддин Муҳаммад Солиҳ Фарфур таҳрири остида. – Дамашқ: Дорул-Фарфур, 2000 й.

9. Ваҳбат аз-Зуҳайлий. ал-Фикҳ ал-исломий ва адиллатуху. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1997. 2-жилд.

10. Диний бағрикенглик ва мутаассиблиқ: (юз саволга-юз жавоб) / Масъул муҳаррир О.Юсупов. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 156 б.

11. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир А.С.Очилдиев. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 246 б.

12. Диний мутаассиблиқ: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари / Ҳасанов А., Юсупов О, Шермуҳамедов К.,Faфуров У., Каримов Ж. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2013. – 160 б.

13. Ислом ниқоби остидаги экстремистик ва террорчи уюшмалар (Маълумотлар тўплами) / Шермуҳамедов К., Каримов Ж. Тошкент ислом университети Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази. – Тошкент: «Movarounnahr» нашриёти, 2014. – 160 б.

14. Комилов К., Ҳасанбоев Ў., Ҳошимов Н. Диний экстремизм ва халқаро терроризм – жамият тараққиётига таҳдид. (Маърифий-услубий қўлланма). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.

15. Кремер Г. Ислом – дин ва давлат: исломда дин, ҳуқуқ ва сиёсатнинг ўзаро муносабати // Ислом ва дунёвий-маърифий давлат / масъул муҳаррир З.Мунавваров. – Тошкент: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2003. – Б. 60.

16. Мотуридий. Таъвилот аҳлис-сунна. // Маждий Босаллум таҳрири остида. – Байрут: Дорул кутубил илмийя. 2005.

17. Мотуридий. Китоб ат-тавхид // Бакр Тўбон ўғли ва Муҳаммад Оружи таҳрири остида. – Байрут: Дор Содир, – Истамбул: Иршод. 2003.

18. Одилхонова Ш. «Оммавий маданият» таҳдиidi. – Тошкент: Муҳаррир, 2010.

19. Оқилов С. Мовароуннаҳрда мотуридия таълимотининг шаклланиш тарихи – Тошкент: «Movarounnahr», 2012. – 185 б.

20. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 536 б.

21. Тулепов А. Интернетга ин қурган «ўргимчаклар». – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014. – 80 б.

22. Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. – Тошкент: Мовароуннаҳр. 2015.

23. Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. – 552 б.

24. Ҳасанов А. Илк ислом жамияти: динийликдан дунёвийликка ўтиш // Ислом ва дунёвий-маърифий давлат / масъул муҳаррир З.Мунавваров. Тошкент: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2003. – Б. 28-29.

25. Юсуф Қарзовий. Фатави муасира. – Мансура: Дар ал-вафо, 1994. Т.II. – Б.636-651.

## **Интернетдаги веб-саҳифалар**

1. http: [www.religions.uz](http://www.religions.uz) – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита сайти
2. http: [www.tiu.uz](http://www.tiu.uz) – Тошкент ислом университети веб-сайти.
3. http: [www.markaz.tiu.uz](http://www.markaz.tiu.uz) – Тошкент ислом университети қошидаги Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази веб-саҳифаси.
4. http: [www.muslim.uz](http://www.muslim.uz) – Ўзбекистон мусулмонлари идораси веб-сайти.
5. http: [www.buxoriy.uz](http://www.buxoriy.uz) – Тошкент ислом институти веб-сайти.
6. http: [www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz) – «Мовароуннаҳр» нашриёти веб-сайти.

---

*Ислом маърифати ва ҳозирги замон*  
**МУНДАРИЖА**

Кириш.....	3
Мотуридийлик таълимотида имон масаласи .....	13
Дин ва дунё .....	22
Ислом фикҳида асосий ва иккиламчи даражадаги масалаларга ёндашув (фикхул авлавиёт) .....	40
Ислом тарихи ва ҳозирги замонда жиҳод тушунчаси: аслият ва талқинлар .....	46
Мумтоз тасаввуф ва замонавий тариқатчилик .	67
Ижтимоий одблар ва замонавий ижтимоий тармоқлар .....	77
Ислом ва «оммавий маданият» .....	85
Исломда санъат ва маданиятга муносабат .....	97
Ислом ва замонавий тиббиётга оид баъзи масалалар .....	118
Ислом иқтисодига оид атама ва тушунчалар изоҳи.....	133
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	155

8640c .

# ИСЛОМ МАЪРИФАТИ ВА ХОЗИРГИ ЗАМОН

«Тошкент ислом университети»  
наширёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2017

*Ношир:*  
**Саидафзал Сайджалолов**

*Муҳаррир:*  
**Сарвар Очилов**

*Муқова дизайнери ва саҳифаловчи:*  
**Лутфулло Абдуллаев**

Нашриётнинг гувоҳнома рақами А1 № 224. 2012 йил 16 ноябрь.  
Босмахонага 2017 йил 30 марта берилди.  
Бичими 84×108 ½ Шартли б.т. 8.40. Нашр т. 8.30.  
Адади 2500 нуска. Буюртма № 34.  
Баҳоси шартнома асосида.

«Тошкент ислом университети» наширёт-матбаа  
бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.

# **ИСЛОМ МАЪРИФАТИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН**

**«Тошкент ислом университети»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2017**

*Ношир:*  
**Саидафзал Сайджалолов**

*Муҳаррир:*  
**Сарвар Очилов**

*Муқова дизайнери ва саҳифаловчи:*  
**Лутфулло Абдуллаев**

**Нашриётнинг гувоҳнома рақами АI № 224. 2012 йил 16 ноябрь.  
Босмахонага 2017 йил 30 марта берилди.  
Бичими 84×108 ½. Шартли б.т. 8.40. Нашр т. 8.30.  
Адади 2500 нусха. Буюртма № 34.  
Баҳоси шартнома асосида.**

**«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа  
бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.**